

Буюк соғинчимнинг салтанатида
Ўлтирибман ёлғиз бир сени ўйлаб.
Ғийбатчи сўзидан, ғайр кўзидан
Яшириб, юракнинг тубига жойлаб.

Кўзимга урилар баҳорий гуллар,
Булоқлар тоғларни ёриб сизмоқда.
Уйимга, кўнглимга тўлар ифорлар,
Олам бир тотли-ю, нажиб бўёқда.

Матлуба ДЕҲҚОН ҚИЗИ



# СОҒИНЧ

МАТЛУБА ДЕҲҚОН ҚИЗИ

# СОҒИНЧ

Қисса, ҳикоялар ва қатралар

"Фарғона" нашриёти

Ўз 2
М 31

Матлуба Деҳқон қизи

Соғинч. Қисса, ҳикоялар ва қатралар. "Фарғона" нашриёти, 2001 й. - 72 б.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ КУТУБХОНАСИ

Таниқли шоира ва адиба Матлуба Деҳқон қизи ўзининг "Қорачиқ", "Кўнгил уйи" шеърий ҳамда насрий китоблари билан ўқувчиларга таниш.

Адибанинг қисса ва ҳикоялардан жамланган мазкур "Соғинч" тўплами энг қадимий ва гўзал мавзу-муҳаббат ҳақидадир. Аёл оламининг сирли сўқмоқларидан ҳикоя қилувчи бу китоб, Сиз, азиз мухлисларга манзур бўлади, деган умидламиз.



# СОҒИНЧ

## (Қисса)

Ойдиннинг укаси Акбар кутилмаганда, тунда Собираларникига кириб борди. Собира шошиб қолди. "Ҳеч қачон... ҳеч қачон бунақа бевақт ... ёлғиз ўзи келмаган. Ойдинга бирор нарса..." Тили сўзга келмади.

– Келинг, тинчликми?

Акбарнинг тафти суст, ранги олинган.

– Беҳосдан онамнинг тоби қочиб қолди. Сизни сўраяпти...

Собиранинг юраги кўйлагини кўтараётган бўлса ҳам вазминлик билан сўради.

– Нима бўлди, дўхтирдами?

– Боши қаттиқ оғрияпти. Уч кунда ҳушига келди.

– Жон Акбаржон, – Собира илтижо билан сўради. – У ҳеч қачон мени чақиртирмаган. Фақат бош оғриғи бўлмаса керак.

Акбарнинг кўзидан ёши тирқиради.

– Докторлар ҳам тайинли гап айтишмаяпти. Ҳаракат қиламиз, зора тузалса дейишди, – Акбар нафаси ичига тушгандай паст товушда гапирди.

– Нима? – Собиранинг овози баландлаб кетди. Кейин сал ўзини босиб, Акбарга астойдил тикилди.

– Бугун уч кун бўлди, – Акбар хомуш сўз бошлади.– Сал кўзини очиб, ҳушига келди. Жон ука, Собирани олиб ке, бир кўрай, – деди.

– Тавба! Кўп сиқиларди. Ишлаётувдими ўзи?

– Ҳа...Шанба куни шунақа бўлди. Дам олиш кунида-да...

– Наим акадан сўраш керак. Ишхонада бирорта гап – сўз ўтганмикин?

Акбар "билмадим" дегандай елка қисди.

– Мен саҳарда етиб бораман. Қайси касалхонада?

– Иккинчида.

– Ҳа, биламан. Ҳов ўша катта банисадами?

– Ҳа, – Акбар ўрнидан турганча бош ирғади. Собира Акбарни кузатиб, хомуш одимлади.

– Ўтирмадингиз. Бир қошиқ овқат қилсак бўларди. Поччангиз ҳам келиб қолишарди.

– Борай, – Акбарнинг овози хаста эди.

Собира ичкарига қайтаркан, юрагига тушган ғашлик нари кетмади. Икки ҳафта олдин Ойдиндан хат олган эди. Ҳозир унинг ўз қўли билан ёзилган ёзувларни ўқиш учун альбом ичини варақлай кетди. Бир қайрилиб, ҳовлини тутиб ётган зимистонликка қаради. "Қачон тонг отаркин?".

Бир беттина ёзилган хатнинг ҳар бир ҳарфидан Ойдин жилмайиб тургандай кўзларига суртди.

"Ойдиним! Сенга нима бўлди-я... Илойим тузалиб қолгин. Болаларингни бахтига илойим" – у кўзига тиқилаётган ёшни нарига итарди. Наим ака билан гаплашиш керак, улар руҳан қадрдон одамлар. Қаттиқ бош оғриғи нимадан бўлади? Ё шамоллашдан ё сиқилишдан. Ойдин ёш болага ўхшаган нарса... Салга ёши тўкиларди. Кўп сиқиларди. Собира Ойдинни излагандай, худди "у албатта тузалади" деган кучли умидни топмоқчидай, Ойдиннинг беш кун олдин ёзилган хатини ўқишга тутинди.

"Собира, азизим! Бугун 25 ноябр экан. Сизлар ёдимга тушдиларинг. Тўйларингни ўн йиллигини нишонлаб ўтиргандирсизлар. Сизларга ҳавасим келади - Ўз атрофларингга меҳр ва муҳаббат қасрини гўзал ва мустаҳкам қилиб қургансизлар. У ҳамиша омон бўлсин!

Бахт, тотувлик йўлдош бўлсин! Дунёдаги энг катта бахт – ёнингда меҳрибон кишинг борлигида деган хулосага келдим. Жон-дилдан севсангу, севган кишинг мурувват кўрсатмаса, ҳаммаси бекор. Уйингда Собиражон, сени ардоқлайдиган одам бор. Бошингга кўтар. Изларини ўп. Изларига таъзим эт. (Ҳазил). Омон бўлинглар.

Сени соғиниб, табриклаб хат ёзувчи дўстинг Ойдин.

Собира, агар икки соат вақт топсанг, кел. Хўп-ми? Жуда-жуда соғиндим".

Собиранинг пешонаси тиришди. Хатдаги айрим сатрларни қайтиб-қайтиб ўқиди. "Севганинг мурувват кўрсатмаса, бекор".

Собиранинт ичи туз сепгандай ачишди. "Эҳ, у эрини жон-дилидан яхши кўрарди. Барибир эр киши севмаса бекор дейишгани рост экан". Кўнгли баъзан қилдан ҳам нозиклашиб кетади. Кўзидан ёш қуйилгани – қуйилган. Бир учрашганда роса ҳасрат қилганди. Ота-онам касалхонада ётди, бир марта хабар олмади, деб қон йиғлаганди.

– Мен у билан нима учун яшаяпман, Собира? Кун ўтказиш учунми? Барибир, нимасидир ёқади. Яхши кўраман. Ҳеч қаёққа кетолмайман. Шуниси ёмон, – дерди.

– Яхшики, бахтингга Наим ака бор. Сени тушинади. Қадрлайди. Бўлмасами, – Собира Ойдиннинг юрагига синчковлик билан қулоқ тутишга уринади.

– Бўлмаса... аллақачон ўлиб қолардим. Уйимда ҳамма нарса бор. Битта нарса... етишмайди. Нима эканини ўзим ҳам билмайман. Излайман, излайман... Ўша, нима ўзи... дейман. Ўзим жавоб топаман. Меҳрибонлик бўлса керак, – дейман.

Унга эр қилиб орзуларимни айтолмайман. Кўнглимни очолмайман. Гапларим ёқмайди. Битта режани айтсам, малол олади. "Йўқ" дейди. Ахир, биз қачон бор қиламиз. Умримнинг ярми ўтиб кетди-ку! Ўттиздан ошдик. Ёшлигим туманли, тунд чеҳрасидан ёруғлик излай - излай, хазон бўлганга ўхшайди.

"Тавба, бечора бир умр нимагадир ташна ўтди. Чанқаган одамга ўхшарди." Собира ўйга толди. У ўзига таскин излаб, тонг отишини кутди.



Ерга ёруғ тўкилаётганда, йўлга тушди. Икки соатлар чамаси йўл босиб, Фарғонага кириб келди. Ҳавонинг авзои бузуқ. Яхшиям пух рўмолини ўраган экан.

Собирани ҳамшира тўхтатди.

– Врач рухсат берса кирасиз.

Нозиккина, хушрўй врач Ноила Турсуновна Собиранинг елкасига оқ халат ташлаб, палатага эмас, негадир ўз хонасига етаклади.

– Ойдинга келдингизми?

– Ҳа. Тузукми?

Врач аниқ гап айтмади. Собирага бошдан-оёқ синчиклаб разм солди.

– Кими бўласиз?

– Дўсти, яқин қадрдони.

– Жуда яқинми? Сирдошмисизлар?

– Ойдиннинг ортиқча сири йўқ. У асли очиқ кўнгил асл. Кўнглидагини ҳеч кимдан яширмайди. Ўзи тузукми? Шуни айтинг.

Ноила Турсуновна оғир тин олди.

– Бир хилда. Ўзгариш йўқ. Бошининг оғриғи пасаймаяпти. Ҳатто... бошини кўтаролмаяпти... Оғир. Асаблари қаттиқ жароҳатланган. Уйдагилар билан гаплашдим. Ҳеч гап ўтган йўқ дейишяпти.

– Тузалиб қолармикан? – Собира докторга умид билан қаради.

– Уриняпмиз, – врач чуқур уҳ тортди.

– Аввало асабини тинчлантириш керак. Ҳеч нарса фойда бермаяпти... Унга бир сўз биланми... яқин бўлган одами биланми... асабига ором бериш керак-да... Нозик руҳли одамларга таъсир қилиш осон. Бироқ алдаш қийин. Улар ёлғонни тез билиб қолишади. Масалан, менинг мингта ширин сўзим кор қилмас. Кимнингдир бир оғиз сўзи билан ўнгланиши мумкин. Сиз Ойдин билан қачондан бери дўстсиз?

– Йигирма беш йилчадан бери... Синфдош. Кейин институтда бирга ўқидик.

– Яхши... Биласизми нима, – Ноила Собирага яна синчков қаради. Сиз билан Ойдин ҳақида очиқ гаплашишим керак. Агар унда... умидми, ўзига ишончми, бир яшашга муҳаббатми... яхши бир туйғу уйғота олсак... балки... Ҳеч қайси дори – дармонлар кор қилмаган, шу томонларни ҳам ўйлаб қолдим.

Ноила ҳам, Собира ҳам чуқур ўйга толиб қолишди.

– Илтимос, Ойдинни бир кўриб чиқай.

– Йўқ! – Докторнинг овози кескин эди. – Шошилманг. Ўйлашиб олайлик. Кейин. Исмингиз нима?

– Собира!

– Айтинг-чи, сиз биларсиз. Ойдин ёшлигида бирорта одамни севганми?

– Ҳа, севиб турмуш қурган эди.

– Шунақа денг, – доктор бўшашди. – Рости, мен бошқа нар-сага умидвор эдим. Агар у олдин кимнидир севгану, у билан турмуш қур-

маган бўлса, ўша одамни бир ҳол сўрашга чақирсам, фойдаси тегармикин, дегандим.

Собира нима дейишни билмай жим қолди.

– Лекин, – Собира тортиниб сўз бошлади. – Битта яқин одами бор. Ўша одамга руҳан суянса керак деб ўйлайман. Мени яхши тушунади, деб айтади. Ростдан ҳам у одам Ойдинни қадрлайди.

– Ким экан у?

– Наим Солиҳов деган. Таниқли бастакор...

– Танийман у одамни. Яхши куйлар басталайди.

– Илгари мусиқа мактабида дарс берарди. Ўша одам Ойдинни ёшлигидан ўқитган. Мусиқа чалишни ўргатган одам. Ҳозир бирга ишлашади. Билим юртида. Ойдин бир сафар "мени тўла тушунади" деганди.

Ноила пешонасини ушлаб, ўйланиб қолди. Унинг оппоқ, узунчоқ чеҳраси ёқимли, оқ қалпоқ орасидан чиқиб турган сочлари тунdaй қора эди.

– Ҳозир қишлоқдан келдиму, ўша одамни изладим. қўнғироқ қилиб сўроқладим. Тошкентда экан, уч кундан кейин келармиш.

Ноила "шунақами" дегандай бўшашиб қаради.

– Бўлмасам... – Ноила қатъий қарорга келгандай, Собирага қаради. – Ҳозир Ойдиннинг палатасига кирасиз. Фақат, мен айтгандай муомилада бўласиз, у бир кишилик хонада. Гўё шунчаки, уч-тўрт кунлик, енгилгина касални кўргани келгандек саломлашасиз. Илтимос, асло оҳ-воҳ чекманг. Ойдин йиғласа, майли юраги бўшайди. Енгиллашади. Сизнинг юзингизда, кўзингизда фақат қувноқлик бўлсин. Иложи борича кам гапиринг. Яхши гаплардан гапиринг. Соғлом пайтини эслатманг. Тузалиб кетасан, тузалсанг, бир яхши жойларга айлангани борамиз, денг. Кейин, мабодо Наим ака ҳақида гап бошласа, кўпроқ гапиринг. Чарчатиб қўйманг. Хўп-ми? Илтимос. Касал бировнинг номини сўрамаса, гапирманг.

Собира доктор билан етаклашиб, палатага кирди.

– Ойдин! – Ноила юмшоқ, ёш болани эркалатгандек товуш билан Ойдинни чақирди.

Ойдин оппоқ кўрпа бағрида осмонга тикилиб ётар, докторнинг товушидан сергакланиб, ўнг томонга қайрилди.

– Келинг, Собира хола, – Ойдиннинг қизи Нафиса Собирага яқинлашди. Собира Нафисанинг синиққан, хомуш чеҳрасини кўриб, тўлиқди. Ўзини адл тутишга уринди. Собирани кўриб, Ойдиннинг икки ювош кўзларидан дув этиб ёш тўкилди.

– Бир чиройликсан. Кап-катта одам йиғласа, Тавба...

– Собира кулимсирашга уринди. Ойдин ётган сўрининг ёнига омонат ўтирди.

– Мана, стулга ўтиринг, – Нафиса таклиф қилди.

– Ўртоғингизни олиб келдим-да...

Ойдиннинг лаблари қимтинди. Миннатдорчилик билдирди.

– Бир чиройликсан, Ойдинжон!



Собиранинг "Ойдинжон" дегани тинмай зириллаётган, чидаб бўлмас бош оғриғига малҳамдек хуш ёқди. Наим ака уни ёш болани эркалагандек баъзан "Ойдинжон" деб чақирарди. Дунёда ҳеч ким уни бунақа чақирмайди. Қани энди Собира яна бир бор "Ойдинжон!" десаку! Ойдин яна тўлиқди. Табассумига кўз ёшлари қоришди.

– Бошим қаттиқ оғрияпти. Чидолмаяпман Собиражон. Чидолмаяпман. Бу азобдан ўлим минг марта осон бўлса керак деб ўйлаяпман.

– Қўй, унақа гапларни. Яхши ният қил. Ўтиб кетади. Дард меҳмон дейишади. Ҳар нарсани ўйлайверма.

– Ичим зим - зимистон. Қил айланмаяпти, – Ойдиннинг кенг пешонаси тиришди. Кўзларини маҳкам юмиб олди.

– Эсингдами, Ойдин, ҳар йили иккимиз Қора денгизга борамиз лердик.

Ойдин маъюс кулимсирашга уринди. Кўз ўнгидан кўм-кўк денгиз чайқалиб ўтгандек бўлди.

– Келаси ёзда албатта борасизлар, – деди ишонч билан Ноила. Ойдиннинг киприклари пирпиради.

– Сизлар бемалол гаплашинглар, – Ноила эшикка йўналаркан, Нафисани секингина "Юр, буёққа" дегандай имлади. Собира ўзимиз қолдик дегандай қаради.

– Раҳмат, кебсан. Кўргим келди, – яна Ойдиннинг кўзларидан ёш дувиллади.

– Йиғласанг, хафа бўламан, – Собира Ойдиннинг юзларини артди.

– Собира, биласанми, – шивирлади Ойдин. – Наим акани кутяпман. Розилик сўрашим керак. Менга бир умр яхшилик қилган одамни жуда кўп хафа қилганман. Мана энди афсусланяпман. Қаттиқ бетоб бўлганда одам энг меҳрибон кишиларини кўргиси келаркан. Собира, ичим тўлиб турган эди. Шу гапларимни айтсам, кимдир эшитса, ичимда кетмаса деб илҳақ эдим. Эшит, жон Собира...

Ойдин беҳолланди.

– Гапиришга кучим етмаяпти.

– Айтайми, докторинг нима деди.

Ойдин сергакланди.

– Ҳаммаси ўзига боғлиқ деяпти, яшашни истаган одам соғайишга интилади деяпти. Тўғри айтяпти.

– Менга яшашнинг энди қизиғи йўқ, биласан-ку!

Собиранинг аччиқ ёши сизиди.

– Мен ёлғизликдан чарчадим, толиқдим. Мен ёп-ёлғиз аёлман. Кўнглим ҳувиллаган. Унга қаердандир нур тушгани билан у томонга ҳатто қайрилгани уяламан...

Ойдиннинг яна ёшлари қуйилди. Собира сўз тополмай қийналди. Ойдиннинг кўзларини яхши англолмагандай караxт бўлиб қолди.

– Наим ака сени қадрлайди-я. Хурсанд юринг, – деб олдимда сенга неччи марта илтижо қилган. Ўзим эшитганман.

Ойдиннинг нигоҳлари бир лаҳза нурланди. Кўнглидан ҳозир гаплари тошиб келар, бироқ уларни сўзлашга мажоли етмасди. У бор кучини тўплаб, илтижо қилди.

– Собира, энг сўнгги дақиқаларда, ўлим рўпарангда турганда, сенга ким энг кўп меҳр тутган бўлса, ўша одамдан қарзингни узолмагандай қийналаркансан. Наим ака менга яхши гапирса, меҳрибонлик қилса, баъзан миннатдор бўлардим. Баъзан аччиғим келиб, дилини оғритардим. Биласанми, нима учун? Эркак киши бўлгани учун. У менга шундай меҳрибон, шундай яқин эдики... Фақат эркак киши бўлгани учун унга меҳримни тутолмасдим. Ҳаммаси ичимда қолиб кетарди. Бир куни, афсус билан энг яхши кўрган шогирдининг номини айтиб:

– Қани эди бир юмалаб, Беҳзодга айланиб қолсам, истаган пайтда ҳузурингизда бўлардим, – дедим.

Наим ака бўлса:

– Мен Сизнинг фақат аёл бўлишингизни истайман, – деди. Бугандан кейин баттар ўйланиб қолдим.

Ойдин гапиришдан тўхтади. Собирага яна илтижо билан қизғаниб, оғриқни ичига ютган алпозда қаради.

– Мана энди... хаёлимда ўлим тобора яқинлашиб келяпти. Менга меҳрини тутган одамлардан қарзимни узолмадим...

– Тузалишни ўйласанг-чи, Ойдин, Ойдинжон ...

– Яна бир марта Ойдинжон деб чақир, илтимос, – Ойдин юзларини беркитиб, ёшини сидирди.

– Ойдинжон, жоним, қўйсанг-чи, бош оғриғи - кўз оғриғи дейдилар. Ўтиб кетади, Ойдинжон.

– Йўқ, – Ойдин дардли шивирлади. – Ёлғизликдан толиқдим. Яшашни истамайман.

– Ойдинжон, қизингни қара...

– Билмадим, - Ойдин кўзларини юмиб, бошини қаттиқ чангаллади.

– Ке, уқалаб қўяй, – Собира унинг бошларини, ипакдай майин, қоп-қора сочларини оҳиста текислаб, уқалай бошлади. Ойдиннинг кулча юзлари оғриқдан тиришиб кетди. Хонага Ноила кирди. Ойдиннинг қаттиқ инграётганини кўриб, ранги "қув" ўчиб кетди. Собирага "туринг" дегандай ишора қилди. Собира сўзсиз хонадан чиқди.

Ноила ҳамшира қизларни чақирди. Кимдир игна кўтарганча, ўша хонага шошилди.

– Оғриқни пасайтирадиган укол қилишди, – деди Ноила Собиранинг ёнига келиб.

Собира боши қотган одамдай сўзсиз туриб қолди. Кейин докторга:

– Тошкентдан доктор чақиртирсак-чи, – деди умид билан тикилиб.

– Ҳамма анализлар яхши. Асаблар задаланиб кетган. Дорилар кор қилмаяпти. Биласизми, бунақа касаллар тузалиши учун одамнинг ўзида ички куч пайдо бўлиши, руҳида янгиланиш, ғуборлардан тозаланиш рўй бериши керак. Озгина кутайлик-чи...

Собира касалхонадан хомуш чиқиб кетди.



* * *

Тошкентдан саҳарда учган тайёра тонг оқараётган, шафақлар чўғланиб, осмон бағрини эгаллай бошлаган бир пайтда Фарғонага қўнди.

– Тўғри ишхонага бораман, дўстларни кўриб, ҳол-аҳволни билиб, кейин бемалол дам оларман, – кўнглига тугди Наим Солиҳов.

У ўз режасидан ўзи кулимсиради. Олдин уйга борсам нима қиларкин. Ишхона қочиб кетмайди-ку. Кўз ўнгидан Ойдиннинг туришлари ўтди.

– Ёш боладай беозор, нимагадир ташна, интиқлиги сезилиб туради. Нимасинидир йўқотиб, излаётган, дарагини эшитишга ташна бўлиб турган одамга ўхшайди. Бутун меҳрини аямай тўкиб туради. Юзлаб шогирдларга сабоқ бердим. Энг нозик ҳислиси – Ойдин. Нима демоқчи эканимни сўзсиз уқади. Нима истаётганимни, нимага зорлигимни. Тавба. Ҳатто кайфиятимдаги зарра ўзгариш, соғлиғим... уларнинг бирортасини кўздан қочирмайди.

– Ойдинни бир кўришим керак. Кейин уйга кетсам бўлади, – Наим Солиҳов оғир сумкасини кўтарганча, мусиқа билим юрти дарвозасидан кирди. Икки-уч ой бўлиб қолди, уни директор лавозимига сайлашди.

Билим юрти боғбони гулзорларни тозалаб, қишга ҳозирлаётган экан. Наим акани кўриб, унга пешвоз юрди.

– Э... Наимжон ўғлим, эсон-омон қайтдингизми?

– Раҳмат. Келяпмиз. Ҳорманг.

– Саломат бўлинг.

– Қалай, ишлаяпсизларми? Тинчликми?

– Шукур, тинчлик. Озгина ташвишда турибмиз, – Эгам бобо бир сиқим бўлиб, атрофга кўз ташлади. Йўлдан келган одамга ташвишли гапни айтиш оғир. Ўйланиб, туриб қолди.

– Нима гап? Тинчликми?

Эгам бобо хотиржам овозда гапиришга уринди.

– Ҳаммаёқ тинч. Ойдинхон қизимиз озгина...

– Ойдинга нима бўлди?

– Касалхонага тушиб қопти, – Эгам бобо гапни қисқа қилишга уринди.

– Шунақа денг.– Наим аканинг чарчоқ тўла чеҳраси бир зумда булут қоплагандек қорамтирлашди. Пешонасидаги чизиқлари чуқурлашди. У ҳеч нарса демай "Директор" деб ёзилган биринчи қаватдаги хона сари шитоб юрди. Хонасидан чиқиб, ўқитувчилар билан шошапиша салом - алик қилди. Ойдиннинг қайси касалхонадалигини суриштирди.

Наим ака қирқдан ошиб, элликка қараб бораётган бўлса ҳам кучғайрати ўзига сиғмаган одам. Унинг ҳеч қаёққа қарамай бир зумда олислаб кетганини кўрган Эгам бобо ортидан ҳавасланиб қаради.

– Ҳокисиё одам! Директорман демайди. Ҳаммага бир хил. Уйига ҳам бормай, энди банисага борса керак. Омон бўлсин.

Наим ака бозорга кириб, яқинлашиб келаётган қиш изилламасини ҳозирдан тотина бошлаган бозорчилардан мева-чева харид қилди. У ҳозир бозордаги энг сархил меваларни Ойдинга илинди.

– Кўп-кўп мева ейиши керак. Ажовмас, тезроқ, тузалиб кетса... У доим ўзини сиқиб юради. Неча марта айтганман. "Ойдин, инсон ҳаётга бир марта келади. Одам вақтичоғлик топишни ҳам билиши керак. Бу ҳам санъат. Беҳудага эзилишдан нима фойда" деганман. Ёш бола! Қачон қарасанг, кўзининг ёши дувиллайди. Унинг кайфиятини яхшилаш учун кўп уриндим. Бефойда! Оҳ, Ойдин, Ойдин!

Наим ака бозордаги нарх-наво билан қизиқмади.

– Бир кило олмадан тортинг, отахон.

Наим ака қип-қизил, ҳозиргина узилгандай турган тиниқ олмаларга ҳаваси келиб қаради. Худди Ойдин уларни иштаҳа билан ейдигандай вужуди яйради. Нарироқ бориб гавҳардай товланаётган узумларга кўз югуртириб:

– Бир кило тортинг, – деди озғин, рангпар аёлга.

Беш-олти қадам юриб, доналари қопиғини туртиб турган чўғдек анорлар қаршисида тўхтади.

– Бир кило...

Наим ака соат ўнлардан ошганда касалхонага етиб келди. Ойдиннинг ёнида ким борикин? Бирор қариндош-уруғи бўлса... Нима деб ўйларкин. Минг қилса ҳам эркак киши. Наим ака касалхонага қадам босиши билан кўнглига ҳар хил шубҳалар ўрмалай бошлади. Томоғига нимадир тиқилди.

– Эҳ! – у ҳаммасини янчиб ўтмоқчи бўлгандай, қадамини катта ташлади. – Ҳозир... шунақа, одам бетобланиб ётганда-я... Ахир, энг муҳими – Ойдиннинг соғайиши-ку! У тезроқ соғайиши керак! Ойдин хурсанд, вақти чоғ юрса – менга сади.

Наим ака иккинчи қаватдаги асаб касалликлари бўлимига чиқиб борганда, эшик тагида ҳеч ким йўқ эди. Эшикни шошиб очди. Йўлакда кетаётган ҳамшира қайрилиб қаради. Наим акани "чиқиб туринг" дегандай қўли билан ишора қилди.

– Синглим, бир минутга...

Ҳамшира эшитмагандек олдинга юрди. Наим ака топиқди. Бошқа ҳамшира кўринди.

– Ҳой, синглим! – Наим ака безовталик билан овози баландлаб чақирди.

– Ҳозир, – ҳамшира рўпарўсига келди.

– Мен Ойдин ётган палатага киришим керак.

– Иккинчи палатадаги Ойдин Низомовами?

– Ҳа, худди ўша.

Қиз ўйлангандек туриб қолди.



– Касалларга соат бешдан кейин қўямиз. Низомовага билмадим, у анча оғир. Фақат врач рухсати билан...

– Оғир дейсизми, – Наим аканинг юрагига нимадир санчилди.

– Оғриқ бир ҳафтадан бери бир хилда. Пасаймаяпти. Қийналиб кетди бечора ...

– Кўриб чиқай. Секин киритиб юборинг.

– Йўқ, – Ҳамширанинг овози қатъий эди. – Шошманг! Ҳозир Ноила Турсуновна беморларни кўряпти. Бўшаса, ўзи билан гаплашасиз. Илтимос, ташқарига чиқиб туринг.

– Жон синглим, йўқ деманг, мен тезда...

– Кими бўласиз ; – қизиқсинди ҳамшира.

– Яқин одами...

Ҳамшира кулимсиради.

– Тавба...

Наим ака хиёл тутоқди.

– Одам киритмай, касални ҳам баттар қиласизлар.

Ҳамширанинг чўрткесарлиги тутди.

– Яқин одами эмансиз. Биларсиз, тузалишидан тузалмаслиги кўпроқ, деб турипибди. Буни фақат ўзи билмайди холос.

– Нима?! – Наим ака кетишга шошилаётган ҳамширани тўхтатди.

– Жон синглим, бемалол гаплашайлик. Мен ҳозир узоқ йўлдан келдим. Ойдинни бетоб деб эшитдим, холос. Ҳеч нарса билмайман. Нима бўлди ўзи унга! Бир яхши юрган эди. Менга тушунтиринг. Унга нима бўлди?

– Уни ўша куни ҳушсиз олиб келишди. Учинчи куни ўзига келди. Асаблари қаттиқ шикастланган дейишяпти. Нима сабабдан шундай бўлган, билмаймиз.

– Ҳозир ёнида кими бор?

– Икки кун онаси турди. Ҳозир қизи ёнида.

– Илтимос, ўша қизини, Нафисани чақириб беринг.

Хиёл ўтмай узун йўлакда қалин сочлари битта ўрилган, позиккина, кўзлари ақлли ва хомуш боқиб турган ўн икки-ўн уч ёшлардаги қизча кўринди.

– Наим тоға! – у Наим акани кўриб, ўз тоғасини қаршилагандай суюниб кетди. Наим ака уни эркалаб, юзларидан беозор ўпиб қўйди.

– Аянгга нима бўлди?

Нафиса ғамгин қаради.

– Боши... қаттиқ оғрияпти. Ухлолмаяпти. Сизни гапирди. Наим тоғанг келса, бир оғиз гапим бор эди, деб йиғлади.

Наим аканинг мижжалари намланди.

– Кирай десам қўйишмаяпти.

Нафиса жовдиради. Наим аканинг палатага киришини истаётгани жуда-жуда билиниб турарди. У югуриб орқасига чопиб кетди. Ичкаридан ҳали ҳозир Наим ака гаплашган ҳамшира билан етаклашиб чиқди.

– Жон Гулнора опа, Наим тоғамни қўйинг, жон опажон. Мана кўрасиз, аям яхши бўб қолади.

Ҳамшира майин жилмайиб, қизчага қаради.

– Яхши бўб қолсин. Бахтингга тузалиб қолсин.

– Қўйинг, жон опа.

– Ҳозир Ноила Турсуновна бўшасин...

– Аяш овқат еяптими? – сўради Наим ака.

– Йўқ, – қиз бошини сарак-сарак қилди. – Чой ичяпти холос.

– Овқатга кирса, тузалиб кетади.

Наим ака бир лаҳза жимиб қолди. Кейинги пайтда кўп касал бўларди. Бошим деганча, ўзини кўтаролмай икки-уч кунлаб ётиб қолар, ишга келолмас эди. Бир куни рўпарўсида ўтириб йиғлаб қолди.

– Наим ака, мен ўзимга ишонмай қолдим. Соғлиғим ёмон, докторлар билишмаяпти. Дори-дармонлар озгина фойда беради, холос. Бошим оғир. Баъзан ҳеч нарсага ярамайди. Хотирамда ҳеч нарса қолмаяпти, – деганди.

Шунда Наим ака Ойдинга бошдан-оёқ разм солгани рост.

– Ҳеч касалга ўхшамайсиз. Юз-кўздан нур тўкилиб турибди. Ранг тоза. Озганингиз йўқ.

– Нега бўлмаса, ишлолмаяпман. Биласизми, бир ажойиб, одамни сел қиладиган битта бўлса ҳам куй яратсам эди. У мендан шу ҳаётта эсдалик бўлиб қолса. Кимнингдир юрагига "жиз" этиб тегса. Кимдир йиғлаб эшитса. Юраги бўшаса. Руҳи покланса. Орзуларим юрагимда кетмаса деб қўрқаман.

– Ойдин! Хафа бўлманг, сизда катта битта камчилик бор. Сизни касал қилаётган ўша. Айтайми?

– Майли, – Ойдин астойдил қулоқ солди.

– Ойдин, хафа бўлманг, сизда майда ташвиш кўп. Арзимаган нарсага руҳингизни пасайтириб, гоҳида ёш боладай йиғлаб ўтирасиз. Ўйланг, йиғлаб ўтирган боланинг қўлидан нима иш келади. Катта мақсадни кўзлаганн одамнинг аввало руҳи баланд бўлиши керак. Руҳни баланд тутинг. Билдингизми? Ҳеч пасайтирманг. Пасайишига йўл қўйманг. Уни баланд кўтариб юриш учун имкон ахтаринг. Сиз ижодкорсиз. Тўғрими? Ижодкор сал бошқалардан баландроқ юради. Оч қолсангиз ғам еманг. Бу қорин бир илож бўлиб тўяди. Сиз ахир еиш учун эмас, яшаш учун ейдиган одамсиз. Қимматбаҳо кўйлагим йўқ деб бошқаларга тааccиб қилманг. У ҳам ўткинчи нарса. Аммо сиз яратмоқчи бўлган куй – у яшайди. Ўша учун фидо бўлсангиз арзийди.

Ўшанда Ойдин мамнун жилмайиб қўйган эди. Ўша боқишида чегарасиз миннатдорлик бор эди.

– Раҳмат, Наим ака...

Наим аканинг қулоғи остида ҳозир Ойдиннинг маъсума овози эшитилгандай бўлди. Рўпарўдан ҳамшира билан етаклашиб келаётган докторни кўриб, сочилган хаёлларини йиғиштирди.

– Ассалому-алайкум, доктор.



– Ваалайкум ассалом, Наим Солиҳович. Келинг.

– Бу... – Наим ака нима дейишни билмай шошди.

– Ойдиннинг олдига кирмоқчи эдим. Рухсат берсангиз.

– Майли, ўзим олиб кираман, – Ноила Турсуновна хотиржам йўл бошлади.

– Айтгандай, – у икки қадам юриб тўхтади. – Наим Солиҳович, олдин мен бир кириб, келганингизни айтиб чиқсам, кейин кирсангиз.

– Майли.

Наим ака эшик тагига қўйган қоғоз халтани Нафисанинг қўлига тутқазди.

– Ма, олиб кир.

Ноила Турсуновна хонага кирганда, Ойдин яна инграй бошлаган эди. У оҳиста кириб борган Ноилани кўриб, тишини тишига қўйди.

– Чидолмаяпман. Яна ўша оғриқ қолдирадигандан қилишсин.

Ноила бу уколни бир соат олдин қилишганини билса ҳам беморни тинчлантириш учун тасалли берди.

– Хўп. Ойдинхон, айтаман. – Ноила Ойдинга яқинлашиб, унинг бошларини уқалади. Оҳиста сўз бошлади.

– Ойдинхон! Сизни кўргани келишди. Истайсизми? Киришсинми?

– Ким? – унинг кўзлари жовдиради.

Ноила нима дейишни билмай шошди.

– Сизга мусиқа чалишни ўргатган одам.

Ойдин иймангандек Ноилага "ялт" этиб қаради-ю, қўллари билан юзларини яширди.

– Наим акамми? Нима деяпсиз, Ноилахон, у одам кирса уяламан.

Ойдин худди Наим ака эшикдан кириб келаётгандай бошини кўтаришга уринди.

– Сал тузалай... Ҳеч бўлмаса ўтирадиган бўлишим керак. Шу аҳволда-я. Чўзилиб ётибман-ку! Кўрпа ичида. Йўқ, бўлмайди, – унинг кулча юзлари ҳаёдан ловуллаб, қизариб кетди.

Ойдин жиддий масалани ҳал қилаётгандай бир лаҳза ўйланиб қолди.

– Ноилахон, жон ўртоқжон, – Ойдиннинг гаплари тутилди. – Қаранг, улар келганда мен касал бўламанми-я. Ҳаётимда у кишига бунақа аҳволда рўпарў келмаганман. – Ойдин нимадандир жони таскин топгандек бир лаҳза тин олиб, бошини болишга ташлаб ҳузур қилгандек бўлди. Кейин оғриқни ичига ютиб, яна бошини кўтаришга уринди.

– Ноилахон, биласизми, нима дейсиз. Тузалиб, ўзи бораркан, овора бўлмасинлар, деди денг. Йўқ, тўхтанг, яхшиси қалам беринг. Қоғоз ҳам. Ёзиб бера қолай.

– Хўп. – Ноила чўнтагидан қалам чиқарди.

– Нафиса, қоғоз борми?

– Бор, – у тумбочка устидаги дафтардан йиртиб келди. Ойдин учишга чоғланган қушчадек нимагадир талпинди. Ойдин оғриқни

унутиб, эшикка қаради. Чопқиллаб, югуриб-югуриб, шошиб-шошиб пешвоз чиққиси келди. Шундай чиқса, эшик тагида бир одам унга интиқ турибди. Бу – ўша, Ойдинни ҳар доим бахтиёр кўришни истаган одам. Наим ака! Ойдин эшикка талпина - талпина хиёл қад ростлаб, ярим тикланиб, бошини кўтарганини сезмади.

Ноила севинганидан қичқириб юборай деди.

– Ойдинхон, турялсизми?

Шундагина Ойдин қад ростлай бошлаганини сезди. Жилмайди.

– Тавба, қаранг, – деб қўйди Ноилага қараб. – Оғриқ ҳам шу лаҳзада бироз пасайганга ўхшаяпти. Барибир уяламан, – Ойдин яна асосий мавзуга қайтди. – Биласизми, у киши мен учун энг улуғ одам. Келганлари қизиқ бўпти-да.

– Дугонангиз Собира айтганди, – Ноила атай мужмал гапирди. Ойдинга оғир гапириб юборишдан чўчиди.

– Рост, Собирага айтгандим, яшириб нима қиламан. Одам ёмон ишини яширса керак. Лекин топ-тоза меҳрини ҳеч қачон яширолмайди. Жуда кўргим бор эди. Бу оғир кунимга мадад излаган бўлсам керак. Бироқ, ўйламаган эканман, – Ойдин кўзи "ярқ" этиб очилгандай севиниб, Ноилага қаради.

– Ноилахон, бошимни бир нарса бўшатиб юборди. Орқамдан бир нарса пастга ўрмалаётганга ўхшаяпти.

–Бу жуда яхши! Демак, оғриқ пасайяпти. Тузалиш бошланибди.

Барибир Ноила кўзларига ишонмади. Шунча кунги муолижа ёки энди таъсир қилдимикан? Қизиқ, биз беморни тузатиш учун кунда неча бор игна санчамиз. Унинг руҳиятига қулоқ тутишга эса вақт тополмаймиз. Рости, унча қизиқмаймиз. Унинг вужудида миллионлаб нозик нуқталар бор. Уларга таъсир қилишни хаёлимизга келтирмаймиз.

Ойдин ярим ёнбошлаб, чап томонга ўтирди. Ўнг қўлини ёзишга чоғлади.

– Ойдинжон! – Ноила ишонч билан илтижо қилди.

– Нега уяласиз? Касал кўргани кимлар келмайди. Нима қилай, Наим Солиҳовни айтайми, кирсинларми?

– Йўқ, – Ойдин кучга кирган одамдай овози дадилланди. Соғайсам, кейин. Кўрпа ичида ётиб... асло бўлмайди. – Ойдиннинг чеҳраси чиройли ловуллади ва шошилмай, ўйлаб - ўйлаб ёза бошлади. "Ассалому-алайкум Наим ака! Эсон-омон келдингизми? Нега? Нега овора бўлдингиз? Мени ҳижолат қилиб? Минг раҳмат! Келганингиз учун! Бехос бетобланиб қолдим. Тузалиб қоларман. (Бу умид Ойдиннинг юрагида ҳозиргина уйғонди). Ўзим бораман. Наим ака, мендан хафа бўлманг. Мени излаб келган қадамларингизга бош қўйиб, тавоб этгувчи Ойдин". Ойдин хатни авайлаб тўрт буклади ва Ноилага узатди.

– Ноила, ажойиб доктор экансиз. Тан бердим. Хатни бераётиб, узримни яна бир бор айтинг.



Ойдиннинг нигоҳлари Ноилага эргашиб кетди. Эшикка узоқ тикилиб қолди.

* * *

Ойдин куни бўйи эшикдан кўз узмади. Худди Наим ака идорага ғайрат билан шитоб кириб келгани сари шошиб палатага келаётгандек бўлаверди. Ойдин эса бу хаёлидан баттар энтикиб кетар ва сал ўзини ўнглаб ўтириш учун туришга чоғланиб, чоғланиб қўярди.

– Майли, дамини олаверсин, эртага келаман, – деди Ноилахонга.

– Ҳамиша кўнглимга қарайди, раъйимга қарайди, – миннатдор бўлди Ойдин.

"Ростдан келармикин? Овора бўлиб-а? Кейин бу яхшиликни қандай узаман. Бу қарзни узиш учун соғайиш керак-ку!" Ойдин ғайрат билан ишлаб, чарчаган одамдек бошини у ёқ-бу ёққа ташлади. Оёқларини астойдил узатди. Жонига бир малҳам етиб боргандек, вужудида ширин осойишталик, озгина бўлса-да бу ёруғ дунёдан лаззатланиш туйғусини сезди. Киприклари ширин илинаётганидан ҳайрон бўлди. Лаҳза ўтмай, кўзлари уйқуга тўлди.

Нафиса онасининг ухлаб қолганини кўриб, оёқ учида одимлаганда, эшикка йўналди.

– Ҳеч кимни киритмайман, – у соқчидек стулга ўтириб олди.

– Аям ухлаяпти...

– Ростданми? – тушдан кейин келган тоғаси Акбар хурсанд бўлиб ортига қайтди – Хайрият. Ҳалироқ келаман.

Нафиса тоғасини ўрнидан турганча, бир қадам ҳам жилмай, худди хонага биров кириб кетадигандай хавотирлик билан кузатди. Нафиса ҳам эртанги кунни орзиқиб кутаётганини сезди.

– Эртага... Наим тоғам яна келса-ку! Аямнинг ухлаганини эшитарди, суюнарди.

Ойдин ўша куни бир соатча ухлади.

– Нафиса! – Палатага жон қулоғи билан михланган қиз бу овозни дарров эшитди.

– Тузукмисиз?

– Яхшиман, қизим. Ухладим-а!

– Анча ухладингиз. Энди яхши бўб қоласиз. Наим тоғам кўриб, суюнадилар-а, ая...

Ойдин кулимсиради.

– Вой, қақажон-ей! Ким келди?

– Тоғам. Ҳали келаман, – дедилар.

– Бувимни ҳам бирам кўргим келдики, – Ойдин ҳозир ҳеч нарсани яширгиси келмади. Зарра бир пинҳонийлик ҳам танасига оғирлик қилаётгандек эди. "Яхши нарсаларни ўйлаш керак". У докторнинг айтганларини бажаришга уринди.

Ойдин атрофга қулоқ солди. Осмондан тайёранинг гувиллаган овози келди. "Учяпти! Уни одам бошқариб боряпти. Бир ботир, мард

йигит". У негадир беихтиёр эрини эслади. Оғир бетоб ётганда ҳам топиқиб, ташвишланиб, касалхонага икки марта келгани эринади бечора. Фойдаси йўқ ишларни ёмон кўради.

Ойдин миясига келаётган ўйлардан қочмоқчи бўлди. Хаёллари бўлса, ини бузилган аридай безовталанди. Бошига яна қаттиқ оғриқ турди. "Сен менга кераксан Ойдин! Жуда ҳам зарурсан. Сенинг доим хурсанд юришингни истайман". Наим аканинг товуши узоқдан етиб келди.

Ҳаётида ҳеч ким Ойдинга бунақа гап айтмаган.

Эшик беозор, оҳиста очилди.

– Наим ака! – Ойдин ётган кўйи уялганидан чаққон туришга чоғланганини ўзи ҳам сезмай қолди. У оёқларини оппоқ ғилофли кўрпага қайтиб-қайтиб ўради. Бошидаги қизил сим-сим рўмолини тўғрилаган бўлди.

– Ойдинжон! Сенга нима бўлди-я...

Нафиса ёнида жилмайиб турар, Ойдин тўлиб оқаётган дарёга ҳаваслaниб қараган одамдек ҳайратланиб, Наим акага тортинибгина қаради.

– Яна келдингизми? Бир кунда икки мартадан овора бўлиб-а?

– Ҳеч кўнглим тинчимади, Ойдинжон. Биласан-ку, сен касал бўлсанг, жонимни қўйгани жой тополмай қоламан, – Наим ака Ойдинни ошкора "сен"лаб гапирди.

– Келинг, ўтиринг.

– Майлими, қабул қиласизми? – Наим ака Ойдиннинг оёқ томонига, Нафиса келтирган стулга чўкди. Ойдиннинг кўзларига нимадир излагандек шошиб-шошиб қаради ва ишонч билан:

– Яхшисиз, – деди. – Ҳадемай тузалиб кетасиз.

Ойдин "раҳмат" дегандай бош қимирлатди. Наим аканинг юзларини нигоҳлари билан сийпалагандек бошдан-оёқ разм солди. Қалин қоп-қора сочлари ҳам худди ўзига сиғмаётгандек. Жингалак-жингалак.

– Минг хаёлга бордим, Ойдин. Яна кўнглим бўлмади. Ўзим ҳам билмайман, нимагадир етиб келдим.

– Минг раҳмат! – Ойдин севинганидан тўлиқди.

– Яна йиғлаб берасизми?

– Йўқ, биламан, кўз ёшларни ёмон кўрасиз...

– Ҳа-да! Айниқса, сизга бўлмайди. Асабни мустаҳкамлаш учун руҳни ёмон таъсирлардан эҳтиётлаш керак. Ойдинжон! Сўрашмадик ҳам...

Ойдин қўлларини чўзди. Наим аканинг қўлларини беозоргина сиқди. Ойдиннинг қарашларида минг йиллик қадронлик мужассам эди. Ойдин қўлларини оҳиста тортар экан, Наим аканинг қадрдон товуши эшитилди.

– Ойдин! Сиз касал бўлсангиз, мен ҳам касал бўламан.

Ойдин "рост, буни биламан" дегандай жилмайди.



– Бугун куни бўйи касалга ўхшаб юрдим. Ҳали ҳам бошим зирқираяпти. Илтимос, тезроқ тузалинг, – Наим ака Ойдиннинг уйқусизликдан киртайган кўзига ич-ичи оғриб қараса ҳам, енгил кулишга уринди.

– Ҳазилкашсиз-да, Наим ака.

– Рост! Шу илтимос билан келдим.

Илтимосингизга доим фидоман-ку!

– Шунақа бўлсин. Эртага келгунимча юриб чиқадиган бўлинг.

– Бўпти, уринаман. Бугун бир ҳафта бўлдимикин... энди озгина ухладим. Эртага овора бўлманг.

– Келишимни истамайсизми?

– Нега энди? Истайман. Фақат...

– Қўрқяпсизми?

– Йўқ, фақат, овора бўлишингиздан ҳижолатман.

– Эҳ, сиз... – Наим ака Ойдинга яна шошиб қаради. Худди уни овози билан эркалатгандек:

– Ойдин, дунё ўзи сизга ҳижолатликдан иборат. Ҳар нарсага ҳижолат бўлаверасиз.

Ойдин ўзини оқлади.

– Йўқ, фақат сизнинг олдингизда шунақаман.

Наим ака ҳозир Ойдиннинг касалликдан сўлинқираган чеҳрасини суйиб, ўпиб қўйгиси келди. Бироқ ўзини адл тутди. Ойдин Наим акага ички бир талпиниш билан қаради. Меҳри товлаб, яна нигоҳлари билан юзларини "сийпалаб" чиқди.

– Наим ака, бирор нарса енг. Овора бўлиб, роса нарса обкебсиз.

– Нафиса қизим, термосдан чой қуйиб бер.

Эртак китобига муккасидан кетган Нафиса ҳушёрланди.

– Сизга ҳаммаси, – деди Наим ака Ойдиннинг тезроқ тузалишини жон-дилдан истаб. – Кўп-кўп мева енг. Тез тузаласиз.

Наим ака кетгиси келмаса ҳам "толиқтириб қўймай" деган ўй билан Ойдинга қаради.

– Ойдин, менга рухсат берасизми?

– Кетасизми энди...

– Чарчатиб қўймай...

Ойдин бу дақиқаларни жон-жонидан қизғанди. Ёлига нимадир тушди. Наим ака билан ишхонадами, кўча-кўйда, қаерда бўлмасин хайрлашаётганда Ойдинга оғир туюлади. Ич-ичидан тўйиб-тўйиб йиғлагиси келади. Мижжасига тўлган ёшни аранг ортига итаради ё рўмолчага артади. Худди вужудида чарақлаб турган офтоб шафқатсиз вақтнинг ҳукми билан Ойдинга термула-термула ботиб кетаётганга ўхшайди. Наим ака билан учрашганда, бехос рўпару келиб қолганда, бутунлай бошқача... Вужудида, томирларида ғалати ўзгариш рўй беради. Худди зимистон кечада чироқ "ярқ" этиб ёнгандек, баҳор ҳиди уфуриб, чечаклар очилиб кетгандай...

ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
КУТУБХОНАСИ

Ўша пайтда умр бўйи ўзига сиғмаган аёллик соғинчининг оғриқларига ажиб бир малҳам қўйилгандай, қадди тикланади. Туни билан ёлғизликдан толиққан вужуди ором топади. Шу дақиқада бир аламли, бир армонли, бир ўлмас, сеҳрли, ҳаёт каби бешафқат, ҳаёт каби эзгу бир куй бошланадигандек бўлади.

Илҳом тўлғоғида уйига боради. Яна янги миш-миш... эшитади. Шундоқ, нариги Шакарқишлоқ маҳалласидаги беш болали Холисхон ўзига ўт қўйиб ўлганини эшитиб, ҳолсизланиб қолади.

– Нимага? Нима учун?

Гарчи у саволларига жавоб топмаган бўлса ҳам ўзича ҳукм чиқаради.

Дунёда ўша аёлнинг битта ғамхўри, битта меҳрибони бўлганда, шунақа одами борлигини сезиб, ҳис этганда, ўзига ўт қўймасди.

Ойдиннинг жони тинчимайди. Холисхон ўлимининг тагига етишга уринади. Эри:

– Бошқа хотин оламан, сен касалвандсан, – деганмиш. Тўнғичи армияда экан.

Ойдин ўзини кемираётган оғриқдан қутилиш учун янги келган "Саодат" ойномасини варақлашга тутинади. Ажабо... Бу ерда ҳам аёл ўлими. Қувада, қишлоқда бир аёл тўйига нон ёпилган тандир ичига кириб, ўзига ўт ёқибди.

Оҳ, нозик ҳисли аёл! Биламан, сен маъсума оламингга бирдан бўралаб келган чанг-ғуборга тўла шамолдан ғужанак бўлиб қоласан. Зум ўтмай, қовжираб, тўзғиб кетасан. Тоза оламинг, хушбўй ифорларинг, қанча дилларни яшнатмоққа қодир бокира туйғуларинг тупроққа қоришади. Ўзинг билан кетади. Ҳаётга нима учун келгандинг, азизим? Билмайсан... Бу ҳақда тузукроқ ўйлаб кўришга фурсатинг ҳам етмайди. Қалбингнинг ўша қатлари очилгани ҳам йўқ. Сен ҳам севишга, севилишга ҳақли эдинг-ку! Биламан, вужудингда буюк соғинч яшайди. Сен ўша соғинчингни ардоқловчи, кўзларига суртгувчи иккинчи соғинчни тополмадинг. Шунинг учун ҳам ўзингга ўт қўйиб, бир ҳовуч кулга айландинг.

Ўзбекистоннинг энг обрўли газетасидан ҳам аёл фарёди келяпти. "Сиз ўзбек аёлига севаман деб айтингиз" деб нола қиляпти шоира.

– Сени севаман, азизим. Сен менга кераксан. Сенсиз ҳаёт менга татимайди.

Агар аёл умр йўлдошидан ҳаётида бир марта шу сўзларни эшитса эди, у ҳеч қачон ўзига ўт ёқмасди. Унинг тундай сочларини бир меҳрибон қўл ҳар куни тунда бир мартагина силаб қўйса эди, у бевақт хазон бўлмасди.

Шу лаҳзада Ойдиннинг бир меҳрибон инсонга ташналиги, аёллик соғинчи бош кўтарди.

Наим аканинг кўксига бош қўйиб, ўкраб-ўкраб йиғлагиси келди.

– Йўқ! Ҳеч қачон бунинг иложи бўлмайди. Бу одам - улуғ одам. Устоз! Уялади. Қаттиқ ҳижолат чекади.



Наим ака Ойдинга "Нима қилай, кетсам майлими?" дегандай қаради. Ойдиннинг яна ҳижолатлиги тутди.

– Қанча вақтингизни бугун менга сарфладингиз. Раҳмат.

– Сиз учун Ойдинжон... биласиз-ку, ҳамма нарсага тайёрман.

Ойдин ювош жилмайди. Чеҳраси маъсума гулдек тиниқлашди. Наим ака ўрнидан турди. Хайрлашиш учун қўл чўзди. Ойдин Наим аканинг қўлларини қадрдонларча қисди. Наим ака энгашиб, "хайр Ойдинжон" – деди-да, тортиниб, беихтиёрлик билан Ойдиннинг ўнг юзидан оҳиста ўпиб қўйди ва гуноҳ иш қилгандек шоша-пиша эшикка йўналди.

– Бўпти, Ойдинжон, хайр, яхши қолинглар. Нафиса, аяжонингга яхши қарагин. Хўп-ми? Мен келаман...

– Йўқ, бошқа овора бўлманг,– Ойдин илтижо қилди.

Наим ака кўздан ғойиб бўлди. Ойдин эшикка термулди. Энди ҳеч ким йўқ. Тўлиб турган хона бўм-бўш.

– Қани энди доим рўпарамда турса. Бу одам борлигида ожиз руҳим қувватланади. Касаллик ўз-ўзидан чекинади. Ниманлигини, бу мўъжизанинг сири қаердалигини ҳеч ким билолмайди, – ўзига-ўзи шивирлади Ойдин.

* * *

Ойдин Наим ака келиб кетгандан кейинги вужудидаги ўзгаришни доктордан ҳам кўра, бошқалардан ҳам кўра ўзи, ўзи яхшироқ ҳис этди. Йўқ, ўша куни эмас, эртасига. Ҳа, ҳа, эртасига билди. Ҳар куни кўрпаси тошдек ботарди. Бугун эса... Юмшоқ, ҳузурли эди. Саҳарга етмай кўзи очилди. Хона ичи қоп-қоронғу эди. Кечагина икки тоннадай туюлган, зил-замбил боши бир мунча енгиллашгандек. Худди ўзининг оғир-оғир юкларини қаергадир ирғитгандек! Тавба!

Ўзига ишонмай, бошини оҳиста кўтарди. Рост! Рост! Азобли оғриқлари энди тамом тугагандек.

Ишонгиси келмади. Тўйиб-тўйиб, ўкраб йиғлагиси келди. "Раҳмат, минг раҳмат!" Қоронғу хонада, оппоқ болишни юзларига босиб шивирлаётган Ойдин бу миннатдорликни кимга айтяпти? "Раҳмат. Минг раҳмат! "

Ташқи оламдан узилиб қолган кўзларининг "ярқ" этиб очилган дақиқаси ўша лаҳзада юрагига чизилган суратдай кўз ўнгидан ўтди.

– Қани энди, – маъюс жилмайди Ойдин, – шундай уста рассом бўлсаки, шундай соҳир рассом бўлсаки, худди ўша лаҳзани, ҳаёт деган тириклик қандай азизлигини, у инсонга қайтган дақиқалар бир ажиб сирга конлигини чизолса, ҳаммага кўрсатса...

Ойдин ҳаммасини яна қайтадан эслади.

Эшик очилди. Ҳа, ҳа, у ётган хонанинг янгигина бўёқдан чиққан эшиги очилди. Одам касаллик чангалига тушганда одам кутаркан. Айниқса, "сен менга кераксан" дейдиган меҳрибонларини кутаркан.

Худди улар ўлимнинг ёвуз чангалидан қутқариб қоладигандай, кўзига пайғамбардек кўринаркан. Астойдил жони ачишиб, ҳолингни сўраганда, хуруж қилаётган хасталик бир лаҳза енгилиб, чекинаркан.

Ўшанда... Эшик очилди. Кимлар...дир интиқ эди. Ҳа, айтгандай... Эшик очилди. Куни бўйи йўлакдан Наим аканинг шитоб қадами, баланд овози келаётганга ўхшаса ҳам, худди кириб келаётгандай туюлса ҳам, Ойдин чўзилиб ётган куйи унга рўпарў бўлишни тасаввурига сиғдира олмади. Энди тезроқ, тезроқ соғайишни, унинг ёнига болалай чопқилаб-чопқилаб, югургилаб-югургилаб боришни, қаршисида ўтирганча, сездирмай, меҳрибон чеҳрасига ўғринча, қайтиб-қайтиб разм солишни, унга кўнглидаги нималарнидир бор бўйича тўкиб, талпинган ҳисларини оҳиста, вазминлик билан юпатиб, сўнг ўз ишларига кўмилишни орзулаётган эди.

"Йўқ, йўқ, келмасинлар".

Ўшанда ... Эшик очилди. Ойдин "ким?" дегандай қаради. Қаради-ю, назарида ҳамма-ёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди. Бир лаҳза уни эзиб, сўрига михлаб ташлаган оғриқ сезилмай ўтиб кетди. Ойдиннинг нигоҳи ёришди. Бу нигоҳ "Нима бўлди? Нима бўлди-я?" дея жон ҳовчлаб, тобора унга офтобдай яқинлашиб келаётган нигоҳга урилди. Худди шу лаҳзада Ойдин туман ичидан ёп-ёруғ йўлга чиқди. Назарида бутун бир саҳрода сув излаб, саргардон кезганди. Нигоҳи беҳос типтиниқ булоққа урилди. Шу лаҳзада вужудида сўнаётгандай туюлган ўт яна жон киргандай ловуллади.

– Ойдин!

Бу қадрдон товуш соҳиби рўпарасида ҳижолат бўлди. Туриб, ўтиришга чоғланди.

– Қимирламанг! – Наим ака унга ялингандек қаради. Кейин... кейин... Ойдин сархуш бир олам бағрига кирди. Атроф ёп-ёруғ бўлиб кетгандай туюлди. Бу нурлар қаёқдан? Ойдин қўлларини чўзиб, уларни ҳовучларига тўлдириб, юзларига босгиси келди.

– Бошқа овора бўлманг... Шу илтифотингиз бир умрга етади, – дегиси келди-ю, айтолмади.

Ойдин бошининг хиёл енгиллашганини, бўйни, орқа кураклари толиқиб, симбиллаб оғриётганини пайқади. Оёқ учида кирган ҳамшира оҳиста чироқни ёқди. Ойдиннинг уйғоқлигини кўриб, хавотирланиб сўради.

– Уйқунгиз қалай бўлди?

– Ухладим Гулнорахон. Шунга суюниб турибман. Аммо ўша кунги оғриқларни эсласам, товонларим зирқирайди.

– Сизга энг кучли укол, дориларни қиляпмиз. Ўша куниёқ, укангиз, билмадим, қаердандир топиб келдилар.

– Вой, ростданми? Мен ҳеч нарса билганим йўқ. Омон бўлгисин. Жигар жигар экан-да.

Ҳамшира игна санчиб, яна чироқни ўчирди.

– Дам олинг. Ҳали эрта. Тонг отгани йўқ.



Ойдин тезроқ тонг отишини истади. Унинг сўридан пастга тушиб юргиси, касалхона йўлаклари бўйлаб одимлаб, кўчаларга чиққиси келди. Нафиса уйғониб, юзларини ювиб, жойини тўғрилаётганда, хона ичи ёп-ёруғ эди.

– Нафиса! Ёнимга ке-чи, мени ушлагин-чи... Тургим келяпти, – Ойдин ўнг оёғини, кейин чап оёғини полга қўйиб, ўзини даст тутди. Боши гириллаб айланиб кетди. Кўнгли беҳузурланди. Бир қўлида деразага рахин ушлаганча Нафисага суянди.

– Бўлмайди шекилли... – у умидсизланди.

– Ойдин! – эшикни очиб, доктор Ноила Турсуновна тетапоя бўлаётган гўдак юришидан қувонгандай қараб турарди.

– Юряпсизми?

Ойдин "ҳайронман, кўнглим шунга чорлаяпти-ку" дегандай қаради.

– Мана, энди касаллик чекинди. Яшанг.

– Сизга раҳмат, Ноилахон!

Ойдинга Ноиланинг сўзлари далда бўлди. Унинг қувонганини кўриб "демак, юрсам бўларкан-да" деган ишонч пайдо бўлди. Деворларни ушлаб, гўдак сингари хона ичида "машқ" қилди. Кейин оғир меҳнат қилган одамдек чарчаб, сўрисига чўзилди. Юмшоқ болишга бошини қўйиб, Наим ака айтиб берган бир ҳикояни, йўқ, ҳикоя эмас, ҳаётда рўй берган, бироқ одам кўзи билан кўролмайдиган, фақат қалб билан ҳис этиш мумкин бўлган воқеа негадир шу тобда ширин бир таассуротдек хаёлидан ўтди.

Наим ака уни нима учун Ойдинга айтган экан-а? Ҳалигача билмайди. Ёки инсон меҳрга түйсагина, яшагандек дунёга келганига рози бўлади демоқчимикан-а?! Умуман, Наим ака меҳр ҳақида тўйиб-тўйиб гапиришни ёқтиради. Ўша воқеани ҳозир Наим аканинг ўзи, унга термулганча ўтириб, Ойдинга эртак айтаётгандай туюлиб, ҳузур қилиб, хаёлига қулоқ тутди.

– Бир катта академик инфарктга чалинибди. Ёши олтмишдан ошган экан. Асаблари ниҳоятда толиққанлигини айтишиб, шифокорлар бу беморга тинмай уқалаш зарурлигини тайинлашибди. Йигирма беш ёшли гўзал ҳамшира уни ҳеч тортинмай, жон-дили билан, шу одамни фақат оёққа турғизиш, соғайтириш умиди билан шундай уқалар эканки, академик одамзотда шунақа ҳаёти сўнган, ишдан чиқиб кетган томирларни қайта тирилтирадиган, ғалати, ғаройиб бир туйғу – яшашдан тўйганга "мана мен борман, мен сен учун фидоман" деган улуғ бир беминнат, кўёшга ўхшаган, ҳаёт, умр беришга қодир бўлган меҳр борлигини биринчи марта ҳис этибди. Уқалаётган жувоннинг ҳар бир ҳаракати томир-томирларига малҳамдек, "Сиз яшашингиз керак" деб ёлбораётганга ўхшармиш. Бир бегона одамга шунча-я... Демак, инсонни оёққа турғазиш – ўша ҳамширанинг биринчи нияти экан. Гўё бошидан оёғигача ўлиб бораётган асаб толалари ҳаётнинг бунақа камёб сувига энди биринчи марта қонаётгандай, яна кучга кира бошлабди.

Академик ҳеч қачон тотиб кўрмаган тенгсиз, бебаҳо ҳаёт неъмати – меҳрдан баҳраманд бўлгани учун унга бор давлатини эҳсон этмоқчи бўлибди. Аёлнинг ҳол-аҳволини суриштирибди. Битта боласи билан эридан ажраган, ижарада яшар экан. Унга уй олиб беришни, жиҳозларига ёрдамлашишни кўнглига тугибди.

Академик соғайиб, уйга йўл олибди. Эшикни хотини очибди. Уни кўрибди-ю, ҳали остонадан хатламай, иккинчи инфарктга мубтало бўлибди. У касалхонада ётганда, болаларига ялинган, "соғайсин десаларинг, онангни менга рўпарў қилманглар, келмасин" деб ялинган экан.

Академик иккинчи инфарктдан ҳам омон қолибди. Яна ўша ҳамширанинг меҳри мададга келибди. Академик айтганини қилиб, ҳамширага уй сотиб олиб берибди.

– Ўша ҳамширага ўзимни муносиб кўрмадим. Бу ҳақда оғиз ҳам очмадим. Унга ҳали ҳам моддий ёрдамлашиб тураман, – дейди ўша академик.

Наим аканинг бу ҳаётий ҳикоясини эшитиб, кимгадир умр бериштга қодир бўлган ўша аёлга Ойдиннинг чиндан ҳам ҳаваси келганди. Ҳозир ҳам ана шунақа сеҳрли мавзулар ҳақида гаплашишни истади.

"Эҳ, мунчаям зерикарли-я бу дунё. Китоб ўқиёлмасанг, газета ўқиш мумкин эмас. Бировнинг қаттиқроқ товуши ҳам бошингга болғадек урилади. Иш қилолмайсан".

Ойдин ҳозир ўз дардини енгиллаштирадиган бир китоб бўлишини орзу қилди. Қизи ўқиб берарди. Ойдин эшитган бўларди. У шунақа бир китоб бўлсаки... Бошидан охиригача аёл соғинчи, фақат соғинч ҳақида бўлса...

Тавба, аёл киши меҳрга шунча ташна бўладими-а?! Қозон бошида, кир тоғора ёнида, тандирга кирганда ҳам... Тунда ойга қарайди, юлдузларга термулади. Саҳарлари оқариб келаётган тонгга илтижо қилади. Аёл ўксинганда, эридан қаттиқ танбеҳ эшитганда, унинг зарбли қўлларининг калтакларига учраганда ... Ўз хаёли, ширин хаёлига интилади. Ўшандан юпанч излайди.

Ҳар бир аёл оламида номсиз, жисмсиз, ўзи излаган, ўзи орзу қилган бир меҳрибон эркак яшайди. Ҳа, хаёлида яшайди. Бу ёлғон эмас, рост! Аёл ҳамиша ундан мурувват кутади. Ширин сўзлар билан эркалашини, арши аълоларга олиб чиқиб, ўпдек бағрига босишини... ҳар куни, ҳар куни истаса не ажаб.

У йигит қўлларининг тафтини сезган кундан бошлаб, ҳар дақиқаси ана шундай ошиқликка тўла бўлишини истайди ва ўша онларни излайди. Агар... агар... топса борми! У нақадар улканлашиб, нақадар гўзаллашиб кетади-я...

Ойдиннинг оёққа турганини Собира кўрди. Онаси, отаси, акаси, укаси...



Келиб-кетаётганларни бир-бир кузатаркан, ўнг томондаги дераза рахига суяниб, осмонни кўрди. Қуёш ботибди. Уфққа анор суви сепилгандай.

– Шунақа манзарани соғингандим, – Ойдин шафақлар сачраб ётган уфққа термулганча, кўнглидан ўтказди. – У ҳеч қачон мен етолмайдиган манзара. Етолмасам ҳам, чорлаб туради. Кўзларим рангларга тўяди.

Нафиса палатага кириб, онасининг боқишлари ҳар кунгидан бошқачалигини кўрди.

– Тузаляпсиз-а, ая?

– Худо хоҳласа, – Ойдин уни бағрига босиб, сочларига юзини суркаб, узоқ туриб қолди, – раҳмат, минг раҳмат, – шивирлади Ойдин.

– Кимга раҳмат айтяпсиз, ая...

Ойдин нима дейишни билмади.

– Билмасам. Эҳ, сен ҳали тушунмайсан, Нафисажон. Буни бировга тушунтириш қийин. Одамнинг ичидан ўтганини ким қатдан билсин. Ҳатто, ўзи ҳам сезиб сезмай қоларкан. Шундай бир куй яратсам, Нафиса...

– Яратинг, доим гапирасиз-у...

– Асти айтма... Ойдин ўзигами, қизигами, ўзи ҳам билмагандай гапирди. – Энг яқин одам ...

Энг меҳрибон одамгина кимгадир энг яқин бўлади. Меҳрибонлик бўлмаса, яқинлик бўлмайди. Ёки бошқачамикин? Бошқача! Унда ҳам телба муҳаббат бўлади. Ўша-ку, одамнинг оёқларини етаклаб олиб борадиган. Ўша эмасми... Эҳ, барибир тушунтиролмаяпман, қизим. Уни сўз билан айтиш қийин. Куй ... торлардан томчилаб-томчилаб оқадиган куй... Юрак тебраниши... Уни куй, оҳангина тафсифлаши мумкин.

Нафиса онасига жовдираб қаради.

– Ая, пионино бўлганда, чалиб берардим.

Ойдин хушнуд қаради.

– Мени озгина ёлғиз қолдир. Эшитяпман. Бир ғалати куй миямдан вужудимга қуйиляпти.

Ойдин туйғуларга маст бўлиб, жойига чўзилди. Рўпарўсидан энг меҳрибон одамлари ўтди. Барибир энг меҳрибон, энг яқинлари, онаси, Наим ака, дўсти Собира, укаси Акбар...

– Хайрият... – Ойдиннинг хаёлига бунақа рўйхат биринчи марта келди. Шунча бойлигим бор экан.

Ҳозир худди шу тобда телбадек Наим аканинг ёнига чопиб кетгиси келди.

– Ойдин! Нималар қиляпсиз? Янги бирор нарса ўйлаяпсизми? – куйиниб сўрайди Наим ака.

Ойдин "йўқ" дегандай бош қимирлатади.

– Сиз ахир бастакорсиз. Танилиб қолдингиз.

– Наим ака, биласизми, куй қачон яратилади?

– Қачон?

– Куй бу ақл, техника, билим билан туғилмас экан. уни юрак, кўнгил тўкаркан.

– Нима? Юракда ҳеч нарса йўқми? – Ойдиннинг кўзларига синчиклаб, юрагини титкилаётгандай қайтиб-қайтиб сўрайди Наим ака.

Ойдин "билмасам, ўзимга ёқадиган ҳеч нарса тўкилмаяпти" дегандай ерга боқади.

– Йўқ, Ойдин! Сиз ўзингизни ўзингиз танимаяпсиз. Тирноғингизгача куй. Шогирдларим ичида ҳали сиздақа нозик ҳисcисини кўрганим йўқ. Қачон қараса эрингизнинг қовоқ солгани, сизни тушунмагани ва яна қанақадир майда ташвишларга ўралиб яшайдингиз. Ижодкорнинг юраги эркин қуш бўлиши керак. Эрки бўлмаса, куйга эмас, куйиндига айланади.

Ойдин ўйланиб қолди. Наим ака унинг юрагига яқин гапларни шундай топадики... Гапираверса, ҳеч тўхтамаса.

– Наим ака, биласизми нима, – энди Ойдин кўнглини оҳиста очади, – умрим бўйи уриниб, фақат биттагина куй яратсам деган орзуим бор. Биласизми, соғинч, аёл соғинчи ҳақида...

Наим ака хонада у ёқдан-бу ёққа шитоб юра бошлайди. Ойдинга рози бўлгандай қарайди.

– Сизда тайёр бу нарса.

– Қаердан биласиз, – кулади Ойдин.

– Нега билмай! Ўз ёнимдаги, болалигидан биладиган одамимнинг кўнглидагини билмасам... Сиздан кўра яхшироқ биламан. Биласизми, Ойдин, – илҳом билан гапиради Наим ака, – сизда ўзингизга ўзингизнинг соғинчингиз бор. Сиз ҳали ўзингизни топганингиз йўқ. Ўзингизни топмай туриб, бошқаларни қидиряпсиз. Тўғрими? Улар бўлса, сизга сирлигича қолиб кетяпти.

– Тавба! – Ойдин ўз дилига ҳамоҳанг суҳбатдан дадилланади. – Қаердан биляпсиз?

– Кўзингиз айтяпти, Ойдин! – Наим ака энг муҳим гапни айтмоқчидай унга яқин келиб, икки қадам нарида тўхтайди. Ойдиннинг назарида у соғинган, узоқ йиллар кутган илҳомининг оппоқ тулпори рўпарўсига келиб, тўхтагандай бўлади.

Наим ака ҳар гал даъват билан гапиради:

– Сиз аввало ўзингизни, қайтиб-қайтиб ўзингизни, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, саҳар ҳам, тўйда ҳам, азада ҳам, фақат ўзингизни изланг. Бошқаларни қўя туринг. Ўзингизни топганингиздагина юрагингиздаги соҳир оҳангларни эшитасиз...

Ойдин Наим аканинг меҳрибон кўзларига киприкларини пирпиратиб, тортинибгина қарайди.

"Ажойиб одам... кўнгилдагини билади. Нега унга таъзим этмайман-а? Нега саждалар қилмайман?"

Ойдин ҳозир азобли оғриқдан озгина қутула бошлаганидан ўзида йўқ шод эди.



* * *

Ноила Турсуновна эрталабдан текширувга кириб, Ойдинга синчков нигоҳлари билан қаради. "Ксчагидан сўлинқираган. Хомушроқ".

Кейин Нафисага:

– Қизим, бирпас айланиб келгин. Аянг билан озгина гапимиз бор, – деди.

Нафиса шўх жилмайди.

– Ҳаҳ, чакана эмассан-а? Сиримизни билиб қолмагин, – кулди Ноила.

Нафиса ўзи ётган диван сўрининг у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, эшикка йўналди.

– Ойдиной, – Ноила беморига ширин термулди. – Жоним, – Ойдинни эркалаб сўз бошлади. – Қани айтинг-чи, яна нима бўлди?

– Яхшиман... – Ойдин кеча негадир сабабсиз ич-ичидан сиқилганини яширди. Эҳ, бу вужудидаги соғинчларини қани энди, отиб, итқитиб юборадиган жой бўлса! Ҳадеб кўз тутиб, интиқ бўлавермай, хотиржамгина, келса, келдингизми деб қаршилаб, кетса "яхши боринг" деб жимгина ётаберган бўларди-ку! Одамзод ҳатто ўз кўнглини йўлга сололмас экан...

– Томир уришингизда яна озгина безовталик бор, – Ноила дардни анча енгиллаштириб айтди.

– Ҳамма-ёқ тинчлик. Юрганимда бошим гоҳ-гоҳ айланиб кетяпти. Озгина паришонлигим бор. Қолган ҳаммаси яхши. Шунчалик бўб қолдим. Шукур.

– Майли, айтгингиз келмаяпти. Билиб оламан. Собирахондан сўрайман.

Ойдиннинг шаддотлиги тутди.

– Одамнинг ичидан ўтганини фақат ўзи билса керак, бошқа ҳеч ким билолмайди. Айниқса, аёл кишининг кўнглини, – Ойдиннинг ич-ичи ўприлгандай бўлди ва Ноилага бир лаҳза ғалати термулди. "Қани энди, кошки эди дилимнинг чок-чокларини шу дўхтир қизга тўкиб солишнинг иложи бўлса... Шундай имкон бўлсаки, зарраси вужудимда қолмаса. Менинг муҳаббатимни, меҳримни, поёнсиз соғинчларимни эсон-омон шу аёлга топширсам... Ахир уларни тупроққа олиб кетаманми? Севиб-севиб... муҳаббати хор бўлган аёл...

Аёллик туйғулари лоқайд ҳарсангларда янчилган аёл... Кейин, кейин, кейин у тош остидаги майсадек бошқа бир томиридан ерни ёриб, яна қуёшга, яна яшашга интилган аёл... Худди Наим ака ҳар куни, ҳар куни уни узоқдан музлаган вужудига нур сочиб, иситиб, оҳиста-оҳиста тортқилаб яшаш учун ундаётгандай... Наим аканинг меҳри, соғинчи, ҳа, ҳа, инсоний бир соғинч... Ойдин ҳали дунёда ўзига аталган бунақа соғинчни кўрмаган, ҳис этмаган. Агар унга соябон бўлиб

турган шу туйғу бўлмаса, дунё нақадар зерикарли... кошки эди уларнинг ҳаммасини Ноилага, одамларга айтишнинг иложи бўлса...

– Ойдиной! – Ноила Ойдиннинг хаёлларини чалғитди. – Наим Солиҳов билан бирга ишлар экансиз-да... Ажойиб куйлар яратган одам...

– Ҳа, бирга ишлаймиз, – Ойдиннинг юраги бир энтикиб қўйди.

Ноила мавзуни тўхтатмади.

– Ў... куни дўстингиз Собирахон айтди. Ойдиннинг энг яқин кишиси, – деди.

Ойдин жим қолди. Оғир тин олди. Кейин тан олгандек мардоналик билан гапирди.

– Суяниб қолганман. Билмасам, ҳаёт мажбур қилдими? Ё бу менга ҳаётнинг катта инъомими? Наим акани ўйласам, яшаш бир мунча енгил кўринади. Ҳар қандай ташвишимни айта оламан. Ҳар қандай ғамимга шерик бўла олади. Менга йўл кўрсатади.

Ноилахон, менинг руҳим ниҳоятда ожиз. Ўта таъсирчан. Салга кўзимдан ёш қуйилиб келаверади. Биласизми, бу кўз ёшлар нимадан тўкилар экан. Кўнглини тўлдирадиган туйғу, соғинчига соғинч излаб, одам гирён бўларкан. Тополмай, доим тошга урилаверсангиз руҳан ожиз бўлиб қоларкансиз.

Ҳамма нарсани дадил енгиб яшаётган одамлар бор. Доим кайфиятлари яхши. Уларга ҳавасим келади. Мен эса худди табиатнинг ўзиман. Ҳар бир нарса юрагимга урилади. Айниқса, соғинчим оёқ ости бўлиб, кўзга илмасалар, яшаш – ўлимдек совуқ ва қўрқинчли кўринади. Биласизми, Ноила, мен ҳеч йўғ болаларимнинг корига ярашим, уларни элга қўшиб олгунимча яшашим керак. Мени яхшироқ даволанг, илтимос.

– Ҳозир соғайиб қолдингиз. Айтишади-ку, Ойдиной, дунё олдин ҳам бўлган, биздан кейин ҳам бўлади. Шундай экан, ҳамма ўзига яраша юкни кўтариши керак. Соғ бўлмасангиз кимга кераксиз. Соғ юриш учун ҳар бир одамнинг ўз тартиб қоидаси бўлиши керак. Аввало ҳар бир кундан озгина бўлса ҳам кайфиятингизни яхшилайдиган нуқтани топа билиш керак.

– Ноила, биласизми, мен ёлғизликдан қўрқаман. Айниқса, тунда. Бутун умр ёлғиз яшаган одамга ўхшайман. Тўғри, ёнимда кимдир бўлган, лекин кўнглим ҳувиллаб кетаверган бўлса, нима қилай ... Айтинг-чи, бу дарднинг ҳам номи борми? Уни бировга айтиб бўладими? Беш-олти йилдан бери бош оғриғига мубталоман. Бу гал жуда оғир бўлдим. Лекин, ҳеч ким сиздай кўнглимни сўрагани йўқ. Мен гапирганим йўқ. Сиз эса... Оғриқ жойимни ва унинг малҳамини, менимча билиб олдингиз.

Наим акага келсак, инсон қалбининг кенгликларини шу одам туфайли кўрдим.

Ноила "Ойдин яшаб кетади, у яшашга чорловчи кучни топа олган экан" деган қониқиш билан ўрнидан турди.



– Ойдиной, бир ҳафтадан кейин сизга жавоб бераман. Сиз ҳали ажойиб куйлар басталайсиз...

– Айтганингиз келсин, – Ойдин уни кузатди.

Бир лаҳза ичида Ойдин ўзини соғайгандек ҳис этди. Ана... ҳадемай касалхонадан чиқади. Кейин ҳар куни тонг саҳарда ишга йўл олади. Остонадан ўтади-ю, яна бир бахтиёр кунни яшай бошлайди. Наим ака билан саломлашади. Икки чаккасидаги икки ялангликдай ярқираб турадиган, кенг пешонаси "лоп" этиб кўзга ташланади. Кейин бир умрлик қадрдонлик билан боғланган нигоҳлар бир-бирига рўпарў бўлади. Ундан сўнг...азиз қорача чеҳраси, ўктам товуши Ойдинни сеҳрлайди. Сеҳрлаб-сеҳрлаб ўзига тортади. – Яхшимисиз, Наим ака, яхши келдизми?- Ойдин ўзини хотиржам тутишга уринади.

Ойдиннинг яна ҳар сафарги бемаъни дарди қўзғайди. Наим ака хонасига кираётган ҳар бир одамга ўзи истамаса ҳам, шундай қизиқадики, ҳамма нарсани унутади. Худди ўзи буёққа чиққану, кўнгли ичкарида қолгандек. Шу пайт эшикдан бир аёл кириб келади. У ҳозир қачонлардир бўлиб ўтган воқеани эслайди. Бунақа воқеалар доим бўлади. Ўшанда бир аёл келди. Дарров таниди. Ў куни келган гулчалик ўқитувчи. Касалхонага ётиш учун Наим акадан мадад сўраб келяпти. Сарсон қилишяпти, дейди. Аёл кириб кетади. Орадан бироз ўтиб, Ойдин киради. Эҳ, шу пайт у нимани кўради-я...

Наим ака шошиб, гуноҳкордай аёлнинг ёнидан туради ва ўз жойига ўтиради. Аниқ кўрди. Наим ака қўлларини аёлнинг елкасидан шошиб-пишиб тортиб олди. Аёл эгилган бошини бир кўтариб, Ойдинга қаради. Шунда унинг кўзларидан дувиллаган ёш юзларидан оқиб пастга тушди. Бу кўз ёшларга, йиғлаётган аёлга негадир Ойдин парво қилмади. Унинг кўз ўнгида... Фақат... Наим аканинг қудратли қўллари аёлнинг елкаларидан шошиб тортиб олингани ... Ўзи эса гуноҳкордай туриб кетгани... Ойдин ўшанда ҳайкалдай қотиб қолди.

– Келиб-келиб, мен телба сизга сиғинаманми-я, – у хаёлан Наим акани зарб билан ўз кўксидан итарди. Нарздида унга кучи етмади. Худди улкан тоғни ожизгина бир аёл кафти билан итарса, яна унга улуғворлик бағишланиб, юксалиб кетгандай, Наим ака яна баландлашиб кетди.

Ойдин стол устидаги газета тахламини олиб, чиқиб кетди. Борлиғи зирқирарди. Лаблари асабий титраётганини сезди. Наим ака Ойдиннинг аҳволини ўша заҳоти сезган экан. Аёл кетиши билан ичкаридан туриб, бор овози билан чақирди.

– Ойдин!

Ойдин, "нима дейсиз? " дегандай остонада кўринди.

– Районга борадиган бўлдингизми?

– Йўқ, – Ойдиннинг овози ғазабли эди.

– Нега?

– Ишим кўп.

Ойдин "бошқа гапим йўқ" дегандай эшикни ёпди.

У талабаларнинг ҳужжатларини тартиблаштириш учун қоғозларга кўмилди. Хиёл ўтмай, хонага Наим ака кириб келди.

– Ойдин! Нима бўлди?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – овози кескир эди.

– Билиб турибман... тушунмай хафа бўляпсиз. Ўша аёлнинг аҳволини бир қаранг. Рангини бир кўринг. Бечорага йиғлагинг келади. Кирса, бор-йўғи йигирма бешга кирди. Шу ерда ўқиган, танийсиз-ку. Ҳалиги Сожида деган қиз бор эди-ку... чиройлик. Ҳозир хазон бўб қопти, бечора. Эслаяпсизми?

Ойдин қоғозлардан кўз узмади.

– Эсимда йўқ, – у хиёл шаштидан тушди.

– Ўша қиз... Сожида... Институтни ҳам битирган. Бир иш тополмай юрди. Иш топиб бердим. Бир ичувчи эрга тушиб қолди. Урганиурган. Жигари оғриб юриб, энди қанд касалига йўлиқиб қопти. Йигирма беш ёшда-я! Ўлиб қоламан, – деб йиғлашини кўринг. Юрагим эзилиб кетди. Мен бунақага, айниқса, аёл киши рўпарамда йиғлаб турса, чидолмайман. Агар хурсанд бўладиган бўлса, кўз ёшларини рўмолчамда артиб, пешонасидан ўпиб қўйишга ҳам тайёрман. Қаранг, тортинчоқлигини... Бечорани хўрланганини қаранг. Шундоқ, эшик тагига ўтирди. Бирдан йиғлашга тушди. Юпатиб, "қўйинг, йиғламанг, сал тузукроқ, ўтиринг" деб энди шу елкасига қўлим текканмиди, билмадим...

Ойдин қоғозлардан бошини кўтариб, Наим акага қараб, кулимсиради.

– Мен бирор нарса деяпманми?

– Деяпсиз, кўзингиз билан айтяпсиз.

Ойдин ҳужумга ўтди.

– Кўзим айтаётган бўлса, демак кўнглим айтяпти экан-да. Мен эмас-ку. Энди мен айтай... Юпатаётган бўлсангиз, нега мен кирганимда... шунақа шошиб қолдингизки...

– Сиздан қўрқдим, – кулди Наим ака. Вазиятни юмшатишга уринди. – Биламан-да, дарров бошқачасига оласиз.

– Аввало ҳеч нарса деганим йўқ. Қолаверса, сизнинг ўз номингизга ярашa жиддий бўлишингизни доим истайман.

– Кимдир кўз ёш тўкиб турса, мен қанақасига жиддий бўлай, – ёш боладай Ойдинга жовдиради Наим ака.

– Бўлмаса, яхшиси менга, менинг ўзимга, менинг кўнглимга, улар нималар деяпти, асти эътибор берманг.

– Йўқ, – Наим ака Ойдинга меҳрибонлик билан қараб, ундан ўзича нималардир қидирди. – Сизга эътибор бермасам, яшашнинг қизиғи йўқ, – Наим ака тақдирга тан берган одамдек хаста товуш билан гапирди, – Сизнинг меҳрингизга суяниб қолганман-ку, Ойдин. Менинг руҳи оламимга очиқ кўз билан қараб, доим кўз-қулоқ бўладиган одамим – битта сиз, холос. Толиққанимда хаёлан бориб уриладиган улкан қоям – сизсиз, Ойдин!



Ойдин рўпарўсида унга бутун инон-ихтиёрини топшириб турган бу одамга иложсизлик билан қаради.

– Наим ака, мендан ҳеч нарса кутманг.

– Биласиз-ку, Ойдинжон, мен сиздан ҳеч нарса умидвор эмасман. Кунда бир кўрсам бўлди. Соғ бўлсангиз, энг муҳими вақтингиз чоғ бўлса, шунинг ўзи менга етади.

Ойдин ич-ичидан келаётган оғриқни нари итарди. Наим ака ундан уч-тўрт қадам наридаги диванга чўкди. Кейин вазминлик билан, дард билан Ойдинга насиҳатомуз, даъваткорона гапира бошлади.

– Ойдин, сиз бир нарсани ёддан чиқарманг. Сиз ижодкорсиз. Куйлар яратмоқчисиз, тўғрими? Сиз излаган куйлар-мана шу кўзидан ёши тўкилиб турган аёлларнинг юрагида. Ҳаётдан ўзига йўл топиб олган, яшашга куч топган аёлнинг кўзидан ҳеч қачон ёш тўкилмайди. Аммо, бу Сожидага ўхшаганларга ёрдам бериш керак. Уларнинг кўпчилиги меҳрга зор. Мана ўзингизни олинг. Ўқиган, ҳатто билим юртида яхшигина муаллимасиз. Унинг устига ижодкорсиз. Ўнга яқин куйларингиз халққа манзур бўлди. Шунча мавқеингиз билан сизда ўзига ишониш, мустақиллик етишмайди. Кимгадир тобесиз! Ўлмаган қишлоқдаги аёлларнинг жони. Баъзилари одамнинг раҳми келадиган даражада мўлтираб туришади. Ийманган. Тортинган. Уларнинг орасида нимага қодирлигини фаҳмлайдиганлари ҳам бор. Ҳаёт-шу экан деб ўтаётгани қанча!

– Тўғри, – Ойдин ўйланганча гап бошлади. Кейин бироз жаҳли чиққандай:

– Мен кимга тобе эканман. Эрингга доим бош эгиб келгансан демоқчисиз-да... Кўнглимда нимадир бўлган! Энди эса йўқ. Тугаган. Биласиз-ку!

– Йўқ, тугамайди. Қалбингизда қанча соҳир куйлар яшириниб ётибди. Қобилият, истеъдод ҳаммада ҳам бўлмайди. Оиласида қадр-қиммат топган аёлнинг кўзидан ҳеч қачон ёш томмайди.

Ойдин жим қолди. "Йўқ, ҳеч қачон қадрламаган. Фақат талаб қилади. Аёл киши ҳамиша хизматкор бўлиши керак. Минг марта хизматкор бўлишга рози эдим. Фақат ҳар куни бир марта соғиниб, кўзимга қараса эди... Оҳ, қанча-қанча соғинчларим қаро тун бағрида юлдуздай ноумидлик билан сўндилар. Наҳот, шуларнинг ҳаммасини Наим ака сезган бўлса..."

– Ойдин! – Наим ака ўрнидан туриб, Ойдин томонга юриб, икки қадам нарида тўхтади. – Ўйланиб қолдингиз?

– Ўзим... – Ойдин икки кафти билан пешоналарини маҳкам сиқди. Наим аканинг унга термулиб турганини сезди. Ҳозир унга қарашдан, нигоҳларига дуч келишдан чўчиди. Шундай бир меҳрибонлик билан қаршингда турадики, нима дейишга ҳам ожиз бўлиб қоласан.

Ойдин Наим акадан ҳозир "Сожиданинг иши нима бўлди?" деб сўрамоқчи бўлди-ю, истамади. Барибир, Наим акани ўша лаҳзалардан қизғанди.

"Тавба!" Ойдин қон-қонига сингиб кетган бу ҳолатидан ҳамиша ҳайрон бўлади. "Эҳ, тентак кўнгил, сен уни мунча қизғанасан-а? Нима учун, ким учун қизғанасан? Ўзинг учунми?" Йўқ, ҳеч қачон бу саволларига жавоб тополмаган.

Ойдин Наим акага сездирмай нигоҳ ташлади. Қорача чеҳраси бир зумда сўлинқирагандай эди. Қани энди журъати бўлганда... Меҳрибонлигини тўкиб, юзларини бир силаб қўярди.

– Йўқ, – вужудидан ички бир нидо отилди. Бўлмайди. Уят бўлади-ку, кейин уйига қандай кириб боради. Гулдек пок болаларига қандай рўпарў бўлади. Йўқ! Йўқ! Йўқ!

– Ойдин Низомова, – эшикни очиб, ҳамшира қиз қаради. – Сизга келишибди.

Ҳозир Ойдиннинг вужуди барибир енгил эди. Кўнгил тубида бир ўт бор. У ҳеч қачон сўнмаслиги керак. Сўнса... борми... Унда Ойдин ҳам ҳаёт билан хайрлашса бўлаверади.

– Ойдин, қалайсан, тузукмисан, – остонада ойдек ярқираб Собира кўринди.

Ойдиннинг ич-ичидан тўлишган ой лопиллаб чиққандай бўлди.

* * *

Ойдин Ноила Турсуновна билан астойдил хайрлашди.

– Ноила, Сиз шундай бир латиф, ёқимли куйсизки... Сизга миннатдорликни фақат оҳангларда айтиш мумкин.

– Раҳмат. Ойдин, ҳеч қачон касал бўлманг. Ўзингизни, асблаларингизни асранг. Сизни қадрлаган одамлар билан кўпроқ бўлинг.

Ойдинни остонада Нафиса қаршилаб олди.

– Даданг билан келдингми?

– Ҳа, дадам пастда машинасида ўтирибди.

Ойдин оғринди. Қирқ беш кундан бери ундан узоқда бўлсам, бир марта қўлларимни меҳрибонлик билан ушлаб, "тезроқ, соғайинг" деса ҳам майли эди. Талпиниш аввало эркак кишида бўлиши керак-ку. Эл кўзига у – эр, мен – хотин. Даҳшат!

– Йўқ! – Ойдин ич-ичидан сўзсиз нидо қилди. – Агар шундай бўлганда, бу оила биноси аллақачон қулаб тушган бўларди-ку. У – Сабр, мен эса – Тўлқин бўлсам керак. Ортиқча тўлиб-тошавераман.

У эса сабр-тоқат билан жим тураверади.

Ойдин яна ўзига таскин излар, яна ўзини юпатарди. Ёки аёл зоти шунақа ожиз бўлармикин? Агар ҳозир эрига аччиқ қилса, қаерга ҳам боради? Ўзининг уйидан эркинроқ гўша борми бу оламда?

Уйга боради. Зинғиллаб оғриётган бошини юмшоқ болишга қўяди. Чўзилиб ҳоҳлаганича ётади. Тўғри, Адҳам ёнига келиб, парвона бўлмаса ҳам, Ойдинга бутун бир эркин замонни яратиб, кўчага чиқиб кетади.



Ойдин оҳиста одимлаб бораркан, барибир томоғига тиқилиб маъюс бир йиғи келди.

– Эр бўлиб, беш-олти зина тепага босиб чиқса асакаси кетадими-а? Бошим осмонга етарди-ку!

Ойдин пастга тушиб, анча нарида турган сутдек оппоқ "жигули"га кўзи тушди. Қизи билан бирин-кетин келиб, машинанинг орқа эшигини очди. Эридан олдинроқ саломга шошилди. Адҳам сўзсиз бош ирғади. Икки-уч ҳафтадан бери шунақа. Телба тўнини тескари кийиб олди. Худди зим-зимистонда ҳеч нарсани кўриб бўлмагандек, унинг бу туришидан ҳам бирор нарса англаш қийин. Ойдин кўнглига олмасликка уринди. Барибир чидолмади.

Вужудидан тирноғигача бир соғинч гуркираб турса ҳам, эрининг кўзларига астойдил қаради.

Қизиқ, ҳозир унинг бутун аёллик меҳри қуёш сингари олис уфқларга ботиб, ўзидан тамом узоқлашиб кетгандай. Гўё борини бор, йўғини йўқ қилмоқчи одамдай турибди. Кечқурун ўзлари ёлғиз қолишганда, эрини астойдил сўроққа тутди.

– Нима бўлди? Мендан хафамисиз? Очиқроқ гапирсангиз-чи, – Ойдин эрига ёлборди.

Эрининг қошлари чимирилди. Пешонаси асабий тиришди.

– Сал ўзингизга келиб олинг, кейин гаплашамиз, – деди эри тунд, вазмин чеҳраси ёришмай.

– Яхшиман. Бемалол гаплашишингиз мумкин, – деди Ойдин юраги ниманидир сезгандай шувиллаб.

Эрининг муштлари тугилди. Ғазаби тишлари орасига йиғилган шердай сўзларни ғажиб-ғажиб гапирди.

– Э...н...д...и м..ен бутунлай йўқолиб кетаман. Истайсизми шуни?

Ойдин ҳеч нарса англамади.

– Қўйинг, шунақа гапларни, – Ойдиннинг овози пасайди.

Адҳам баттар тутоқди ва Ойдинни астойдил "сен"лашга ўтди.

– Нималар деяпсиз? Очиқроқ гапирсангиз-чи...

– Очиқроқ гапирайми? -Адҳам ғазабини аранг ушлаб турарди.

– Анови аканг... Нега энди доим орқангдан эргашади-я... Ростини айт... Ўрталарингда нима бор?

Ойдин ўйланиб ўтирмади.

– Меҳр бор! Билдингизми, меҳр бор, – деди бор овози билан титраб, ўзига ишонган оҳангда.

– Ҳе... ўша меҳрингга... – эри уят гап билан бўралаб сўкинди.

Ойдин дағ-дағ титрай бошлади. Худди уни бошқариб турган рул қўлидан чиқиб кетгандай ҳеч нарсани кўрмас, унга дунёнинг бу ёғи ҳам, нариги томони ҳам барибир эди. Яна эрининг шерникига ўхшаган ўкирган овози эшитилди.

– Ҳ...Ҳали сен бировнинг меҳрига зор бўлиб қолдингми? Эрингники етмаяптими?

Ойдин индамади. Ичидаги тугёнларини айтишга мажоли етмади.

– Ростини айт, болалар кимники, – деди Адҳам Ойдинни бўғиб қўйгудай алпозда, ўзини аранг тутиб.

Ойдиннинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган даҳшатли саволлар...

– Ишонмасангиз, текширтириб кўринг, – деди Ойдин хотиржам товуш билан.

Негадир бу лаҳзада Ойдин ўзининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётганини, қил устида турган рўзғори бир "пуф" этган шамолга қулаб кетиши хаёлига ҳам келмади.

Ота-онаси, укалари, дўстлари, қўни-қўшни, қариндош-уруғ... йўқ уларнинг бирортаси на хаёлига келди, на улар нима дейишаркин деб ўйлаб кўрди.

Фақат... Наим ака ниҳоятда олисда, қуёшдек, унинг совуб бораётган кунларига файз бағишлашга ваъда бергандай, хаёлидан ўтди.

– Мен сенинг жавобингни бераман, талоқ қиламан, – деди Адҳам бор овози билан катта бойлигидан ажралаётган одамдек қақшаб...

Ойдин шу лаҳзада карахт эди, ҳеч нарсани фарқламади. Худди умр шами сўниб бораётгандай, омонатини эсон-омон топшириш учун озгина тинчлик, хотиржамлик сўрагандай илтижо қилди:

– Мард бўлсангиз қилинг ўша ишни, – деди. – Ўзим ҳам шу дунёдан аллақачон тўйганман. Ўша одам борлиги учун ҳам яшаб юрганга ўхшайман. Бироқ сен ўйлаган пасткаш ишни мен қилмайман,– деди заиф, бироқ мардона товуш билан.

– Биламан, қилолмайсан ҳам! Эплолмайсан, қўлингдан келмайди!

Ойдиннинг нафсонияти қўзғади. Энди ўчга айланган одамдек нигоҳлари чақнади.

– Сенга қасдма-қасд қилсам бўларди! Виждоним кўтармади.

Ота-онам, элу-юрт, бола-чақам...нинг кўзига қарашни ўйладим.

Ойдин ҳозир шу гапларни айтаётганда баданлари ҳижолатдан сесканиб кетди. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи оғир-ку!

– Сенга ишонмайман, – деди Адҳам яна кўзларидан ўт чақнаб. – Сенга унинг қўллари теккан. Ҳа, ҳа, бунга имоним комил...

Бу гапларни эшитиб Ойдиннинг тўйиб-тўйиб, бутун вужудини бўшатиб, бор овози билан йиғлагиси келди.

Оҳ, ўша унга ҳаёт инъом этган нигоҳлар, уни бир лаҳза бўлса ҳам сеҳрлаган кўзлар... кошки эди ўшанда Ойдиннинг кучи, соғлиги, жасорати бўлганда... Наим аканинг оёқларига бошини қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлаган, меҳрини изҳор этган бўларди. Афсус...

– Нега индамайсан? Рост-а! Қўллари тегкани рост-а? – деди Адҳам. У Ойдиннинг кўзларига тишлари ғижирлаб, ғазаб билан синовчан тикилди.

– Қўллари... Нима дейсан. Тегса-теккандир. Сен қирқ беш кунда бир марта хотин қилиб, ушламаган бўлсанг, у ушласа ушлагандир. Нима дейсан? Бор, додингни худога айтмайсанми?!

Адҳам шашт билан ўрнидан турди.



– Тўрт талоқсан, билдингми? Иккови қулоғинг билан ҳам эшитиб ол. Ўша топган меҳринг билан қўшмозор бўл!

Ойдин дир-дир титраганча, ўтирган жойида қолаберди. Адҳам шашт билан эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди.

Ойдин ҳали ҳам ҳеч нарсани идрок қилмас, вужуди музлаб қолган одамдан эди. Фақат, орадан бироз ўтиб, елкасидан оғир тоғ пастга юмалагандан ўзини енгил сезди. Худди танасида йиллар оғриқ берган ярани кимдир шарт этиб олиб ташлагандай бўлди.

– Хоҳлаганини қилсин, – деди Ойдин бемажоллик билан. – Балки кўнглида бошқаси бордир. Ким билади. Бир умр бирга яшайман деган одам бунчалик лоқайд, совуққон бўлмаса керак.

Ё худо! Келиб-келиб шундай одамни севган эканман-а! Назаримда шу қирқ кун ичида ўлим билан олишиб, қайта тирилган одамга ўхшайман-а! Бир марта кўзларимга астойдил тикилиб "сенга нима бўляпти ўзи" деб сўраса, юзларимни меҳри билан силаб, бир марта ўпиб қўйса, майли эди. Ўлсам ҳам армоним бўлмасди.

Ойдин ҳозир яна ўша ўзи яшаган оғир изтиробли йилларга қайтиб отилгандай, оғир кунлари ёдидан бир-бир ўта бошлади.

Ёшлигининг энг оғир кунларида ёлғиз, ёлғиз яшади. Бир оғиз сўздан аразлаб эримистонга айланса, йигирма-ўттиз кунсиз чеҳраси очилмасди. Ойдин эса, вужудидан соғинчи қондай чакиллаб оқса ҳам, эри ётган уйга киришга юраги бетламасди. "Эҳ, ҳозир бир жилмайиб қараса-ку, жону-жаҳонимни ҳадя этардим" деб ҳар куни орзу қилар, бу орзулар саробга айланар, кейин Ойдиннинг кўзи тинмай йиғларди. Ёш тўкар, ишхонада ҳам юм-юм бўлиб ўтирса, Наим ака юраги эзилиб, унинг ёнига келарди.

– Ойдин! Ўзингизни бардамроқ тутинг, – деб далда берар, сабабини суриштирар. Ойдин чайналиб нима дейишни билмас, Наим ака бу кўз ёшлар Ойдиннинг эрига тааллуқли эканини билгач:

– Э... парво қилманг. Ахир сиз ҳам ўзингизга яраша мустақил одамсиз, – деб қанақадир гап топиб, кўнглига чироқ ёқиб қўярди.

Ойдин ҳамма нарсадан совуган, яшашдан толиққан одамдай ташқарига чиқди. Озгина вақт ўтиб қаердандир Адҳам пайдо бўлди. У узоқ йўлга кетаётгандай астойдил кийинган, қўлида каттакон чамадон бор эди. У ғижимланган қоғозга "чарс" этиб, гугурт чақдида, ёнаётган қоғозни Ойдин турган томонга итқитди.

– Ана сенга! Бошинг очиқ энди, – деди ғазаб билан инграб ва шашт билан кўча томонга отилди. Ёнаётган қоғоз уч-тўрт кун олдин ёғиб яхлаганча туриб қолган қор уюмлари устига тушди. Бир зумда ёниб енгилгина қора кукунга айланган қоғозни совуқ шабада елиб ўйнади. Ана Ойдиннинг ўн беш йиллик умри, рўзғори. Бир лаҳзада қора кукунга айланди.

Хиёл ўтиб, Ойдин ўзига кела бошлагандай бўлди. Болаларини ҳам кўрди. Улар ҳам шу орада бир сиқим бўлиб, кичрайиб, қорайиб кетишгандай... Назарида ҳамма ёқ хувиллаб кетди. Эри

тоғдек бўлиб, уйини тўлдириб ўтирарди. Қани энди у? Қаёққа кетдийкин? У курган иссиққина уйда Ойдин ўтирадими? У-чи? У қаерларда сарсон бўлади энди?

* * *

Ойдин туни билан тўлғоқ тортган аёлдек қийналиб чиқди. Тонг ёришди. Бироқ бу тонг умридаги тонгларнинг бирортасига ўхшамас, узоқдан эринибгина бош кўтараётган қуёш ҳам беҳафсала, нурсиздай эди. Болалари уйи бузилган ари болаларидек тунда изиллаб ҳовлида юришди. Худди уйлари ичидан илон чиққандек ҳеч ким ичкарига киргиси келмасди. Фақат Нафисагина нимагадир ақли етгандай:

– Наим тоғам келганигами, ая? – деб сўради.

Ойдин ҳеч нарса дегиси келмади. Қизининг нигоҳлари уни оқлаб тургандай эди.

Эрталаб қайнонаси остонада пайдо бўлди.

– Нима бўлди-я сизларга? Кўз тегдими?

Ойдин ҳамма нарсадан кўнгли совуган одамдай беҳафсалалик билан кўришди. Негадир, гапиришга тили айланмади. Ростини айтганда, чиндан ҳам ўша одамга суянади-ку! Балки бу гуноҳдир. Лекин бу туйғусини қандай инкор этади. Кўнглимда ҳеч нарса йўқ деб, – ўзини оқлашга мутлақо тили айланмаяпти. Бу Наим акадан кечиш ва инкор этиш эмасми?

– Мен ўзимни оқламайман. Энди ўғлингиз нимани раво кўрса розиман, – деди Ойдин барибир Адҳамнинг қайтишига умид боғлагандек.

– Адҳамдан кўнглингиз совуб қопти, – деди қайнонаси нимагадир ақли етгандай.

Қайнонаси кўзига тиқилиб келаётган ёшни итарди. Ўзини дадилликка олиб гапирди.

– Сиз бунақа эмасдингиз. Рўзғорга, оилага жуда астойдил бўлгансиз. Биз сизга ишонардик болам. Бирор марта ё алдаб, ё ёлғон гапирганингизни эслолмайман...

Ойдиннинг боши зириллади. Оғриқдан кўнгли алланечук бўлиб кетди. Қайнонаси умидворлик билан ўрнидан турди.

– Жаҳл келса, ақл қочар дейдилар, – у паст товуш билан гапирди. – Худога қараб турайлик-чи, бир йўлга бошлар. Манови гўдакларга раҳм қилса ажовмас. Мунчоқдек-мунчоқдек иккита бола-я. Осон гапми?! Ҳеч кимни тирик етим қилмасин.

Ойдин қайнонасини сўзсиз кузатди. Боши қаттиқ оғрий бошлади. Унга ҳозир яшаш, турмуш, вужудидаги оғриқ, изтироблар бари-бари оғирлик қилаётгандай эди. Ҳаётдан аллақачон кўз юмиб кетган одамларга ҳаваси келди. Қора тунни ёриб, тонг бўзаргандай, чигал, зимистон хаёллари орасида шуълалдай нурланиб Наим ака кўринди. Унинг нигоҳлари шу қадар жонбахшки... Фақат Ойдин учун, Ойдинга умр бериш учун яралгандай. Барибир бу лаҳзада ҳар галги Ойдин учун энг



қудратли бўлган Наим ака ҳам ожиз, қўлидан ҳеч вақо келмайдиган кимса бўлиб кўринди. Болаларининг қалбини бутун қила оладими? Ҳеч қачон! Кўзларига қувонч бағишлай оладими? Асло.

– Илоҳим ўзларининг болаларига буюрсин! – Ойдин шундай дея шивирлади ва шу лаҳзада Наим акага боғланган ўйларини бешафқатлик билан кўзларини шарт юмиб туриб, узиб ташлашга уринди.

У кўзларини қайси нуқтага қўйишни билмай қийналди. Қаёққа қарамасин ҳамма нарса Адҳамни ёдга солади. Ойдин "уйимизда ҳеч нарса йўқ" деб бир жанжал кўтарганда, мана шу икки кишилик диванни олиб келганди. Кейин яна бир "жанг" қилганда, олтита стул олиб келди. Ишқилиб оиладаги ҳар бир яхши ўзгариш Ойдиннинг жанжали, Ойдиннинг кўз ёши эвазига бўлади.

– Ёмонми, яхшими, уйни, ошхонани тиклаб қилиб берди-ку ахир, – Ойдин яна Адҳамни излай бошлади. Ойдин эрига айтолмай қолган гапларини нидо қилгандай шивирлади:

– Сени алдаш қўлимдан келмайди. Тушунасанми шуни?

– Алдамадим-ку ахир, ростини, борини айтдим. Энди қандай йўл тутсанг, ихтиёр ўзингда. Нега энди ўша мен излаган меҳрни шу уйда барпо этолмадинг. Совуқ жим - житлик, узоқ бегоналикдан аллақачон тўйганман. Айт, шунчалар ожизмисан-а? Шунақа қўлларинг калтами? Шунақа камбағалмисан?

У уйининг деразасидан битта-иккита юлдузлар милтираб турган осмонга тикилди.

– Эй, қора тунлар, айтинг-чи, сиз нега гувоҳликка ўтмайсиз? Мен уни фаришта хаёлларим билан кутганларим ёлғонмиди?

Кимдир:

– Рост! Рост эди! Йиғлаб болишларни ҳўл қилиб кутардинг. У эса бир аразлаганча, йигирма кунсиз чеҳраси очилмасди, – дея Ойдинни юпатаётгандай эди.

Ойдин эри уйдан чиқиб кетгандан кейингина у бир умр ором олган пар болишларнинг тошдек қаттиқлигини билди. Тунлар эса шу қадар қаро, шу қадар узун, ҳаёт шу қадар оғир экан. Эркаксиз уй – устуни қулаган вайронага ўхшаб қоларкан. Энг оғир лаҳзаларида Ойдиннинг хаёли яна Наим акага туташади. Туташади-ю, ўша онда энди бу одамдан узоққа кетиш кераклигини англайди. Ўшандагина Ойдиннинг ўзига ишончи ортади. Ўшандагина одамлар кўзига бемалол қарайди. Ўшандагина ёлғиз яшаса ҳам қомати тик бўлади. Бироқ, бу айтишга осон. Аслида, қўлидан келармикан?

* * *

Ойдин яна икки ҳафта ишга чиқа олмади. Бош оғриғи қайталаниб яна докторга қатнади. У тезроқ-тезроқ соғайишни, ҳеч йўқ ўзи яшаётган хонадонда баланд руҳ бўлишини, болаларига озгина далда бўлиб, уларни яхши кунларга умидлантиришни истарди.

Йўқ, у эри ўйлагандек Наим акадан "нимадир" кутиб эмас, фақат тезроқ соғайиш учун мадад излаб, кўчадан унга қўнғироқ қилди.

– Ойдин!

Ойдин Наим аканинг овозини эшитди-ю, гапиролмай қолди. "Йўқ, ундан ҳеч қачон узоқда яшолмайман. Овозини эшитиб турмасам, ўлиб қоламан-ку!"

Ойдин ҳеч кимдан қўрқмади. Ҳижолат ҳам бўлмади. "Нима учун? Қайси гуноҳим учун?".

– Ойдин, – яна Наим аканинг баланд овози эшитилди.

Ойдин ўзини озгина ўнглаб олди.

– Наим ака! Яхшимисиз? Соғлигингиз яхшими?

– Яхши! Ойдин! Мунча дарагингиз йўқ. Уйга борай дегандим, ҳайрон бўлдим. Минг хаёлга бордим. Сизни эдим.

Ойдиннинг кўзлари "ярқ" этиб очилгандай бўлди. Худди бир меҳрибон қўл бошини оҳиста уқалагандай, лўқиллаётган оғриқлари тарқалаётганини сезди.

– Соғлиқ қалай, – сўради Наим ака.

– Яна озгина бор шекилли, докторга қатнаяпман.

– Қачон келасиз Ойдин?

– Ҳозир борсаммикан.

– Келинг.

Миясига бу хаёл қаёқдан келди-я. Боришни юраги жуда-жуда истади шекилли-да. Беихтиёр айтиб юборди. Ҳозир боради-ю, ҳеч нарсани яширолмайди. Кейин-чи... Наим ака қаттиқ хафа бўлади. Айтмаса-чи... Ўша одамга айтмаса, кимга айтади. Ҳали ҳозир қайнонасигина билади. Ота-онаси, укаси билгани йўқ. Ўзига қолса, ҳеч кимга "чурқ" этиб, айтгиси йўқ. Ҳеч ким сўрамаса. Ҳаммасини яхшиси, юрак ҳал қилгани тузук. Қани қайси йўлга бошларкин?

Ойдиннинг оёқлари илдамлашди, бош оғриғи бутунлай елкадан кўтарилди. Ҳозир Наим акани кўради.

У рўпарўсига келиб, ҳоли ўтирганда, каттакон, улкан бир қувончни туяди. У бошидан-оёқ Ойдинга аталганини билади-ю, барибир ҳеч қачон тан олмайди. Тан олиб, қаёққа ҳам боради, нима ҳам қиладди? Унга куч, руҳ, мадад бераётганининг ўзи учун унинг оёқларига бир марта бўлса ҳам бош қўйиб, миннатдорлигини айтишни, тўйиб-тўйиб йиғлаб, бутун юрагини бўшатишни неча йиллардки, орзу қилади. У ҳамон орзулигича қолиб кетмоқда.

Ойдин йўл-йўлакай, ҳеч ким уни эшитмаётган бўлса ҳам, ўзини оқлаб-оқлаб, товушсиз гапириб борди.

– Эй, одамлар, тушунасизми, мен Наим акани кўрганимда эркак кишилигини тамом эсимдан чиқариб қўяман. Билмайман, ким у? Эркакми? Ё аёлми? Мен учун эса – энг яқин одам! Тушунасизми, у менга жуда ҳам керак! Сувдай керак. Усиз ҳалок бўламан...



Ниҳоят Ойдин қадрдон масканга етиб борди. Вақт пешиндан ўтгани учун кўпчилик кетиб бўлган эди. Қайсидир эшикдан ҳамкасб дугонаси Манзура чиқиб келди.

– Вой, ҳайрият... ҳайрият... келадиган кунингиз бор экан, ўртоқжон, тузалиб қолдингизми? Ҳамма-ёқ ҳувиллаб кетди-ку! – улар йўлакда узоқ суҳбатлашиб, омонлашиб қолишди.

Овозларини эшитиб, Наим ака ичкаридан чиқди.

– Ийи... Ойдин келдингизми? Қалайсиз?

– Тузук, – Ойдин саломлашиб қўл узатди.

– Сизни кутяпман, – Наим ака Ойдинга шошибгина қаради.

– Раҳмат.

Манзура уларга ҳавасланиб қаради.

– Майли кирарсиз, – Наим ака уларнинг суҳбатига ҳалал бергиси келмай, ичкарига йўл олди.

Салгина ўтиб ортидан Ойдин кирди.

– Ойдин! – Наим ака унинг кўзларига синчиклаб қаради. Кўзининг туб-тубидаги маъюслик, безовталикни дарров кўрди.

– Тинчликми?- хавотирланиб сўради Наим ака.

– Қани ўтиринг-чи, нима бўлди?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – Ойдин кулимсирашга ва ўзини дадил тутишга уринди. Наим акадан ҳеч нарсани яширолмаса ҳам, ҳозир алғов-далғов ўйларини қаёққадир беркитиб қўйгиси келди.

– Соғлиқ қалай? – барибир айтасиз дегандай Наим ака бошқа мавзуга ўтди.

– Тузук. Бошим барибир яхши эмас. Оғрийди, айланади. Тез-тез карахтга ўхшаб, паришон бўлиб қоламан.

– Одам ўзини эркин қўйиб юриши керак. Кўнгилга қараб, ўз вақтини озгина бўлса ҳам чоғ қилиб дегандай...

Ойдин ғамгин кулимсиради.

– Мендан ниманидир яширяпсиз-а, Ойдин? Тўғрими?

Ойдин бош ирғади.

– Адҳамжонингиз кетиб қолди, – Ойдин оддий хабарни айтаётгандай паришонлик билан гап бошлади.

– Ийи... ийи... нимага?

Ойдин ерга қаради. Нима дейишни билмай ўйланиб қолди.

– Нега орқангдан боради деб аччиғи келди.

– Менними? – кўзларини катта-катта очиб сўради Наим ака.

– Ҳа ...

– Нима дедингиз?

– Ҳаммасини, ростини айтдим. Мен ўша одамга суянаман, дедим. Наим ака юнатган бўлди.

– Келади, қаёққа борарди.

– Йўқ, энди ҳеч қачон келмайди. Ётоқхонада яшаяпти. Орқасидан боргим йўқ. Эр бўлиб, орқамдан ўн беш йил давомида бирор марта излаб бормаган. Ота-онамникига ҳам ўзим бориб, ўзим келаман. Мен

хурсанд юрсам ҳам ковоғини очмай қўяди. Кўнглинг қўноқ, деб аччиғи келади.

– Келади, – деди яна ишонч билан Наим ака.

– Ўзимнинг ҳам унга раҳмим келяпти. У қурган уйда мен яшасам, у бўлса ётоқхонада. Бу инсофсизлик эмасми ахир.

Наим ака Ойдинга ички ўкиниш билан қаради. "Барибир эрини яхши кўради. Кўнгли безовта." Наим ака нима дейишни билмай қолди. Дили қаттиқ оғриди. Ойдин тинч бўлса, у ҳам тинч-ку! Ойдин шод бўлган кун Наим ака учун байрам! "Эҳ, Ойдиним! Суянчиғим! Бахтим! Қувончим! Сенинг қувончинг учун, айт, нима қилай?"

– Ойдин! Менга қаранг! – Наим ака томоғига тиқилган оғир товушни майдалашга уринди. – Ўзингизни йўқотмай дадил бўлиб туринг. Ҳаммаси жойига тушади.

– Йўқ! Энди жойига тушмайди! Мени ҳаромсан, деди. Мана шу гапига чидолмаяпман.

Ойдин яна қанча гапларни чайнаб-чайнаб ичига ютиб юборди. "Наим ака, қани айтинг-чи, мен шунақаманми. Поёнсиз бир меҳрни, муҳаббатни ундан, ўз уйимдан излаганим ёки ёлғонми?" Ойдиннинг бу гаплари ичида қолди. Айтолмади.

– Илтимос, – Ойдин Наим акага ўтинч билан қаради, – менга доим раҳмингиз келгандай, қанақа меҳрибонлик қилишни билмагандай қарардингиз. Энди ундай қараманг, – Ойдин ўзини адл тутишга уринди.– Олдинги Ойдин бўлсам, ҳозир ҳўнг-ҳўнг йиғлардим.

– Ҳа-я... Ойдин. Салга ёшингиз думаланарди. Ўшанга ҳайронман.

– Қайтага, Наим ака, менга кам бўлмагин деб туринг, – Ойдин хотиржам товуш билан гапирди. – Ахир мен оиласини алдаб, эрини алдаб, ўзини пок кўрсатаётган қайси бир аёлдай ўзимни оқламадимку! Ростини айтдим, кўнгилда борини айтдим. Уни алдаганим йўқ-ку! Гуноҳим битта, уни ўзим биламан. Гуноҳим – шу ёруғ дунёдан излаган меҳримни топганимдир! Агар, шу хиёнат ҳисобланса, демак хиёнат қилдим. Бошқа гуноҳим йўқ. Бу ўзимни топганим! Ўзимга керакли бойликни топа олганим. Менинг қанақалигимни ҳеч ким билмаса ҳам, сиз биласиз...

Ойдин рўпарўсида тоғдек бўлиб кўнглига, кўзига қараб турган Наим акага чексиз меҳри билан назар ташлади.

Ажабо, дунё қизиқ, дунё ғалати экан. Ёки муҳаббати бир-бирига тенг келадиган одамлар ногоҳ, тасодиф учрашиб қолишса, бир-бирларини тушиниб, англаб қолишса, тунлар ойсиз, кунлар қуёшсиз бўлмагани каби бир-бирларига абадий боғланиб қолишармикан?!

"Менинг қанақалигимни ҳеч ким билмаса ҳам, сиз биласиз..." Ойдиннинг томир-томиридан силқиб чиққан бу нидо Наим акани бир лаҳза ҳушёрлантирди. Беихтиёр Ойдин сари чўзилиб, уни бағрига босишга, юпатишга, эркалашга тайёр қўллари ўз-ўзидан занжирлангандек орқасига кетди. Қўлларини орқага қилганча, хонада у ёқдан-бу ёққа юрди.



– Биламан, Ойдин, биламан. Сиз ўша рўзғорни гуллатай, обод қилай деган аёлсиз. Уйидаги аёлиники тополмаган эркак ўзидан кўрсин.

– Майли, у ҳам ўзини бир излаб кўрсин! – Ойдин ўзига ишонган оҳангда гапирди.

Ойдин шу лаҳзада қалб бўшлиқлари муҳаббатга, меҳрга тўла кишилар ўзидан узоқлашган кишиларнинг албатта қайтишига ишонадиган бир руҳ вужудига кириб келганини сезди. Ва инсон оламининг мураккаблигидан ҳайрон бўлди. Узоққа кетса, ўзи қайтмагунча изламайдиган, бир кун аразласа ўн кун – ўн беш кунлаб Ойдинга бормисан, йўқмисан демайдиган, бетобланса пешонасини астойдил ушламайдиган эрининг қайтишига яна кўнгли умид қиляптими? Нима учун? Уйи тўлиб туриши учунми? Бағри бутун бўлиши, эринг борми деса бор деб соябон этиши, фарзандларининг тирик етим бўлмаслиги учунми? Ёки ўн беш йил гоҳ йиғлаб, гоҳ қувониб яшаган умрининг ҳурмати учунми? Ёки ҳали ҳам яхши кўрадими? Нима учун?

Ойдин ҳозир бу саволларига излаб-излаб, жавоб тополмади.

Фақат бир нарсага амин бўлдики, эри Ойдинга ишонган экан. Унинг қалбини тушунган, ҳеч қачон унинг эркаклик нафсониятини Ойдин топтамаслигига ақли етган экан. Фақат ўша куни шайтон кўнглида васваса қилган кўринади.

– Йўқ, – бу шайтон васвасаси эмас! – Ойдин эрини ҳақ деб билди. Ахир, Наим акага боғлангани ёлғонми? Рост-ку!

Ойдин аросатли дунёда қолгандай борлиғига аянчли ҳорғинлик кириб келди. Ҳаммасидан қутилиш ва шу ёруғ дунёда озод, ҳур, хотиржам аёл бўлиб яшаш истаги, худди шу ерда Наим ака рўпарўсида туғилди ва алам билан кўзларини бир лаҳза юмди. Ҳаётида биринчи марта Наим акадан ўзини узоқлаштиришга уринди.

"Шу ердан ишдан кетаман. Тамом! Ўшандагина эрим ҳам, бошқалар ҳам, болаларим ҳам менга ишонади. Наим ака бўлса доим ўзим билан бирга. Маслаҳати керак бўлса, келиб тураман!"

Бу ўйлар Ойдинни бир зумда тушкун, оғир бир кайфиятга тушириб қўйди. Энди ҳўнг-ҳўнг йиғлагиси келди. Ўзини ёлғиз сезди. Умр бўйи топган бойлигини кимдир тортиб олаётгандай Наим акага қизғаниб қаради. Букилаётган қадди тикланаётгандай бўлди. Бу иш ҳеч қачон қўлидан келмаслигига амин бўлди.

Ойдин истамайгина ўрнидан турди.

– Наим ака, энди кетсам бўларди.

– Кетасизми? – Наим ака Ойдинга ёш боладай жовдираб қаради.

Ойдиннинг тўйиб-тўйиб йиғлагиси, шу рўпарўсидаги улкан тоққа бир лаҳза бошини қўйиб тин олгиси, азоблардан қутилгиси келди.

– Майли, нима ҳам дейман, – Наим ака Ойдинга эргашди. Уни кўча эшиккача кузатди. Ойдин Наим ака назарида кўз очиб юмгунча

узоқлашиб кетди. Тўлиб турган дунё ҳувиллаб қолгандек бўлди.

* * *

Ойдин эшикдан кириб келди-ю, файзсиз бир гўшага урилгандек, кўзига ҳамма нарса совуқ кўринди.

"Энди келмайди. Энди ҳеч қачон келмайди"

Рост, Адҳам хотинини камдан-кам изларди. Ойдин эса ҳамма юмушларини бажариб, оламга бир сокинлик, осойишталик ёйилганда, осмонга юлдузлар тўлиб, жимир-жимир қилаётганда, Адҳам уни ширин, сирли товуш билан чақиришини, ёнига имлашини орзу қиларди. Бу ёруғ оламнинг энг нозик садолари жаранглаётгандек, Ойдин ўзига яқин руҳдош изларди. Йўқ, Адҳам телевизорга қадалганча, футбол кўради. Кейин... шахмат.

Ойдиннинг унга интиқлиги хаёлига ҳам келмайди. Охири жони халқумига тиқилган Ойдин алам билан чарсиллайди.

– Эй, одамзот, бирортасини севинг! Унинг азобини, лаззатини бир тотиб кўринг. Майли, куйиб кул бўлай! Нима бўлса ҳам бир ловуллаганингизни кўраман-ку!

Адҳам хотинини танимай қолгандай қарайди. "Эй, жиззаки хотин, жинг борми, нималар деяпсан" дегандай сергакланиб; нигоҳларини қадайди. Худди харсанг тошни ўрнидан қўзғатгандай, Ойдин эрининг ўзига қараб турганини кўриб, қувониб кетади. Бу қарашга қул бўлади. Ўша қарашлари ҳамон кўз ўнгида. Ўшанда Адҳам вазминлик билан:

– Кундошликни Кумуш тортгани етар. Сиз тортманг! – деди чин диллан.

Ойдиннинг юраги ҳапқирди. Унга яна мафтун бўлди. Эҳ, бунақа лаҳзалар... Уларга етиш учун ой-ойлаб кутиш керак. Адҳам бунақа қаро кунни ҳеч қачон унга раво кўрмаслигига ишонди.

– Барибир, – Ойдин Адҳамни яна тан олгиси келмади. – У менинг оламимда яшамайди. Ўзи билан ўзи овора.

Ойдин ҳувиллаган хоналарга оёқ босаркан, тўлиб турган, кўнгли тўқ дақиқалар бир умр уйини тарк этганига ишонди. Болалари ҳам камгап. Хомуш. Улар Ойдинга, Ойдин эса уларга сўзсиз жовдирайди.

Чўкаётган одам хасга ёпишгандек, Ойдин яна Наим акани ўйлади. Ва бирдан юраги орқасига тортиб кетди. Хаёлида Наим ака ҳам унга бегона кўз билан қараб тургандай, энди бу эрсиз, ёлғиз аёл билан қадрдонлик унга ҳам малол келаётгандай, одамлардан ҳадиксираётгандай туюлди. "Наҳотки!" Вужудига тобора чуқурроқ кириб бораётган ёлғизлик уни аямай емира бошлади.

Ойдин ростдан ҳам караxт эди. Нима бўлди? Ўғлининг бўйи бўйи билан тенг бўлиб бораётганда, қизи ҳамма нарсани уқадиган бўлганда...

Ойдин уй ичидаги ғариб, мунғайиб кўринаётган гилам, телевизор, китоб жавони... Ҳаммасини кўрмасликка уринди.

Қайнонаси илгари ҳар куни хабар оларди. Ўша кундан бери бир ҳафта ўтди, ҳали кўргани йўқ. Ошхонага ҳам киргиси келмади. Гўшт



ҳам йўқ. Эри ҳеч нимани сўрамаса ҳам, Ойдинга бир қайрилиб қарамаса ҳам, қозонга қарарди.

– Овқат пишдими, – деб сўроқлагувчи эди. Болаларнинг ҳам томоғидан овқат ўтмаяпти. Ҳаммаси сўзсиз. Жим.

Ойдин ўзини қўлга олишга уринди. Ҳувиллаётган дунёни нима биландир тўлдириш зарурлигини билди. Бир ҳафтадан бери кўзига бир қатра ёш келмаганига ҳайрон бўлди. Рўзғори хонавайрон бўлди-ку! Шаънига тош тегди-ку! Вужуди "қилт" этмаётганига ўзи ҳам ҳайрон. Ўтинчи-ҳеч ким сўрамаса, ҳеч ким аралашмаса... Кеча укаси бир хабар олай деб ровонга кириб ўтди. Яхшики, ўзи ёлғиз эди. Бу ҳақда Ойдин бир сўз айтмади.

– Поччам қани?- сўради Акбар.

– Битта ўртоғи билан чиқиб кетди-ку!

Акбар ҳеч нарсани сезмади. Эшитмагани мақул. Бу оғир масалани юракларгина тўғри ҳал қилади. Ўшандагина ҳеч ким ҳеч кимни алдамайди. Ойдин телевизорни қўйди. "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" бўлаётган экан. Ўз хаёлини чалғитиш учун астойдил тикилди. Бекорга бадном бўлган аёлнинг кўз ёшлари уни титратди. Аёлнинг гуноҳи нима эди? Ўша одам билан бир марта тузукроқ гаплашгани ҳам йўқ. Тасодиф хайдовчи йигит кўзи ёшли аёлни ўз таксисига ўтказиб, касалхонага олиб бориб, боласига қон берди. Боласини ўлимдан сақлаб қолди. Эри командировкадан қайтгач, бу воқеа баёнида, "нимадир" бордек шубҳага борди. Фарзандига қон берган ҳайдовчини хотинининг ўйнашига чиқарди. Оила чил-парчин бўлди. Бекорга, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ. Яна ўзига таскин излади Ойдин. Ўн беш йил яшаб, эрининг қувонганини, яйраганини жуда кам кўрди. Тўнғич ўғли Нодир туғилганда:

– Ойдин! Ойдин! Қуллуғ бўлсин! Яшанг! – деб бор овози билан бир яйраб чақирганини эшитгани рост.

Балки, ким билсин, Ойдиндан кўнгли тўлмас, ичидагини ўзи биларди.

Ойдин хаёлларга берилганча, дастурхон солди.

– Колбаса қовурайлик! – деди Нодир ўйчан бир қиёфада.

– Колбаса борми? – Ойдин хиёл енгил тортиб, ўғлига қаради.

– Битта киши ташлаб кетди. Дадам бериб юборибди. Гўшт, колбаса олиб келди.

Ойдиннинг қоронғу кўксига ёруғлик тушди.

" Демак, мени тушунибди-да. Ёки болалари учун..."

– Эртадан банисага ётаркан, – Нодир катталардек вазминлик билан гапирди.

– Ойдиннинг юраги шувиллади. Қаеридир қаттиқ зирқираб оғриди. " Мен сабабчи... Мен уни касал қилдим"

Нима бўпти? – Ойдин ҳамон ўша тунд қиёфа билан ўғлидан сўради.

– Юраги ёмон бўляпти экан.

– Ким айтди?

– Энам...

Ойдин ҳозироқ унинг ёнига етиб боргиси, ҳол сўрагиси келди. "Ҳаромсан энди...," Эрининг овози эшитилди.

– Йўқ, ҳеч қачон бормайман. У мени яхши кўрмайди. Умрим сувга оқди. Кўнглига ёқадиганини топсин. Ҳали ҳам эрта. Бечора нима қилади ўзини қийнаб.

Ойдин туни билан тўлғониб чиқди. Эри узоқдан, жуда ҳам олисдан нуқтадек бўлиб кўринди. Боши эгилгандек. Ойдинни қарғаётгандек.

– Нодир, – эрталаб ўғлига маслаҳат солди Ойдин, – бориб, дадангга айт. Яхшиси, уйига келиб яшасин. Мен бирор жойдан квартира топаман. Қийналиб қурган уйлари ўзига буюрсин. Оёғини узатиб, ўзи яшасин. Отангни ноумид қилиб, мен рўшнолик кўрармидим. Бу худога ҳам хуш келмайди. Бувим доим шундай дейди:

– Бировни оғринтирсанг, худо сени оғринтиради. Қўлингдан келса, доим саховат қил, дейди. Менга бойлик, уй-жойнинг кераги йўқ. Битта бошпана бўлса бўлди. Кўнглим ҳувилламаса бўлди. Мана, сен ҳам катта бўлиб қолдинг. Бир кунимизни кўрармиз.

– Э... – отасидай камгап Нодир асабий қўл силтади. Жим ўтириб туровринг. Дадам келади.

– Энди қандай яшайман. Мени нималар леди-ю... – Ойдин паст товуш билан гапирди.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, – Нодир қатъий товуш билан гапирди.

– Агар дадам қайтиб келса, қанақа бўлса ҳам биз учун яшайсиз. Энди биз катта бўлганда одамларга кулги, масхара бўлиб... Дадам ҳеч қачон "яшамайман" деган гапни оғзига олмаган. Эс танибмизки, шу гапни сиздан эшитамиз.

Ойдин жим бўлиб қолди. Ўғлининг гаплари Адҳамни унга анча яқин келтириб қўйгандай эди. Рост, эркак киши қиладиган ишлар тоғдек уюлиб ётса, Ойдин доим "жанг" чиқарар, Адҳам эса жимгина сукут сақлаб ўтирарди. "Сен билан яшамийман" деган гапни ростдан ҳам ҳеч қачон айтмаган.

– Нодир, – деди Ойдин инсофга келгандай, – эртага бориб, дадангни бир хабар олиб ке. Хўп-ми? – Мен энди унга бегона бўлсам ҳам, сенинг отанг...

Нодир индамади.

Ойдиннинг кўнглида яна эски бир алам қўзғолди. Ойдиннинг отаси қаттиқ бетобланиб, уч марта касалхонага тушди. Ҳар гал бир ой бир ойдан ётди. Шу куёв бир марта хабар олишга ярамади. Энг алам қилгани Ойдин бориб келганда ҳам "қалай, тузукми?" деб сўрамаган. Ҳеч йўқ Ойдин билан яшаётганининг ҳурматидан ҳам бориб қўймади.

– Отанг мени ҳурмат қилмайди. Отанг амалдорлар билан яхши гаплашади. Истасам, ҳеч қачон кўрмаслигим мумкин, – деди



Адҳам бир куни дастурхон устида. Ойдин алам билан чинқириб юборди. Эрининг ёқасидан қандай ушлаганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Нега шунақа дейсиз. Иккита боламиз бор-ку! Нега отамга тил теккизасиз! – деди алам билан.

Ойдин кўзи аралаш юзига чақмоқдек урилган муштдан гангиб қолди. Яна устма-уст мушт тушди. Бурнидан, оғзидан лахта-лахта қон отилиб чиқди. Йигирма кун кўчага чиқолмай уйда ўтирди. Ўшанда астойдил "ажрашаман" деб юрди. Яна қўлидан ҳеч вақо келмади. Эрининг тавба-тазаррусидан кейин дарров, осонгина кўнгли эриди.

Шунақа оғир кунларда доим хаёлан Наим акага суянган. Кўз ёшларини отасига, онасига кўрсатмаган. Наим ака рўпарўсида соатлаб ҳиқиллаб, хўрланган, қадрсизланганн учун йиғлаб ўтирарди.

– Ойдинжон! Ойдиним, шундай ажойиб аёл йиғлаб ўтирса... Ҳамма нарсага тоқат қиламан. Сизнинг кўз ёшларингизга тоқат йўқ, – дерди ҳамма ишини бир ерга қўйиб.

Унинг "Ойдинжон!" деган меҳрибон товушини эшитганда, Ойдин ўзига келади. Зимистон дунёси ёришади. Эрининг тунд чеҳраси бир кун очилишига умид боғлаб, кунларга қаноат қилади.

Эртасига Ойдин ош дамлаб, ўғлига тутқазди.

– Дадангг ҳеч кими йўқдек ётгандир. Боргин-чи... – кўчада астойдил тўп тепаётган ўғлини стаклаб олиб кирди. Нодир сўзсиз йўлга тушди.

– Олмаса-я... Олмаса, демак... ҳамон ўша фикрда... Мен гўё... Ойдин у ёғини ўйлашга қурби етмади. Ҳатто уялди. Ҳижолат бўлди. Наим ака кўз ўнгига келди-ю, эрининг гапларини эслаб, мулзам тортди. "Эҳ сен... юзим шунга чидаганда эди... оёғидан бошигача тавоб айлардим. Агар шу одамни ҳаётда учратмаганимда, ҳолим нима кечарди. Ўйлашга қўрқаман!"

Ойдин эшик "тиқ" этса кўчага қаради. Ўғлини кутди. У шом қоронғусида кириб келди. Ойдин боши эгилганча, тугунчани ечди. Ош юборган идиши бўм-бўш эди.

– Ошни едими?

– Қорни оч экан. Банисаникини егиси келмаянти шекилли, –Нодир ерга қараганча хомуш гапирди.

– Тузукми?

– Кардиограммаси ёмон чиқибди.

Ойдиннинг юраги орқага тортди. Энди нима бўлади? Ҳоли нима кечади? Эҳ, бу телба хаёллар. Шайтон миясига бемаъни ўйларни қалаштириб ташлади.

Уйланса... хотини меҳрибон бўлармикин? Яхши қарамаса, ҳоли нима кечади? Ростдан уйланса-я...

Ойдин-чи? Қуйиб кул бўлмасмикан?

Йўқ, у энди ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Ойдин ҳозир билиб-билмай йўл босаётган одамга ўхшарди. Одамлар-чи... уларга нима деб тушунтиради. Юрагига яна қурқув,

ваҳимаг, не-не қийинчилик, оғир меҳнатлар, изтироблар, кўз ёшлар билан тикланган оила иморати устига тобора қулаб тушаётгандай даҳшат ўрмалай бошлади.

* * *

Ана шу маъшум воқеадан икки ҳафта ўтиб, Ойдин ишга чиқди. У шу кунлар ичида қаттиқ ижодга берилди. Болаларининг хомуш туришида ҳам ўша ўзи доим излайдиган Соғинч... Соғинч... Соғинч... Соғинч...

Бу туйғунинг тасвирини қоғозга туширса, қанақа бўларкин? Ранги қанақа экан? Ойдин ҳар куни юрагига жон жаҳди билан қулоқ тутади. Эрини бор овози билан чақиргувчи кучни излайди. Ўша соғинчни!

Қачон учиб қолди бу ўт?

Оғзидан лахтак-лахтак қони оқиб, унинг оёғи тагида ожиз бурдалангандами? Юрак-бағри эзилиб, бир қарашига неча-неча кунлаб зор бўлгандами? Қачон муз қотдинг, вужуд?

Ўзимни мажбур қилиб яшамайман! Тамом! Ахир мана бу кўкрак қафаслари бўм-бўш қутига айланган бўлса, нима қилай? Қачон, қачон рўй берди бу? Мен ундан қачон ажрашиб, қачон бегонага айландим?

– Ишдан ҳам кетаман. Бошқа иш топаман. Ўшанда ҳамма азоблардан халос бўлсам керак, – Ойдин ватанидан айрилиб, узоқ

ўлкаларга учиб кетадиган қушдек маъюс тортиб қолди. Наим ака... Бир бор қаттиқ гапирса, бир бор кўзимнинг ёшини тўкса эди... Бир бор менга бепарво қолса эди... Кетиш осонроқ бўларди. Кетаман, барибир кетаман! Қаерда бўлсам ҳам, қаерда ишласам ҳам маслаҳатини олиб туриш мумкин-ку!

Ойдин биринчи ишга чиққан куни, тушдан кейин ана шу аҳд билан Наим аканинг ҳузурига кирди.

– Ойдин! Нега хомуш кўринасиз? Ғамгинсиз. Ўйчансиз.

Ойдин унинг рўпарўсидаги стулга вазмин ўтирганча, кўзидан беихтиёр сизилиб, мижжасига тўлган ёшни артди.

– Наим ака, – Ойдин кетиш ҳақидаги гапини айтолмай қийналди. Кетиш – назарида ўлим билан тенг, ҳаёт билан видолашгандай оғир эди!

– Ойдин, илтимос қиламан, бор кучингизни ижодга беринг.

– Кетишим керак. Шу ердан кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Эримнинг ҳақоратларига чидолмаяпман.

– Эсингиз йўқ, ёш бола, – уни эркалагандек тошиб гапирди Наим ака.– Бир ажойиб куй яратмоқчи эдингиз-ку! Қани ўша куйлар?

Наим ака энди ўкинч билан, ачиниш билан гапира бошлади.

– Қаёққа кетасиз? Нимага кетасиз? Бир умр сизни кўзига илмаган ўша эрингизга нимага қодирлигингизни кўрсатинг. Ўша эрди меҳрига зор бўлиб умрингиз ўтди. Ё ёлғонми?

– Рост. – Ойдин вазмин бош эгди.



– Энди яшаса – ихтиёри. Яшамаса ўлиб қолмассиз! – Наим ака тишлари ғижирлаб, ўзини аранг босиб туриб гапирди.

– Болаларим-чи... Йўқ, мен уларни тирик етим қилишни истамайман. Майли, мени авайласа ҳам, авайламаса ҳам яшайман... (Ойдин бу гапни дилида эмас, тилида айтди.) Ахир, болаларим хомуш бўлиб қолишди. Олдинги қувноқликлари йўқ, уйим ҳам эгасиздай ҳувиллаб кетди. Менга ишониб, уйимга кириб келса, эшикни юзига

ёполмайман. Уни ишонтириш учун ҳам бу ердан кетишим керак.

Наим ака шошиб ўрнидан турди. Ўзига сиғмаган бир туғён билан Ойдиннинг рўпарўсига келиб, чўккалади.

– Ойдин! Қаёққа кетасиз? Наҳот, мени ташлаб-а? Қандай кўзингиз қияди? Ахир, сиз менинг жонимсиз-ку, Ойдин, – Наим аканинг кўзлари жиққа ёш эди.

Ойдин чўнтагидан оппоқ даструмолини олиб, Наим аканинг кўзларини артди.

– Йиғлаяпсизми? – ишонмагандек астойдил қаради.

Наим ака индамади. Ойдиннинг қўлларини оҳиста, беозор силади.

– Ҳеч қаёққа кетмайсан, азизим. Кел, бир марта қўлларингдан ўпай.

Ойдин Наим аканинг кўнглига озор бермаслик учун оҳиста ўрнидан турди ва ўтинч билан илтижо қилди.

– Менга ҳеч қачон бунақа гапни гапирманг, – Ойдин қандайдир ички бир кучдан дадилланди. – Наим ака! Рост, мен сизга суянаман. Сиз шунақа улкан кучсизки... мен заррага ўхшайман. Мен сиздан куч оламан, мадад оламан. Лекин ҳаётда, оилада ҳалол яшашни орзу қиламан. Рост яшашни истайман. Эл-юрт, ота-онам, оилаларим олдида юзим ёруғ бўлишини истайман. Қалбим эса Сиздан бир умр миннатдор, фақат уни сўз билан айтишга тилим ожиз, холос.

Наим ака ўзини анча босиб, дилидаги энг олий тилагини Ойдинга изҳор қилди.

– Ойдин! Сиз ўша Соғинчни ёзинг. Аёл соғинчини куйланг. Айтиб қўяй, соғинч билан яшаётган қаҳрамонингиз ҳеч қачон йиғламасин! Ўзини танисин! Нимага қодир эканини англаб етсин! Кимни соғинаётганини билсин. Соғинчига соғинч топсин...

Ойдин деразадан бир лаҳза ташқарига қаради. Баҳор келяпти. У ҳозир нимагадир барча кўнгил азобларини унутди. Сабаби, қаршисида доимо унинг кўзларига умидвор қараб, нимадир изловчи одами бор. У шунчалар ҳам ўз-ўзиники, бир қараганда оғриган жойига малҳам қўяди. Доимо ўз қалбини кўришга, уқишга даъват этади.

Ойдин илгари битта – ўз қалбининг соғинчи билан овора эди. Ҳозир эса кўз ўнгида яна иккита Соғинч улғая бошлади. Улар болаларининг кўз ўнгида, қорачиғида кундан-кунга ўсяпти. Онасига илтижо билан қарашяпти.

– Дадам нега кетди? У қайтиб келадими? – деб сўзсиз сўроққа тутишяпти.

– Наим ака, – Ойдин яна кўнглидагиларни тўкиб солди. – Мен болаларимга жавоб топишим керак. Ўзимга топдим. Энди, тушунасизми, ўзимники иккинчи даражали, – Ойдин туманли кунларга ёруғлик топгандек Наим акага қаради, унинг нигоҳларидан "Ойдин! Ойдин!" деган нидони уқди. Ҳозир негадир "бу мен Ойдинман, танимаяпсизми, ўша сиз излаётган Ойдинман, мен ўзимни англай бошладим, таний бошладим" – деб бор овози билан қичқиргиси келди.

Тобора жўшиб бораётган соғинчни тишлари орасига маҳкам босиб, даст ўрнидан турди.

– Вақт ҳам кеч бўляпти. Мен кетай. Болаларим кутиб қолишди, – деди Ойдин иложсиз, хаста товуш билан.

– Майли, – Наим ака ниманидир қизғанган одамдай ўрнидан турди, яна унинг даъваткор, меҳрибон, юксак уфқларга стакловчи товуши эшитилди.

– Ойдин! Қалбингизга қулоқ солинг-а! Бугун, албатта туни билан қулоқ солинг! Эшитасиз. Ўзингиздаги ғалати куйларни эшитасиз.

– Хўп, бўпти... – Ойдин унга қараб турган меҳрибон нигоҳга узоқ термулгиси келди.

– Хайр, эртагача...

– Хайр, Ойдинжон, хайр, – Наим ака уни эшик тагигача кузатиб чиқди.

* * *

Уйда эркак киши бўлмаса, тун яна ваҳимали кўринаркан. Осмонда чироқдек милтираб турган юлдузлар ҳам шундай олислашиб кетарканки... Осмон эса минг йилда ҳам етиб бўлмайдиган хилқатга айлангандай. Кечагина у бошинга осилиб тургандай чароғон кўринарди.

Нафиса Ойдиннинг хонасида. Деразалари кўчага қараган уйда. Ўғли кираверишдаги хонада. Улар аллақачон ухлашган. Ойдин нимадир излаётган одамдай у хонага кирди, чиқди. Тўлғониб, кичкинагина, пианинонинг оппоқ йўлкалари кўриниб турган ижодхонасига бурилди. У ҳозир ўз ёнида кимнингдир, дардкаш бир одами бўлишини жуда истади. Эшикка қаради. Худди Наим ака...

– Ойдин, нима бўлди? Нега яна хомушсиз? – дегандай кириб келаётганга ўхшади. Агар ҳозир кириб келса борми?

– Йўқ, – Ойдиннинг кўксидан ҳар галги нидо отилди. Одамлар нима дейди? Эри бўлмаса...қолмишига кечаси... Ойдиннинг ярим қадам беридан туриб, унга ўзини фидо қилишга тайёрлигини улар қаердан билишсин.

– Йўқ, ҳеч қачон бунақа кечасида келманг. Одамлар барибир нотўғри тушунади. Уларга мен ҳам қўшиламан.

– Ойдин! – тун бағридан сеҳрли бир овоз келди.

– Куй яратинг! Қалбингизга қулоқ солинг...

– Танияпман. Бу – Сизсиз Наим ака. Эҳ, ҳеч қачон қаршингизда ўз меҳрини Сизга тўкиб-тўкиб сочолмаган мен – ношуд бир аёл... Ово-



зингизни эшитяпман. Наим ака, ҳозир юрагимга қулоқ солиб ўтирибман. Вужудимдан миямга "ёлғизлик" деган бир нидо келяпти. Бир куй келяпти. Биласизми, бу куйни қачонки, аёллар яратгандагина ўз маромига етказа олсалар керак деб ўйлайман.

– Нима учун дейсизми?

– Ахир аёлгина ёлғизликда яшайди. Эркакларнинг ёлғизлари кам. Биргина бизнинг "дом"да ўндан ортиқ ёлғиз аёллар бор. Иккитаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Уларнинг "ошиқлари" битта эмас, мингта. Назаримда, уларда виждон қийноғи, имон бутунлиги қолмади чоғи. Кўнгилнинг минг битта кўчасида дайдишяпти. Ёки улар ҳам телбага айланиб, ёлғиз кунларнинг аламини олишяптимикин? Нега бу андишасиз гапларни сизга айтяпман-а. Минг бор узр.

Ёнимдаги ёшгина қўшним йигирма уч ёшида бева қолди. Эри уни шунақа яхши кўрардики... Менимча, улар ҳар куни арши-аъълоларда туғашарди. Шунақа. Бахтиёр оила эди. Эри авария бўлди. Иккита боласи билан қолди. Унинг шу кунлардаги манзили фақат қабристон бўлиб қолган. Эри ажойиб эди. Фақат шу аёлни бахтиёр қилишга яратилгандай эди. Энди эса... Ҳанифанинг ўксик ноласи темир бетонни тешиб ўтиб, менинг кўксимга етиб келаётганга ўхшайди. Чидамаганимдан ўрнимдан туриб кетаман. Шундай чиройли аёлнинг яккалиги мени қийнайди. Лекин Ҳанифанинг руҳи доимо тетик.

– Ойдин опа, ёлғиз эмасман, – дейди у, – Олимжон ака ҳар куни тушимда келади. Бирор кун келмаган куни йўқ, дейди. Тавба, қаранг Наим ака, шунақа ҳам бўларкан.

Мен эса гоҳи шундай ҳувиллаб кетаманки... Кечадан буён вужудимда бир куй янграяпти. Уни ўзим эшитяпман. Бу – ўшанақа, ҳувиллаган пайтда туғилди. Эшитинг-а, – Ойдин худди ортида Наим ака тургандай пионино пардаларини оҳиста боса кетди. Кўз ўнгида эса ёлғиз аёлнинг сурати намоён бўлди. Унинг ҳатти-ҳаракати, қиёфаси, қалб тебраниши...ҳаммаси Ойдинга кўчди.

Ана... танҳо бир аёл. Кимсасиз саҳрода чопиб боряпти. Чор атрофга гир-гир боққанча, кимнидир излаяпти. Ана, у бир одамга рўпарў бўлди. Эркак унга қўлини чўзди. Аёл ёлғизлик жонига текканидан ноилож унга яқин келди. Бу одам унинг кўнглини бир бор яйратадиган сўз топиб айтишини истади.

Эркак эса гоҳ тундлашар, гоҳ нима хаёлда эканини аёл тушуна олмасди. Эркак доимо ундан меҳрибонлик кутади. Ўзи эса... Аёлга на ёрдам беради, на оғирини енгил қилади. Ҳатто у қийналиб, рўзғор юмушларига куймаланиб турганда, "қийналдингми, жоним?" деб қўйишга ҳам ярамайди.

Аёл эркак билан жуфт бўлиб олдинга чопсак, дейди. Ҳаёт –саҳро эмасдир. Унинг чаманзорини, яшнаётган баҳорини излаб топайлик деб ёлборади. Олдинга талпинади. Атрофга, эл-юртга қарайди. Аёлнинг бу шижоати эркакда шубҳа уйғотади ва қўл силтаб, бошқа тарафга бурилади. Аёл яна кўзлари гирён, ҳеч кими йўқдай, қалби бўм-бўш,

яна саҳро ўртасида ёлғиз... Аёл тирик етим боласини бағрига босиб, энди бир туйғуни излайди. Кўнглини тебратадиган бир куч унга рўпарў бўлишини истайди. Ўша куч унинг исмини жон-дили билан айтсаки, аёлнинг вужуди ширин титроққа тушса. Кўнгли эриб, дарди кўзларидан томчилаб-томчилаб чиқиб кетса. Ўзининг ёлғизлигини эмас, ҳар қандай дақиқада қаноти жуфт эканини билса.

Афсус, йўлида кўп одамлар учради. Улар аёлга кўл чўздилар. Вужуди тебранмади. Унда ҳеч қандай туйғу кўз очмади. Аёл "йўқ" деб бош силкиганича, уларни яқинига келтирмади. Йиллар ўтиб, кўксидан бир гул ўсиб чиқди. Ранги заъфарон гул. Ёлғизлик гули. Ана, унинг умр поёни кўриниб қолди. Ҳамон ёлғиз. у ортига қаради. Яна шу ёруғ дунёга келадими? Йўқ,! Ҳеч қачон!

Нега унда ўз қалбининг ҳамроҳини тузукроқ изламади. Нега? Нега топмади. Ношудлик эмасми бу? Нега топиб, бир марта бўлса ҳам оёқларига йиқилмади. Саждалар қилмади? Ҳеч бўлмаса, уни топиб бир кўриш, бир бор кўнглини тўкиб солиш, бир бор фидойи бўлиш мумкин эди-ку! Энди унинг ўзи ҳам, вужуди ҳам ёлғиз. Хона ичида нидо қилаётган куй ёлғиз, ёлғиз... деб нола қиларди.

Ойдин узун сочини битта қилиб, орқасига ўрган, тунги енгсиз, оқ ҳарир кўйлагини кийиб олган, ҳозир у ёлғизликка чора излаётган оппоқ фариштадай жон-жаҳди билан пионино пардаларини эмас, кўнглининг жуда ҳам нозик торларини чертиб, ўзига-ўзи нидо қиларди.

– Эй, кўнгил, ҳеч қачон ёлғиз бўлма! Ўз дардингни, ўз ҳамроҳингни топ. Топиб олсанг бас, азизим. Топсанг унга фидо бўл! Фидо бўл! Фидо бўл!

Ойдин чалишдан тўхтади. Маъюс нигоҳлари билан ортига қаради. Хонада ҳеч ким йўқ. Рўпарўсидаги узун тош ойнада ўзи оппоқ бўлиб кўринди. Қалин сочларининг бир тутами кўзгудан қорайиб кўринди.

– Наим ака, эшитдингизми... Бу мендек ношуд бир аёлларнинг ноласи. Мен шундай бир нотавонманки... Йигирма йиллар давомида ўзимни ёлғиз сезганим учун ҳам ғарибдек кўз ёшим тўкилди. Менинг қорачиқларимга жойлашишга уриниб турган меҳри эса кўриб-кўрмасликка олдим. Кўнгил уйимни тинмай тақиллатаётган овозга эшикларни очмадим. Рости, ўзим истаб турсам ҳам, қаттиқ ҳижолат тортдим. Эримнинг овозидан у минг марта менга яқинроқ, энг муҳими меҳрибонроқ эди. Мени авайларди. "Менга кераксан" деб нидо қиларди. Бу овоз шундай улкан эдики, мен қаршисида ожиз эдим. Фақат сажда қилишим мумкин эди, холос. Мендаги бу кўнгил ҳам йиллар сарсонликда яшади. Мана энди чинакам ёлғиз аёлман. Ёлғиз тентираб бориб барибир Сизга суянаман. Сиз бўлмасангиз – ҳаёт йўқ!

Ойдин кўзлари ҳали уйқудан узоқ бўлса ҳам, ётоқхонага кирди. Оппоқ кўрпа–унга нурдай тоза уйларга ўхшади. Томирларида ғалати, ўзига ёт бўлган кучни сезди. "Майли, сен ишонмасанг, ишонма, мен ўзимга ишонаман!" Ўзида уйғонаётган телба ҳисни нари итарди.



"Минг йил қонунсиз яшагандан, бир лаҳза қонуний яшаш –афзал." Ҳиндлар хўп топиб айтишган.

– Ке, азизим, қўлларингни бер, бир марта ўпай...

– Йўқ, истамайман, – Ойдиннинг юрагига пичоқ санчилгандай бўлди. Кўзларидан яна ёш оқа бошлади.

– Истамайман! Иложим йўқ. Наим ака, нималар деяпсиз. Эсингиз борми! Болаларимни қаранг. Бир умр уларнинг қаршисида юзимни қора қилманг. Сиз мени тушинасиз-ку, ахир, Бу иш қўлимдан келмайди, – Ойдин юзларини болишга босиб йиғлади. Ҳатто... шу кимсасиз тун бағрида, ҳеч ким кўрмаётган, сезмаётган дақиқада, ҳатто узоқдан қўлларини чўзишга мингбаъд ҳижолат бўлди.

Ойдин ухлолмади. Шаҳд билан ўрнидан турди. Яна пионино ёнига келди.

– Аёл соғинчи... аёл соғинчи... Эй, менинг жисмимдаги энг тортинчоқ туйғу. Ҳеч йўқ куй бўлиб янграсанг-чи... Ҳеч йўқ бир сеҳрли овоз бўлиб таралсанг-чи... Унинг дилига бир лаҳза ором, лаззат бағишласанг-чи... Ойдиннинг узун-узун оппоқ бармоқлари пионино пардалари устида оҳиста юриб кетди. Унинг кўз ўнгида сочи орқасига битта қилиб ўрилган, оппоқ тунги кўйлакдаги аёл дераза ёнида ўйчан туриб қолди. Унинг маъюс чеҳрасига соҳир табассумлар ёйилди.

– Аёл соғинчи... Агар у соғинчига соғинч топса борми! Ҳанифа сингари тушида ҳам бахтли бўлаверади.

– Ана у... Ана...Ўша бахтли аёл..., – Ойдиннинг қалби гупиллаб кетди. Ўзининг қалб оламп ҳам поёнсиз бир соғинчга урилгандай энтикиб-энтикиб кетди ва илҳом билан, завқ билан, тўлиб-тошиб, қўллари рақсга тушаётгандай пионино пардалари устида қанот қоқдилар.

Ана у...Худди интизор аёлини кўп зориқтирмаслик учун шошиб, жуда ҳам ошиқиб келди. Аёлнинг кўнгил қушчаси тапирлаб, эшикка югурди.

– Келдингизми?

– Келдим, жонгинам...

Аёл эркакнинг бир қадам ҳам олислашини истамади.

– Кўя қол, эшикни ўзим беркитаман, – эркак иккитадан қулфни маҳкамлаб, аёлга ўгирилди.

Аёл эркалангандек бошини эркакнинг кўксига қўйди. Ичида шивирлади. "Соғиндим".

– Соғиндим. Чопиб келдим, чопиб... – эркак уни маҳкам қучганча, шивирлаб, суйиб-суйиб ўпди. Аёл унинг юзларини меҳрибонлик билан сийпалади.

– Чарчадингизми?

– Йўқ.

– Қорнингиз очми?

– Сеники оч бўлса очман, тўқ бўлса тўқман.

Аёл нима дейишни билмай шошди.

– Тўйдан келяпсиз. Кечки овқатни душманингга бер дейишган.

– Рост айтасан. Гаплашиб ўтириб чой ичамиз.

Аёл миннатдор, яна унинг юзларини сийпалади, улар бирин-кетин уйга кириб боришаркан, эркакнинг эгнидаги костюмини еча туриб, аёл унинг қўлларини эркалаб, авайлаб, оҳиста, бутун меҳру-муҳаббати билан сийпалаб қўйди. Кейин сездирмай костюмини ҳид-лаб-ҳидлаб илгичга илди. Чой устида иккиси бир-бирига термулиб - термулиб қолишди. Аёл ўзининг акси кўринаётган кўзларга сиғинди, сажда қилди, ундан тўкилаётган нурларга эсниб, арши-аълоларга чиқиб кетди. Аёлнинг соғинчи поёнсиз соғинчга урилди ва аксу садо-сини эшитди.

Ойдин энди юракка бир ширин ором берувчи, ҳаётнинг ҳар лаҳзасида лаззат туяётган, ҳар битта гиёҳ ҳам мўъжизадай сеҳрли кўринаётган ширин оҳангни топди. Бу оҳанг сеҳрига ўзи ҳам кўмилиб-кўмилиб кетди. Қувонч, қувонч... Тўлиб-тўлиб, тошиб, сирғалиб, пио-нино оҳангларида жаранглаб, хонани тўлдирди. Ойдин соғинчига жа-воб топиб, аршу-аълога кўтарилиб кетган оппоқ фариштани излаган-дай, бошини баланд кўтариб, нигоҳларини юксакка қадаганча, ча-лишни шаштин давом эттирди.

У ўша бахтли аёлга шундай ҳаваси келдики... Бундай бахтиёрлик ҳар бир аёлга насиб этишини жуда-жуда истади. Ўша аёлга қараб ту-риб, тонг ёришадигандай, ғунчалар юз очадигандай...

Ойдин бахтни туйган одамдек кўкси тўлиб, тинмай чалди, ча-лишдан тўхтаганда, вужуди қушдек енгил, бироқ дилининг қаерида-дир яна соғинчлари яшириниб тўкилмай қолгандек эди.

Эртага бу куйларнинг нотасини ёзаман. Кейин Наим акага чалиб бераман. Қани нима дейишаркин?

* * *

Ойдин эрталаб яна ўзини инсофга чақирди. Биринчи қаватнинг очиқ айвонидан ташқаридаги ташландиқ ерга кўзи тушди. Эри бу ер-ни ўн йил илгари, кўчиб келишганда эгаллаб олган эди. Ўн йилки, ақ-алли бир туп ниҳол ҳам экмади. Қандай бўлса, ўшандай ётибди.

– Бирор нарса экиш учун ишлов бериш керак. Ерни одам қилай-лик, – Ойдин ҳар йили шундай дея куйинганича қолаверади.

– Бўлди, қўйинг, ишдан гапирманг, – дарров Адҳам тундлашади. Пешонаси тиришади. Нимадандир ғашланган одамдай бошини қуйи солиб, кўчага чиқиб кетади.

Ойдин ҳамма гапи эрига малол, фақат малол келаётганини кўриб, нима қилишни билмай, боши берк кўчага кириб қолган одамдай ка-рахт туриб қолади.

Ойдин ҳозир миясига ёпирилиб келаётган айқаш-уйқаш ўйларни зарб билан нарига суришга ва уни тан олишга уринди. Адҳам эшикдан кириб-чиқиб турганда, болаларининг бағри бутун эди. Кўзларидаги бу маъюслик, ғамгинлик йўқ эди. Худди бошлари эгилиб қолгандай.



Мана йигирма кундан ошдики, унинг юраги "Бор, ўзингни оқла, уни уйга қайтар" деб нидо қилмади. Шундай бўлса ҳам қайтишини истаяпти.

Йиллар ўтиб, Нафиса келинлик либосини кияди. Кейин, нима бўлади? Отаси тирик туриб, отасиз узатадими? Ёлғиз аёлга, тўғри бўлса ҳам, шубҳа билан, ёмон кўз билан қаровчилар бор. Худди шу кунларда одамлар Ойдинни қоралаётгандай. "Болаларингнинг бўйи

чўзилганда-я, бу нима деган гап" деб дашном бераётгандай.

Неча йилдирки, бўёқланмаган, оқланмаган хоналар ҳам ўша ҳеч нарсага ҳафсаласи йўқ Адҳамни излаётгандай.

Бу ҳақда онаси ҳам, отаси ҳам бехабар. Ёлғиз Собирагина билди. "Ёмон туш кўрибман" деб кеча етиб келди.

– Ҳамма айб сенда, – деди Собира Ойдинни астойдил койиб. Уни йўлга солишни билмайсан.

Ойдин ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

– Чарчадим. Тушундингми! Ёлғизликдан, узоқликдан чарчадим. Битта уйда туриб...

Ойдин ўзини босишга уринди. Собиранинг уни тинмай чиғириқ-дан ўтказаётган нигоҳлари қаршисида бор айбини бўйнига олиб, ҳа-лок бўлса ҳам, беармон ҳалок бўлмоқчидай, кўнглининг қат-қатини вазминлик билан бўшатишни хоҳлади.

– Айб менда эмас, кўнглимда. У мени озгина фидо бўлиб ча-қирсин. Мен жавоб берай. Ҳамма нарсага бефарқ бўлса, мен қандай чидайман.

Ўша касалхонага тушадиган куним, эрталабдан ўзимни ёмон сез-дим. Агар худонинг борлиги рост бўлса, айтсин, мен уни кечгача кут-дим. Биламан, касал бўлсам, ёнимга келмайди. Шундай бўлса ҳам... поумид шайтон экан. Худди у бир меҳрибонимга айланади-ю, иситма-да куйиб турган бошимни уқалаб қўяди, гўё унинг қўллари тегиши билан тузалиб кетаман, деб умид қилдим. Ишдан келди. Оёқ товуши-гача интиқлик билан кузатиб турибман. Мен ётган хонанинг эшигини очди. Мен унга талпиниб, илтижо билан қарадим. У эса...қанақадир истеҳзо билан "касалингдан зерикдим" дегандай бир қараб қўйди-ю, эшикни тарақ эткизиб ёпди. Назаримда у қарсиллаб миямга тегди. Ўша лаҳзада ичимдан бир фарёд, ўкирик келди. Ярим соатлар ўтиб, иситма қирқ иккига етди. Кейин ўзимни йўқотдим. Фақат... кимдир кўтарганини, бошимда оппоқ одамлар ўралашаётганини сездим, хо-лос.

– Болаларинг бахтига тузалиб қолдинг. Шукур қил, – эски ярани қўзғатмасликка уринди Собира.

– Шукур! Лекин Собиражон, сенга ростини, борини айтсам, энди унга ўзимни тушунтиришни мутлақо истамай қолдим. Агар тушунса мени, эшикни албатта юзига ёполмайман. Бироқ, энди фидо ҳам бўлолмайман. Фидо бўлсам, ўзимга бўламан. Ўз қалбим билан ҳам шуғулланишим керак экан. Ундан йил-йиллаб аксу-садо кутдим. Доим

мендан норози. Гапларим ёқмайди. Нима қилай. Энди нима бўлса, болаларим учун холос.

Собиранинг буғдойранг чеҳраси синиқди.

– Ойдин! Уни қандай яхши кўрардинг, тўғрими?

– Ҳозир ҳам. Зарра ёмонликни раво кўролмайман. Фақат, яхши кўрарканман деб оёқлари тагида хўрланишни, меҳр излаб, кўзларига термулишни ҳеч-ҳеч истамайман. Гадо ҳам – одам, аёл ҳам – одам!

– Эринг билан ўзим гаплашаман, – Собира ўрнидан қўзғолди.

– Нима, мендан элчи бўлиб борасанми? – Ойдин унга ўпкаланиб қаради. Кейин ўзига ишонган овозда гапирди, – керакмас, ишонмаса, яшамасин. Ишонса, келади. Лекин, ҳаётимиз барибир оғир бўлади. Болаларим учун ўша оғирликни кўтаришга тайёрман.

Собиранинг кенг пешонаси тиришди.

– Ойдин! – Собира илтижо қилди – Нима бўлса ҳам рўзғорингни вайрон қилма.

– Мен шундай бўлсин дебманми! Ўзидан ўзи шубҳа қилиб кетди. Унинг гапларини, ҳаммасини айтдим-ку, эслаш уят. Уяламан! Лекин кўнглим ичида нимадир содир бўлган бўлса, унга мен айбдорманми? Бу – менга суянчиқ бўлган туйғудан ҳеч қачон, ҳатто ўлганимда ҳам тониб бўлмайди. Тонолмайман ҳам! Бу – балки табиатнинг мурувватидир. Балки, йиллаб болишларимни хўл қилган кўз ёшларим эвазига берилган эҳсондир.

Яъни, мен ўз меҳримга аксу садо берадиган меҳрни топдим. Туйдим. Ҳис этдим. Қайсидир лаҳзаларда сеҳрландим ҳам. Буни ҳеч қачон инкор этолмайман. Агар инкор этсам – одамликдан ҳам чиқаман. Собира, эшитяпсанми, Собира. Мени тушуняпсанми, азизам...

Мен ўша нур билан қалбимни кўрдим. Майли, одамлар қандай тушунсин. Мен – тонмайман.

Собира бир сўз айтишга ожиз эди. Ҳозир ўз тақдирини ҳал этишга Ойдиннинг ўзи ҳам ожиз эди. Бироқ кўнгли равшан, ёруғ эди. Энг муҳими – шу эди. У мана шу ёруғлик ичида бир аёлни таниди. Унинг соҳир куйларини эшитди. Бу – Ойдин исмли аёл эди.

* * *

Ойдин ҳозиргина вужудидан тўкилган куйни, унинг бағрида ўзининг бутун умрини, оғриқларини, азобларини, соғинчларини, ёлғизликларини, бу ҳувиллаган дунёни тўлдирган меҳрли, нурли дақиқаларни, кўнгил-кўнгилга уланган, таърифлашга куй ҳам, сўз ҳам ожиз бўлган энг азиз лаҳзаларни... бори-бути билан, вужуд-вужуди билан ҳис этди.

– Азизим, – унинг кўзлари яна жиқ-жиқ ёшга тўлди...– Мен ёлғиз эмасман! – Йўқ, – у бор овози билан нидо қилгиси келди. – Мен ёлғиз эмасман!

Ойдин ҳали ҳозир дил-дилидан тўкилган куйни йўқотиб қўймаслик учун пионинога шундай яқин бордики... Унга маҳкам ёпишганча,



уни бутун муҳаббати билан қаттиқ қучоқлади. Ҳўнграб - ҳўнграб, ҳиқиллаб-ҳиқиллаб йиғлади. Йўқ, ўзини - ўзи ҳеч юпатолмади. "Наим ака... Сизга раҳмат". Энг азиз кишиси уни эшитаётгандай шивирлади. "Кўнглим бўшади. Оғриқлардан бир лаҳза озод бўлдим. Ўзим излаган куйни топдим. Топдим! Сиз, дунёда фақат Сиз кўмак бердингиз. Қўл чўздингиз". Ойдин ўша куйни яна бошидан чала бошлади.

Ўзи ҳам билмади, бу куйни у туни бўйи неча марта чалди экан. Ойдин билдики, унинг қисмати, умр йўли, кўнгли, биттагина шу куй бағрига жо бўлиб, сингиб кетди.

Ойдин пионинога суянганча, рўпарўдаги деразага қаради. Осмон ёришиб келаётган эди.

– Тонг. Тонг отибди-я. Оҳ, оппоқ, тонг... – Ойдин осмондан тўкилиб келаётган оқлик бағрига туташиб, сингиб кетгиси келди.

– Наим ака... юзим ёруғ бўлиши керак. Биласизми, мен ўзимга ишонаман, туйғуларимга ишонаман.

Ойдин оппоқ тонгга ишонч билан қаради. Қаршисида яна қор босганга ўхшаш йўлларястаниб ётгандай кўринди. Қорни кечиб, икки боласини етаклаб, олдинга интилиши керак. Бошқа йўл йўқ. Энди боғланиши йўқ юрак билан Адҳамни алдаб нима қилади? Бу ёлғон яшаш, кўр-кўрона яшаш кимга керак?

– Йўқ, мен сизни алдай олмайман!

У Адҳамга худди шундай дейди. Ўшанда ҳаммаси рост бўлади. Яна рўпарўда оғир йўл. Оғир куй. Инсон ўз юрагидан қочиб қутилишнинг иложи бўлганда эди, Ойдин ҳам узоқроқ бир гўшага кетарди. Икки боласини опичлаб, тинчгина яшайдиган масканни излаб топарди. Кўнгилдан қочиб қайга борсин! Йўқ, ҳеч қайга бормайди. Эри унга нимани раво кўрса, ҳаммасига рози бўлади. Уйини олса ола қолсин. Фақат кўчада қолмаса бас. Унга дунёдаги ҳамма яхшиликни тилайди. Фақат алдаёлмайди. Болаларини ташлаб қўймаса бўлди.

Ойдин дунёдан узилиб қолгандай эди. У яна қанақадир оғир куй қулоғи остида янграётганини эшитди.

Пионинога мук тушди. Чала бошлади. У хонасига вижирлаб кирган қалдирғочларнинг қўшиғини ҳам эшитмай, янги тонг нурлари каби вужудидан сизаётган соғинч, ташналикни оҳанглар бағрига саховат билан соча бошлади.

Тамом. 1998 йил.

# РАЙҲОН БЎЛИНГ, ЖОН ЭНАМ

**(Ҳикоя)**

Ўшанда ёз эди. Испарак ўрикларга қизил югуриб, кундан-кунга ғарқ пишиб бораётган кунларда синглим иккимиз шаҳд билан йўлга тушдик.

– Энамни кўриб келайлик.

Эшикдан киришимиз билан энамизга кўзимиз тушди. Кунчиқар томонга қараган уйининг олди очиқ айвонида тоғдек бўлиб ўтирибди. Ҳақиқатдан ҳам тоққа ўхшайди. Шу ўтиришида қанча ғамни кўтариб ўтирибди-ю. Икки йил олдин элликка ҳам кирмаган ўғлини тупроққа берди. Унинг еттита боласи чирқираб қолди. Ҳам ўлган боласига куйса, ҳам набираларига куяди.

– Яна Муҳиддин банисадамиш. Биттанг бориб кўрмабсан,– энам гапини одатдагидек ўпка-гинадан бошлади.

– Эшитмабмиз, эна.

– Ҳи...– юзини "э, қуйинглар-ей" дегандек боғ томонга бурди.

– Эна, ўзиз тузукмисиз?– гуноҳкордек сўз бошладик бирин-кетин.

– Тузук бўлганим қурсин... Мунча-ям умрим узунакан-а... Қачон Нурматимнинг ёнига борарканман. (У ўлган ўғлини эслаб, ҳар гал шундай дейди.)

– Қуйинг, жон эна, ундай деманг,– ёлборди синглим.

– Нимага унақа демасаканман, – энамнинг жаҳли чиқди.– Мана ўлим қачон келса, биз тайёр. Пича пул йиққандим. Ахир жон чиқиши билан ўликни анатга қўйиб, сандиқ очишади-да, болам. Ҳали сизлар ёшсизлар, нимани биласизлар. Бу кампир кариллаб гапиришини биларкан холос, пулиям йўқ экан дейишмасин деб йиққандим. Ўша пулни ҳидини билиб қолишдими, билмадим, Донохон (бирга турадиган невара келини) "гўшт йўқ" деса, эри "пул йўқ" деб ғинғиллайди. Ҳе, очинг, анови сандиқни, олинг ўша пулни, нима гўристонда магазин бормиди, ишлатовринглар, ўлсам топарсизлар, дедим. Нима дейман энди...

– Қуйинг, эна бизни қўрқитманг. Доим гапингиз ўлим, ўлим, – Замира йиғламсираб кўзига ёш олди.

– Ўлим ҳақ, болам. Шоҳниям олади, гадониям. Мана қачон келса, тайёрман деяпман-ку!

Тўқсонга яқинлашиб қолган бўлса ҳам атрофга тийраклик билан боқувчи кўзлари ҳовли томонга нимадир ёдига тушгандек хавотирланиб қаради.

– Муҳайё! – энам овозининг борича чеварасини чақирди.

– Ҳе! – боғ тарафдан Муҳайёнинг овози келди.

– Ўрикдан қоқиб ке. Ҳалиги катта шоҳига тегма. Униси опоқингга. Келганда ўзинг қоқиб берасан.

Муҳайё "рухсат" бўлганидан қувониб, яна боғ ичига қанот чиқаргандек учиб кириб кетди.



– Эна, чой ичинг.

– Ўзинг ич, ичмийман.

Биз шашт билан ўрикхўрлик қила бошладик. Энам устидаги оқ штапел кўйлагининг олдиларини кенгроқ очиб, баданларини елпиди. Назаримда хаёли яна узоқларга кетди.

– Муқаддамнинг боласи яна бўлмапти. Ҳеч йўғ шунисини бағрига босиб чиққанда, ўлсам ҳам тинчроқ ўлардим.

– Яна тушдими?

– Яна саккиз ойлик. Ўлик туғибди.

– Эссизгина...

Ҳаммамиз жим қолдик.

– Асти шулар тинчимади. Шулар тинч бўлса – мениям жоним тинч бўлади.

– Вой эна-ей, мунча ҳамма ташвишни бошизга қопқоқ қилиб кийиб оласиз. Ўзингизниям ўйланг.

– Қариганда биласан...

Қирчинида қийилган, вой болам,
Ўйнаб туриб ўйилган, вой болам...
Сан ўлгунча ман ўлсам,
Бўлмасмиди вой болам...

– Қуйинг, эна, йиғламанг, – мен энамга қўшилиб йиғлаётган бўлсам ҳам, уни юпатишга тушдим. Бошидан сирғалиб тушган оппоқ дуррасини олиб, хиёл тўзғиган, кумушдай сочларини текисладим. Рўмолини авайлаб ўратдим.

– Ахир ўзи болаларига бош бўлса бўлмасмиди. Яна келиниям кетиб қопди. Ҳайпаранжи бўлмай битта эрди турмушлаб ўтирса бўлмайдими-а?

Энам хиёл толиқди шекилли, сим каравотдаги пар ёстиқларга ёнбошлади. Секингина унинг суяклари бўртиб чиққан, нур томиб турган қип-қизил, юмалоқ чеҳрасига разм солдим.

– Эна, озгина ухлаб дам олинг, – дедим.

– Кундузиям, шундоқ ёруғ кунда ухлайдими одам. Нима деяпсан мени. Мен Аъзамнинг (бирга турадиган невараси) қоровулиман-а. Памилдорилар ҳам пишиб қолди. Кўчада битта-иккита шумтакалар бор. Биламан, пайт пойлаб туришади. Ўтган йили кўчадаги узумдан узиб қочишди. Ҳассамни дўқиллатиб орқаларидан чопай дедиму, қўй дедим.

– Муҳайё! – энам қаёққадир ғойиб бўлган чеварасини бор овози билан чақиришга тушди.

– Ҳе, – Муҳайё ичкаридан югуриб чиқди.

– Сандиқни калитини биласан-а?

У энди ўн бирга тўлган бўлса ҳам катталардай бош қимирлатди.

– Биламан.

– Секин очиб ҳалиги тугунларимни олиб чиқ. Аммаларингга кўрсатиб қўяй.

Синглим иккимиз бир-биримизга қарадик. "Оббо, яна ўша ўлимтикларини кўрсатади".

Муҳайё бир неча оппоқ тугунларни битта-битта олиб чиқиб, олдимизга ташлади. Биз уларни нима қилишимизни билмай, энамга қарадик.

– Шошилмай, биттадан очавер. Ўзим ким-кимгалигини айтаман, – деди менга қараб.

– Муҳайё, ҳозирча дастурхонни йиғиштириб қўя тур, – уни яна хизматга буюрдик.

– Ол, анови катта тугунни еч, – энам ошиқиб кетди.

Мен уни шоша-пиша олдимга тортиб, еча бошладим.

– Манави учта калиш-махси, тўн, кўйлак, лозим, рўмол..., – ҳаммаси ювғувчига. Суяб турганларга ҳам бериладн-да.

– Ў... эна, қўрқиб кетяпман. Ювғувчига мунча кўп нарса?

– Ҳа, бори ўшани рози қилиш керак-да. Охирги марта одамни поклайдиган ўшалар. Бу ишни ҳам юраги ботир одам қилади. Ҳаммаям эплолмайди. Одам пок бўлиб, тоза бўлиб, ювиниб тараниб борса, ер ҳам суюнаркан. Ернинг ҳам баҳри-дили очилиб кетармиш. Ҳаромҳаришдан, ювлиқ-юқсиздан ер ҳам ҳазар қиларкан, болам.

Биз "чурқ" этмасдик.

– Манови тайпинлик. Икки бўлак. Биттаси ўттиз метр. Биттаси йигирма метр. Ичини очгин.

Қўрқа-писа оппоқ кафанлик тахламини ёздим. Ўттиз метрликнинг ичидан кичкинагина, ёнғоқдек тугунча тушди.

– Сени эсинг бор, болам. Ҳали ёшсизлар. Хаёлинг жойида. Тайинлаб қўяй. Ювиб, тайпинликка ўраб бўлгандан кейин, мана шу тугунчадагини устимдан сепишсин... Хўпми... Эсларингдан чиқмасин, – энам тугунчани қайтиб-қайтиб кўрсатиб, қўлига ушлаб-ушлаб, яна жойига қўйди.

– Э... эна, қўрқиб кетяпман. Қўйсангиз-чи... Нима ўзи бу?

– Бу райҳон билан жамбилнинг уруғи.

– Қўрқаман, қўрқаман дейсанлару, сўрашни қўймайсанлар-а? Аммо сепиш эсларингдан чиқмасин. Бўлтими?

Биз нима дейишни билмасдик. Яна энамнинг ўзи бу ҳақда мароқ билан гапириб кетди.

Ўлик қирқ кундан кейин сув бўлиб оқаркан. Кейин ер бағрига сингиб кетаркан. Суяклари қоларкан, холос. Худди ўша қирққим куни мундоқ деб йиғланглар. Эшитиб ол:

Райҳон бўлинг, жон энам,
Жамбил бўлинг, жон энам,
Вой илойим шу кунларда,
Бино бўлинг, жон энам. денглар. Хўпми, жон болаларим.



Биз худди энамдан айрилиб қолгандек, томоғимизга нимадир тиқилиб, йиғлагимиз келди.

– Шунақа десаларинг, ажовмас, райҳон бўлиб, жамбил бўлиб, ерди ёриб чиқсам. Одамзод оби-ҳаётга айланиб, яна ерди бетига чиқади дейишади-ку! Ажовмас.

– Қўйинг, эна ўлманг...

– Ўлим ҳақ, қош билан қовоқнинг ўртасида. Муҳайё!

– Ҳе, – Муҳайё ичкаридан югуриб чиқди.

– Қўйларингга сув бердингми?

– Ҳозир тутдим-ку.

– Ҳа, сан кўпайиб кетгур, жуда бепарвосан. Ишонмийман. Пақир кўтариб, сувга ўтганингни кўрганим йўқ. Бор, яна бир сув бер. Иссиқ кун.

Муҳайё ҳупламай боғ томонга ўтиб кетди.

– Яна битта нарсани айтиб қўяй, – энам катта пиёладаги яхна чойдан бир хўплади. Биз ҳушёр тортиб, энамга астойдил қарадик.

– Бир куними гуллатсаларинг бўлди. Ўлганимга суюнсаларинг ҳам элди олдида йиғлаб турииглар. Чиқиб кетгунимча "энамлаб" турсаларинг бўлди. Хўпми? Ҳаммангни елкамда кўтариб катта қилганман-а. Яна одамлар айтмасин, бу хотин бола боқмаганакан, деб. Ҳа, худо буюрса, сен бор, Замира, Ҳалима, Тожихон, Хайриниса, Зулфия, Шоира... Ўҳў... Худога шукур, тобутимнинг тепаси бўш қолмасакан.

Энам худди ўша кунни кўз олдига келтиргандай, кичрайиб, чўккандай жимиб қолди.

– Болам... – энам ўзини хиёл ўнглаб, менга қаради. Кўкиш томирлари бўртиб чиққан озғин қўллари билан чап қўлимни ушлади.

– Сенга яна битта гапим бор.

– Айтинг, эна, – мен унинг сўлғин, терилари шалвираб қолган юзига юзимни босдим. Бетларидан беозоргина ўпдим.

– Айтинг, эна.

Энам жимиб қолди. Узоқ мулоҳаза қилган одамдай, анчадан кейин гап бошлади.

– Ишонганим сен, болам. Ахир сен невараларимнинг энг каттасисан. Буёғи ҳаммаси сенга боғлиқ, – энам катта масалани ҳал қилгандай салқи қовоқлари кўтарилиб, кўзларини катта-катта очиб, узоқларга қараб қўйди.

– Айтадиган гапингиз шуми?

– Йўқ... Эндиги боларимнинг яхши ё ёмон деб ном чиқариши кўпроқ сенга боғлиқ демоқчиман-да. Ҳамма нарса каттадан...

Асосий гапи нима экан, дегандай энамнинг оғзига қарадим. Энам эса индамасди. Чеҳраси маъюс.

– Эна, – унинг саратон тафти уриб турган юзларини силадим. Эртага албатта борамиз. Олдин Муқаддамни кўрамиз. Кейин Муҳиддинни ёнига ўтамиз.

Барибир чеҳраси очилмади.

– Ишонмайман! – кутилмаганда бирдан юзини ўгирди. Вужудини бир нарса кемираётгандай оғриқ билан гапирди:

– Оёғим бутунлигида ҳамманг жамидинг-ку! – энам рўмолининг учи билан кўзларини артди. – Бу бир-биридан бехабарларни ичида қандоқ кўз юмаман, эй худо! Тинч ўлишда ҳам гап кўп экан, – энам астойдил нола қила бошлади.

Айбимиз бўйнимизга тушгандек, жим ўтириб қолдик.

Азалдан эл кўнгли яримнинг кўнглини кўтарган. Шуни биласанларми? Сенлар бўлса... Ўзларинг тинч... Биров билан ишларинг йўқ... Қандоқ ўламан...

Ҳозир энамга бир гап айтиш учун тоғдек юрак керак эди. "Чурқ" этмадик. Муҳайё ҳеч нарса бўлмагандек ичкарига кирди, ташқарига чиқди.

– Мукаррам! – ерга киргудек бўлиб ўтиргандим, номимни эшитиб, бошимни кўтардим.

– Туринглар... – энамнинг буйруғи қатъий эди. – Анови олиб келган қанд-қурс, нон-нонларингни олиб Қумри энангни кўриб чиқинглар, уям таварик бўлиб қолди. Бирёғи қариндош, бирёғи қўшни. Кеча банисадан обкелишди. Кўзини апараса қинди. Кошки оёғим бўлса. Зўрға судраб шу ерга обчиқиб қўйишади. Донохон барака топсин. "Поҳ" демай мени боқяпти-ку! Бошқа келин бўлса, худо биларди, нима бўлардим.

Биз энамга қулоқ тутганча, аста қўзғолдик.

– Кира қолинглар. Сўраб қўйинглар, хўпми?

Эртасига уйга қайтарканмиз, яна энамнинг оғзини пойладим. "Менга нима гапи борикин?".

– Эна, ҳижолат бўлиб қолдим. Ҳалиги... гапингизни айтинг.

Энам жаҳлланганлек қаради.

– Шошилма, болам. Вақти соати ўзи келади.

Ёз, куз, қиш ўтиб, баҳорга чиқаверишда ҳаммамизнинг уйимизга ташвиш бир кунда кириб келди.

– Энам оғир ётибди. Овқат ҳам емаяпти. Одамниям танимаяпти...

– Нима?! – кўзим "ярқ" этиб очилгандек бўлди. – Одамни танимаяпти дейсанми? – укамнинг гаплари ёлғон бўлиб чиқишини шунчалар истардимки...

"Нега? Нега? Нега шунча ойдан бери ёнингизга шошилмадим?!"

– Яхши бўлиб қолар, – умид билан йўлга чиқдим.

Энам анчагина кичрайиб, юзлари бир тишлам бўлиб кетган, нафаси қийноқ билан кириб, қийноқ билан чиқарди.

– Наҳот! Наҳот! Наҳот, энажон кечиккан бўлсам? Ахир менга айтадиган гапингиз бориди-ку! Нега мени кутмадингиз?"

– Эна!!! – ҳозир яна гапларимни эшитадигандек, бор овозим билан фарёд чекиб чақиргандек бўлдим. Овозимни бошқалар эшитдимийўқми, билмадим.



– Йўқ, энди эшитмайди. Энди ҳеч нарса билан иши йўқ. Энди ўзи билин ўзи овора, – бошида ўтирган қўшни кампир юзимни юваётган кўз ёшларимга қараб, юпатгандек гапирди.

– Халча опа, болаларингиз келишди. Рози бўлинг энди... Ҳаммаси шатта, – қўшни кампир қаттиқ-қаттиқ овоз билан энамнинг қулоғига гапирди.

– Энажон! Наҳот! Елкангизда катта қилган эдингиз-ку! Нега шунча ойдан бери ёнингизга келмабман-а? Нега? Болаларим дедимми? Ишим дедимми? Ғафлат босдими? Балки шу айбимни айтмоқчимидингиз? Кечикма, болам, кечикма демоқчимидингиз? Йиқилганни турғазишга, кўз ёшни артишга, қўл чўзганга қўл узатишга кечикма деб айтмоқчимидингиз? Сенга ташнаи-зорлар бор, ўшаларнинг ёнига чоп демоқчимидингиз? Нима демоқчийдингиз?

Энамнинг тоғдек бўлиб ўтиришларини, зийрак ҳушёр кўзларини излардим. Кўз очаётган баҳорни қаршилаётган ҳовли тўридаги катта боғ ҳам ғариблашиб, бош эгиб тургандек эди.

"Энам уларнинг ҳар бир шохини авайларди-я".

Шу пайт уйдан қий-чув овоз эшитилиб қолди. Жон ҳолатда ичкарига чопдим. Биз энамдан айрилиб қолган эдик.

– Эна!!! – фарёдим уйни тутди. – Эна, кечикдим, энажон, кечикдим. Менга сақлагинингизн ўлим олиб кетди. Ишонганингиз мен эдим-ку! Йўқ, энг ёмон болангиз менман, эна. Энди чопганим, энди югурганим бўлсин, эна...

Энам эшитмасди. Худди ухлаётганга ўхшарди. Худди у хушбўй ҳиди оламни тўлдириб юборадиган райҳон ва жамбилга айланиш ҳақида ширин туш кўраётгандай эди.

## ҚАЛДИРҒОЧНИНГ БОЛАЛАРИ

### ( Ҳикоя )

Инсон дунёга келиши билан кўзини очади-ю, ҳайратланиб оламга назар ташлайди. Балки у бутун умри давомида ана шу ўз назарига суяниб яшаса, ажаб эмас. Нимаики топса, ана шу ўз назаридан, яъни нуқтаи назаридан топади.

Оқила мана элликдан ўтиб боряпти. У ҳаётдан нима топди? Яшаш фақат бойлик, мансаб холосми? Бу кўҳна дунёнинг асл неъматлари ўзи нима?

Ажабо, инсон ёши ўтиб борган сайин дунёнинг лаззатини ҳис этиб боради чоғи... Оқила ярим аср яшаб, меҳр-ёруғ дунёнинг энг ширин ва лаззатли неъмати деган хулосага келди. Фарзандларинг соғиниб, юраклари оқиб, сенга талпиниб, эшигингдан кириб келса, оҳ бу лаҳзалар нақадар ширин. Қайсидир бир жигарбанднинг жону-жаҳонини сенга тутишга тайёр бўлиб турса... Соғиниб-соғиниб ёш тўкил-

ган лаҳзалар... Нақадар табиий, олтинга топиб бўлмайдиган туйғулар, кўнгил гавҳарлари улар...

Оқила ана шунақа туйғулар ҳақида умри ўтган сари ўйлайдиган, ўзича нималарнидир кашф этиб, худди дунёнинг пойига етгандай кўзи яна ҳам "ярқ" этиб очилгандай бўлади. Оламга яна ошиқлик билан назар ташлайди. Майли, рўзғор ками битганда битар, битмаса битмас. Ахир бу ғор қачон битибди. Лекин кўнгил ҳайрати сусаймасин. Кеча "Ёзувчи" газетасида шоира Нигора Усмонованинг шеърини ўқиб мазза қилди.

Ҳислар назокати қолса бўлгани,
Унда умидларим ғунчалар саҳар,
У куйлар нафосат дилга тўлганин,
Ҳам гуллар юртидан келтирар гавҳар.

Қайсидир шоир табиат ҳамкасби айтганди:

Опа, табиат одамлардан кўра минг марта яхши. Ҳаётимизнинг охири табиатга сингиб кетиши салгина таскин бериб туради.

Энди билса, ўша ҳамкасби ҳақ ва рост айтган экан. Баҳор... Кўнгилга баҳор келтиради. Ёз фасли! Ёзилиб яйраб, боғ-роғлардан роҳатланадиган палла. Куз. Энди қўявсрасиз. Қайси томонга қарасангиз тўкинлик. Ҳар томон жаннат, дастурхонлар ноз-неъматга тўла... Қишнинг ҳам гашти бошқача-да. Оппоқ қорини топиб бўладими? Қор ёғди, нон ёғди дегани–ку! Далалар дам олади. Боғлар синовдан ўтади.

Оқила умри ўтган сайин табиатга, ўша саховатли она табиатга тобора яқинлашаётганини, сингиб бораётганини, дилига яқин ҳам, қадрдон ҳам табиат бўлиб қолганини ҳис этди. Паустовский деган рус ёзувчиси бутун умр табиат ҳақида асарлар яратиб, "яна менга йигирма йил умр берилганда эди, табиат луғатини яратган бўлардим " – деб дунёдан ўтганини эслади. Бекорга армон қилмаган экан ўша ёзувчи. Табиатни севиб, ундан ҳайратланиб, ундан ҳаяжонланиб тўймаган экан-да!

Оқила табиатнинг кузатувчиси бўлиб қолганини қалдирғочлар учиб келган кундан бошлаб, яна астойдилроқ ҳис этди. Мана, бу йил улар тўртинчи йил Оқилаларникида макон топишяпти. Биринчи йили улар шунақа шаштин уй қуришган эдики... Оқшом тушганда, бир жуфт қалдирғоч уяларига хору хашак, лой ташийвериб, ҳолдан тойишар, чарчаб, ҳориб, иккиси икки михда мудраб ўтиришарди. Азон товушини эшитар-эшитмас, яна ҳаракатга тушиб кетишарди.

– Ажабо, – ўйга толарди Оқила, – агар одамзот ҳам қалдирғочлар каби оиласи учун битта ватан қураман деб шу ҳолатда урииса борми... у ҳеч қачон нолимаган бўларди. Ажабо, кафтдеккина жойда ватан барпо этиб, унда олти болани учирма қилган бу мўъжазгина митти қушчалар ҳаракатидан ҳайратланмай бўладими?! Табиат шунча доно, шунча донишманд.



Ўтган йили Оқиланинг олти фарзанди олти томонда бўлиб, уйда эру-хотин қолишди. Унинг назарида шу бир жуфт қалдирғоч болаларидай яқин бўлиб, уларга овунди. Улар уйларига кириб, чиқиб турса ҳам кун ўтгани билинмай турди. Кейин бир гала болалари учирма бўлди. Кичкина ҳовлиси уларнинг вижир-вижирига тўлиб-тошди. Гоҳи болаларини тинчитган онадай:

– Эй, бўлди-ей, нима деяпсизлар ўзи, жим, – деб уларни ўзича койиган ҳам бўлди.

Бу йил уларни астойдил кузатди. Нима учун кузатди? Бу саволига кейинчалик жавоб топди. Қалдирғочларга ҳаваси келиб, ҳайрати келиб, уларнинг ҳосиятидан, шарофатидан қувониб кузатди. Бу ширин жуфтликнинг, бу уринчоқ, серҳаракат, қанотлари олтин жуфтликнинг асл маъносини ўзича излади. Апрел ўрталарида келган бу ширингина жониворлар уч йил илгари қурилган уяларига бирор ҳафта термулиб, иккиси икки михда бир-бирига қараб ўтиришди.

– Уяларига қачон киришаркин? Улар қачон бирга яшашаркин?

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Оқила кўрса, иккиси уяларида тумшуқларини тумшуғига қўйиб, "асал ойи" бўлиб ўтиришибди. Ўтиришлари шундай меҳрли, шундай муҳаббатли! Бири бирига жон тутгудай. Оқила эртасига ҳам, индинига ҳам шу ҳолни кўрди.

Сал кун ўтмай Оқила уларнинг биттаси уяда, иккинчисини михда кўрадиган бўлди. Она қалдирғоч ўз уясида шундай масъулият билан ўлтиргандай. Ота қалдирғоч эса тунлари ниҳоятда зийрак. "Қилт" этган шарпани сезса, кўзларини аввал атрофга, кейин уяга қаратади. Ўз жуфтининг тинчлиги учун посбондай турганини бемалол кўриш мумкин.

Орадан бирор икки ҳафта ўтгач, она қалдирғочнинг ўз уясида оҳиста, сокинлик билан у ёқ-бу ёққа айланаётганини кўрди.

– Ҳа, у тухумларини иситяпти. Бағрини, борини бериб, зурёдини ёруғ дунёга келтириш тараддудида.– шундай хулосага келди Оқила.

Бу кунларда энди ота қалдирғоч тинмайди. Жуфтига оғзида емак ташийди. Тонг саҳарда азон товуши билан баб-баравар қанот қоқиб учади. У шундай илтижо билан сайрайдики... Оқиланинг назарида у болаларининг эсон-омон кўз очишини, оламга тинчлик, омонликни Оллоҳдан ўтиниб-ўтиниб, илтижо қилаётганга ўхшайди.

Борлиққа ҳамду сано айтади.

Кунлар пириллаб учяпти. Оқила кўрдики, она қалдирғоч ҳам ташқарига учяпти. Бу иноқ жуфтлар энди зир-зир югуриб, бир қанотлари уяда, бир қанотлари ташқарида. Уяларини бир дақиқа қаровсиз қолдиришмаяпти. Чопқиллаб-чопқиллаб, учиб-учиб қаёқлардадир бориб келишяпти. "Тил учида новвот берган отам-ей, онам-ей" дегандаларидай, тил учида "нимадир" топиб, етиб келишяпти.

– Демак, болалари кўз очибди...

Сал кун ўтмай "чий-чий" деган товушлар уя ичидан эшитила бошлади. Бироқ полапонларни кўриб бўлмасди.

– Шу қушчаларки, бир этак болаларини эплаб боққанда, наҳот биз одамзод, оёқ-қўлларимиз бутун бўла туриб, болаларимизни қайсидир етимхонага топширсак-а? Наҳотки, шу жажжи қушчалик қудратимиз бўлмаса-я?...Э, воҳ, оилани, зурёд учун ҳаракатни, болаларни учирма қилиб, ҳаётга қўшишни ана, қалдирғочлардан ўрган, болалирингга ҳам ўргат, Оқила, – деганча у ўзига нидо қиларди. Оқила бир ўзига эмас, ҳаммага, ҳамма оталарга, оналарга нидо қилгиси келди.

– Қалдирғочнинг болалари дунёдаги энг бахтли болалар экан. Уларнинг отаси ташлаб кетмайди. Онаси ташлаб кетмайди. Улар болаларини бир кун емаксиз қолдирмайди. Ҳар биттасини тилида новвот бериб боқади-я...

Оқилани яна беихтиёр қалдирғоч уяси ўзига тортди. Шу кичкинагина уя ичида ҳаёт учун, яшаш учун кураш, интилиш кетяпти. Уя ичидаги жониворларнинг қанот қоқаётгани, қанот қоқишга уринаётгани тинмай қулоққа чалиниб турибди.

– Ажабо, она қалдирғоч болаларига тарбия беряпти. Учишга ўргатяпти. Бу ўргатиш ҳам, бу уриниш ҳам икки ҳафтача давом этди. Қалдирғочнинг болалари учишга яқин кунлари отасининг ёки онасининг учиб келаётганликларини кўриб, шундай чийиллаб, талпиниб сайрашадики... Бошчаларини уяларидан чиқариб, қатор бўлиб тизилишиб олишади. Энди уларнинг жажжи вужудларини бемалол кўриш мумкин. Гоҳи бу митти жониворларнинг отасига, онасига ташналикларини кўриб, кўзингиздан ёш тирқирайди. Ахир, қуш боласи шунча ташна бўлса, одам боласи-чи... Қанчадан-қанча болалар етимхоналарда қалдирғоч болалари каби кўчага кўз тикиб ўтиришибди-ку! Қалдирғочнинг отаси-ку, онаси-ку албатта учиб келади-я. Учиб-учиб, шошиб-тошиб, ошиқиб-тошиқиб, оғзида жигарбандига емаги билан келади-я...

Оқиланинг ҳозир ич-ичидан хўрлиги келди. Ахир етимхонадаги гўдаккиналарнинг ота-онаси тирик бўла туриб, келишмаяпти-ку! Яқинда телевизорда кўрсатишди. Ҳатто ўша, болаларини етимхоналарга ташлаган ота-оналарнинг шохона, ўзларига тўқ хонадонларини ҳам тасвирга туширишибди азаматлар. Эҳ, бу етимгиналар учун ҳеч ким ота-она ўрнини босолмаса нима қилиш керак-а! Оқила ҳозир ўшанақа оталарга, оналарга қалдирғочнинг нозиккина вужудларини, мўъжазгина уяларини, полапонларнинг отаси, онаси учиб келаётган дақиқадаги шодон қийқириқларини кўз-кўзлаб кўрсатгиси келди. Қани энди киночи бўлиб қолганда-ку! Ана шу гўзал дақиқани кинога тушириб, ҳаммага бир марта бўлса ҳам кўрсатиб, ҳайратлантирган, ҳаяжонлантирган, тош қотган кўнгилларини бир тебратиб қўйган бўларди.

О, мана, ниҳоят, қалдирғочнинг болалари қанот қоқиб, учиб чиқишди. Оқила ҳовли узра гир-гир айланиб, чарх ураётган бир гала қошлари қалам, кўзлари мунчоқ, қанотлари ипак полапонларни кўриб, ҳар биттасини олқишлагиси келди.



– Эҳе, эй сиз полапонларим, билдимки, сиз дунёдаги энг бахтли жонзотлар экансиз. Сизнинг мард, умрини фақат соғлом зурёд учун бахш этувчи иноқ отангиз, онангиз бор. Эҳ, бизлар, агар шу қушчалик бўлолмасак, нима қилиб юрибмиз-а ёруғ дунёда? Нима қилиб юрибмиз?...

Оқила ўз саволига жавоб топиш учун узоқ хаёлга толди. У барча-барчага яна нидо қилгиси келди.

– Қалдирғочлар уя қурган шундай жаннат юртда битта ҳам етимхона бўлмаслиги керак, азизлар. Болангизни бағрингизга олсангиз-чи одамлар! Шу кичкина қушчалик бўлолмайсизми-а? Нега ташлайсиз? Одам ўз қонини, ўз вужудининг парчасини қасрларгадир ишониб ташлайдими-а? Ҳеч йўқ меҳрингизни тутсангиз-чи...

Йўқ, Оқилани ҳеч ким эшитмади. Унинг кўнгил нидоларини ҳеч ким эшитгани йўқ. Бироқ, қачонлардир, қалдирғочлар уя қурган юртда етимхона деган маконлар, манзиллар бўлмаслигига у ўзини ўзи ишонтиришга чунонам уринди. "Бунақа маконларнинг номи ҳам бўлмайди. Ҳа, ҳа, худди шундай бўлади". Оқила ўз ўйларининг, ўз кузатишларининг поёнига етмоқчи бўлган одамдай ўриклар ғарқ пишиб турган, гуллари очилган дунёга боққанча, узоқ ўтириб қолди. Ҳовлисида эса полапонларни кечагина учирма қилган бир жуфт қалдирғоч ўз жигарбандлари атрофида парвона бўлиб чарх уришар, вижир-вижирлари оламни тутарди. Оқиланинг нигоҳларида ҳам ҳайрат, ҳам ўксиклик суратлари зоҳир бўлганча, уларнинг сайрашларига қулоқ тутди. Кўнглига бу бийронликлардан малҳам излади.

## МУҲАББАТГА ИЗҲОРИМ МЕНИНГ...

(Қатралар)

Эй, муҳаббати чексиз-чегарасиз аёл! Сенинг вужудингда олов, қароғларингда чўғ, нигоҳларингда учқун кўрдим. Лабзингда ростгўйлик, ҳатти-ҳаракатларингда зарра сохталик сингмайдиган табиийлик ва ҳалоллик, қалбингда мурувват ва саҳоват.

Оҳ, кўрпаларингда тикан, парқуларингда тош, тунларингда азоб, томирларингда исмсиз оғриқлар... Лаҳзаларингда ипак толаларидан-да нозик ҳислар. Кўзларинг туб-тубида азиз соғинчлар, гоҳи армон сиёҳлари... Кўрдиму, кўрдиму, жоним-жигарим, уни ўз билганимча мадҳ ва шарҳ айладим. Бир томчи ёшингни кўрсам, ўксиб, қоғозлар қатига тердим. Табассумингдан, бахтиёр онларингдан қувониб, қувониб, қанотланиб, ул ҳур дақиқаларни энг гўзал, гул сўзлар билан безатишга, кўз-кўзлашга уриндим.

Муҳаббат! Бу – аёлнинг ёруғ дунёга ҳадя этган энг муқаддас туйғусидир, буюк санамлар қалбининг ноёб кашфиётидир. Оллоҳнинг инъомидир.

Сенга таъзим бўлсин муҳаббатли аёл! Сенинг тилингдан, дилингдан ёзмоққа журъат этдим.

* * *

## СЕВМОҚ – САВОБ, СЕВМАСЛИК – ГУНОҲ!

Ажабо! Илгари гуноҳ ҳақида кўп ўйлардим. Бугун эса... ўзим ҳайронман. Фақат ҳаёт, ҳаётнинг ҳар бир зуррасини сева олиш, чин дилдан, эътиқод билан севиш ҳақида ўйлаяпман. Бугунги хулосаларим бутунлай бошқача: Яъни,

Севмоқ – савоб,
Севмаслик – гуноҳ!

Агар бизда ҳар бир инсонни сева олиш, унинг яхши фазилатларини топа билиб, қадрлаш қудрати бўлса эди, атрофимиздаги дунёнинг нақадар улкан ва бепоёнлигини бемалол кўрган бўлар эдик.

## МУҲАББАТ ТАҲЛИЛИ

Муҳаббат таҳлили нозик. Севган киши азиз кишисининг қил кўнглини қирққа ёриб, таҳлил этса ажаб эмас. Масалан... Азизим, сенинг ортингдан қараб, ҳатто жонсиз кийим-бошларингнинг туришидан ҳам кайфиятингни айтиб беришим мумкин. Йўқ, кийим-бошлар эмас, елкаларинг, сочларингдан ҳам сезаман. Кайфиятинг ёмон бўлса,



сочларинг бетартиб, паришон бўлади. Елкаларинг нураган тоғдек пастлаб кетади.

Кўзларинг, юзларингдан эса китоб ўқигандай руҳиятингни ўқийвераман. Шунинг учун, жоним мендан ҳеч нарсани яширолмайсан.

## ДУНЁ ШИРИНКИ...

Кузнинг саҳий, саҳоватли нурларига ҳовучларимни тутаман ва ҳузур қиламан. Дунё шунчалар ширинки... Ахир, ҳозир сени кўраман. Соғинчларим кўзимдан тошa бошлайди. Сен уларни нигоҳларинг билан жон-жон деб, менга миннатдорлик айтганча тугиб оласан. Мен эса қушдек енгил бўлиб кетаман.

Азизим, қалбимдаги энг нозик туйғуларимга сен каби интиқ ва ташнаи зорни кўрмадим. Шундай лаҳзаларда мен – қуёшман, сен эса замин. Замин қуёш нигоҳига қанчалар интиқ. Сен ҳам худди шундайсан! Менинг бахтим, бахтиёрлигим, қувончим, бойлигим бори-йўғим шу лаҳзалар холос. Фақат шу лаҳзаларгина менинг умримни узайтиряпти.

Баъзан ўйлаб қоламан. Инсон вужудидаги бепоён, чегарасиз саҳоватли ишқ туйғусини ким яратаркин? Бу – илоҳий яратгувчининг муруввати, марҳамати бўлса, ажаб эмас.

## ИЛТИЖО

Ҳар тун илтижо қиламан. "Эй, карамли яратгувчим, менга бедорлик бер! Сониялар сари ўтиб бораётган умрим ғафлатга ботмасин. Сендан паноҳ сўраб, муҳаббатга интилай. Муҳаббатга суяниб, мўъжизангга, кароматингга таъзим этай".

## КЎНГИЛ ҲУВИЛЛАМАСИН!

"Қимматчилик" деб одамлар бунча ваҳимага тушмаса-я... Ҳали ҳеч ким очликдан ўлгани йўқ-ку! Дунёда беминнат, бир-биримизга ҳадя этилган энг қимматбаҳо гавҳаримиз ҳали омон-ку! У Меҳрдир. У Муҳаббатдир! "Битта майиз қирқ кишига етади" деб доно халқимиз айтиб қўйган-ку! "Дил ба ёру даст бакор!" Нақшбандий бобомизнинг "Дилинг ёрда, қўлинг ишда бўлсин!" деган нақлига амал қилиб яшаган инсон, айниқса, жаннат мисол ери, суви бор юртимизда ҳеч қачон хор бўлмайди. Бироқ кўнгил очлигидан, кўнгил қашшоқлигидан, кўнгил ҳувиллашидан, кўнгил ёлғизлигидан асрасин!

## МУҲАББАТСИЗ ЯШАШ – ЯШАШ ЭМАС!

– Йўқ, ҳаммаси ёлғон! – нидо қилади вужудимда "кимдир". Унинг сени севгани ёлғон! Сен унга ишонма. Унга боғланма. Кўнгил қўйма. Энг нозик туйғуларингни унга асрама.

"Кимнингдир" бу овозини эшитаману, мен бошқаларга, аёлларга, одамларга нидо қилгим келади:

– Нима десангиз дея қолинг. Барибир! Мен ўша-ўшаман. Вужудим ўт бўлиб, кимнидир – отамними, онамними, синглимними, укамними ё фарзандимними, энг яқин сирдош дўстимними соғиниб турмасам, яшаганим бекор.

Соғинч, талпинишсиз, яъни муҳаббатсиз яшаш – яшаш эмас менга.

## БИР ЯШИЛ ЯПРОҚ БЎЛИБ...

Соғинган кишимдан соғинч топмаганимда, мен онажоним – саховатли табиат қошига келаман. Ҳар бир гиёҳ нимадир ҳикоя қилади. Бир кун шу она ерга қўшилиб кетишимни ўйлаганимда, яна табиатга руҳан сингийман. Балки ўшанда азизлар, бир яшил япроқ бўлиб Сизни офтобдан асрасам, ажаб эмас. Балки қизил гул бўлиб, димоғингизга уриларман.

## ДАҲШАТ

Ҳеч кимни севмаган, севолмаган, ҳеч кимга қалбини фидо этмаган одамлардан даҳшатдан қўрққандай қўрқиш керак деб ўйлайман. Негаки, севган кишилар ҳамиша кўнгилчан, қалбан эгилувчан, кечиримли ва саховатлидирлар.

Севмаганлар эса қалб изтиробларини тортмаганлардир. Улар фақат ўзларини яхши кўрадилар, ҳамма нарсани ўзлари учун талаб этадилар. Улар қалбнинг қийма-қийма бўлиб, қийноқ тортишини билмайдилар. Улардан ҳеч ким баҳра ололмайди. Улар униб турган яшилликлар – яхшиликларни ҳам қийратиб, йўқ қилиб юборишлари мумкин.

Илло, шундайлардан асрасин!

## СЕНИНГ БОРЛИГИНГ – МЕНИНГ БОРЛИГИМ...

Хайрият! Сен соғсан! Сен омонсан! Демак мен ҳам бахтиёр бўламан. Ўз-ўзимдан кўнглим гулзордай яшнаб, очилиб кетади. Севинганимдан тўйиб-тўйиб йиғлагим келади. Кўз ёшларим тошаётгандагина қувончларимга қоришиб – қоришиб кетган армонларимни кўраман.

Яшаш – оғир машаққатли жараён. Яхши дўстинг, яхши ёринг, меҳрибон фарзандларинг бўлса, у ҳузур ва роҳатга айланиши мумкин. Азизим, сенинг борлигинг – менинг борлигим, чексиз қувончларим, чексиз куч - қудратимдир.



## БИЗЛАР ҒОЛИБДИРМИЗ!

Муҳаббат мени ҳаёт чиғириқларидангина эмас, инсон туйғуларининг минг битта сўқмоғидан ҳам авайлаб, оҳиста олиб ўтмоқда. Ҳар қандай оғир лаҳзада ҳам муҳаббат иккимиз руҳан ва қалбан ғолибдирмиз.

## ҚАНДАЙ ҚУДРАТЛИСАН-А, АЗИЗИМ...

Азизим! Бугун мен бутунлай бошқа одамман. Назаримда, сен ўша муҳаббатинг билан менинг лойимни янгитдан қординг. Янгидан яратдинг мени. Мен бир аёл сифатида бир умр ўзимни эгиб оладиган қудратни яратувчимдан сўрадим ва кутдим.

Ҳамиша орзу қилардим. Дунёда шундай бир куч бўлсаки, мен унга жону дилим билан ихтиёрий қул бўлсам, қаршисида тобе бўлиб, вужудим тўлқинли тебраниб турса...

Бугун ўша куч менга ҳукмрондир. Ростини айтганда, сенга ҳавасим келади. Қандай қудратлисан-а!

## ШИРИНГИНА АЛАМЛАР-А...

Рашк... Сени қизғаниш... Исмингни жон пардасида тутиб, асраганча, бу кўнгилнинг ташнаи зорликлари. Этагимга ёш боланикидай дувиллаб тўкилган тип-тиниқ кўз ёшлар. Рости, рости, бу туйғуларсиз дунё қанчалар ғариб. Буни ёлғиз ўзим биламан. Сен бўлмасанг, бу ширингина аламлар менга қайдадир, жоним муҳаббат.

## ЯНА СЕН!

Бу – жим-жит, тириклик комидаги карахт юракни ким тебратди-я? Ким? Яна сен! Юракнинг қоронғу нуқталарини ўз меҳригиёси билан ким мунаввар этди-я? Яна сен!

Эй, ҳаётнинг офтоби, вужуднинг сарчашмаси бўлган муҳаббат! Мен сендан ҳеч нарса сўрамайман. Нигоҳларингда менга аталган бир умрлик боғланишни кўриб турсам бас! Ўша менинг яшашимга кифоядир.

## МУҲАББАТ – ВИСОЛ ЭМАС...

Муҳаббат топганларнинг қай бири висол топибди? Муҳаббат – висол эмас... У қалбнинг нурланиши, оёққа туриши ва қад ростлашидир.

## МУҲАББАТЛИ ИНСОН – ХАЛҚ БЎЛАДИ

Иброҳим Ғафурнинг "Илтижо" мансуралар тўпламини ўқиб, ҳаёт, эл, Ватан муҳаббатини кўрдим. Ҳар бир фарзанд ўз юртини шу китобдаги муҳаббатчалик севса эди, у албатта, элининг юкини елкаловчи мард бўлади, халқ бўлади.

## ДУНЁНИ АСРАГУВЧИ МЎЪЖИЗА...

Муҳаббат! Сен билан хаёлан, руҳан, юзма-юз турганда, кўзимга жиққа ёш тўлади. Тўйиб - тўйиб йиғласам ҳам ҳузур қиламан. Вужудимга тикандек ботиб турган соғинчлар азобидан озгина озод бўламан. Дарддан фориғ бўлган одамдек енгил нафас оламан. Дунёни, тирикликни боқий қилиб, қорачиғида асраб турган мўъжиза гавҳар – ўша муҳаббатдир, деган хулосага келаман.

## АЁЛ – СЕН БОҚИЙ МУҲАББАТСАН...

Эй, гўзал аёл! Муҳаббати чексиз аёл! Фаришта аёл! Айт, фарзандларинг борми? Сен парвариш этган ниҳоллар – ўғил - қизлар борми? Бор бўлса демак бахтли экансан. Кўксинг бут экан. Ҳаётга мевалар берибсан. Муҳаббат берибсан. Ишқ берибсан. Мўъжиза берибсан. Бу мевалардан яна мевалар, яна гўзал, бебаҳо неъматлар бино бўлади.

Ниҳолларинг сенинг дардингни, армонингни, қалбингни англашадими? Агар англашса, бахти зиёда экансан. Негаки, сен уддалолмаган ишларни улар уддалашади. Билгилки, қалбинг мангу яшайди, ҳеч қачон ўлмайди. Энди сен оқил, зийрак, ҳушёр, муҳаббатли фарзандларинг туфайли ўзинг ҳам боқий муҳаббатсан!

## МУҲАББАТ, СЕНГА ТАЪЗИМ

(Назмий насрлар)

### МЕН ҲАМ МЕҲМОНМАН

Соғинганим, келгил, кела қол, овозингни суртай юракка. Кел, бир тўйиб, қошингда йиғлай. Кўнгилларим кетсин ёзилиб. Нима бўлса, бўлар ҳаммаси. Ақлилик жонимга тегди. Қулинг бўлай, гадоинг бўлай, ёлғизликдан қутилай бир он. Кўнглимга ҳам бир қарай ахир... Ахир мен ҳам ёруғ оламга келиб кетар меҳмонман, меҳмон...

### СЕН БАРИДАН БУЮКСАН...

Кўзимда ёш, сени эслайман. Сен баридан буюксан, жоним. Кўнглимнинг ҳеч ким етмаган хилқатларида ўзинг ҳаво, ўзинг булоғим. Бугун кунлар бирам яхшики... Бирам тоза, бирам ёқимли... Суянаман ёлғиз ўзингга, ўзинг ҳузур, ўзинг ҳаловат. Ажабо, мени тушунади ҳаттоки тушлар... Шундай бир кўзлар бор – мени англайди.

Ажабо, Оллоҳ қаршисида жавоб бераман – ўзимни тутганча ўзим сўроққа, ҳар куни, ҳар куни... ғолиб келаверар яна шу кўнгил. Яна рўпарўмда яна сен – ўзинг!



### СЕН – ИЛОҲИЙ БИР МЎЪЖИЗАСЕН...

Наздимда сен жуда юксакда. Етти қават осмонимдасан... Тўғри, қўлим етмасдир балки... Етолмасман балки ёнингга. Бари бир...Қуёш бўлиб келдинг уйимга. Гоҳ юлдуздай чақнайсан ёруғ. Гоҳи майин саболар бўлиб, ҳузурбахшсан жонимга жуда. Ёмғир бўлиб ғуборим ювган, бўрон бўлиб тебратганим – сен! Сен - илоҳий бир мўъжизасен...

### ОСМОН, МУНЧА ЯҚИНСАН...

Тонгнинг майин нур ипагида ўйларимга кириб келдинг сен... Ожизгина майсаман гўё. Кипригимда шудринг – томчилар. Қуёшми ё майин шаббода, меҳринг тафти қароқларимда... Қўл чўзаман осмонга яйраб, қушлар мисол шодонман бу он... Осмон, мунча яқинсан, деймaн. Онажоним, ер мунча юмшоқ. Етти қават кўрпадай хазон. Эркаланиб кетаман шодон. Шундай қутлуғ экан инсонлик, шундай чексиз меҳр - муҳаббат. Поёни йўқ, сарҳади ҳам йўқ. Саховат, саховат, о, инсон кўнгли, минг бор қуллуғ яна ўзингга...

### ИҚРОР

Айтгим келар нимадир. Қуш тилини англармиш қушлар. Кел, сен қуш бўл, мен бўлай бир қуш. Қуш бўлсамми, ортингдан тинмай учардим, шошардим тинмай. Қанотларим ёзардим шундай, уфқларни қучардим шундай...

Йўқ, йўқ, бари, бариси бекор. О, қаршингда бўлганча иқрор, гулдай нафис ҳислар қатида, гоҳи тоғдай мағрур бир санам, гоҳи ердай бўлиб хокисор, мижжаларда соғинч томчиси, яна иқрор ва яна иқрор, кўнгил ичра яна минг таслим... ва ҳаммасин этганча пинҳон, минг бир қават гулбаргга яшириб, оҳиста ортига қайрилган аёл... Ўша-ўша ўзи ҳузурли, ўша-ўша ўзидир гўзал... Ўша-ўша ўзидир сирли...

* * *

Кутяпман сени... Оҳим тўкилади вужуддан. Яна вужудимда зорлик, бедорлик. Эй, сен ўша руҳим таянчи, яна, яна сени излайман. Кўнгил оламига ёқар оппоқ қор. Дилдираб туради орзу ғунчаси. Дунё ҳувиллаган, дунё ёлғиздир. Йўқ, йўқ, жоним, йиғлаганим йўқ. Тирмашиб, таташиб излаяпман куч! Ёлғиз ўзинг, ўзинг мададкор. Овоз бер, садо бер, кутяпман сени...

### СУВРАТИНГ...

Сен... Қандай қудратлисан, қандай зўрсан-а, юрагим тубига чиздинг сувратинг... Ажабо, бу сурат энди мен билан... Яйрасам – яйрайди, йиғласам – йиғлар. Гоҳ учиб кетамиз осмонга икков, гоҳ ойга стамиз, гоҳи юлдузга, гоҳ паноҳ топамиз парқу булутларнинг оппоқ уйи-

дан. Гоҳ бизни чорлайди пушти шафақлар... Қуёш нурларига тўлар гоҳи ҳовучларимиз...

Сувратинг шунчалар жонимга жодир... Ҳеч ёлғиз қўймайди, ҳоли қўймайди, гоҳ мени чорлайди Арш аълоларга. Умрим тўлиб кетар маҳзун, бир дардли, ишқми - муҳаббатми... ўзим билмаган азиз ва қадрдон куй-наволарга.

Дунёдан узилиб қоламан гоҳи... Зарра ҳис этмайман каму кертикни. Унутиб яшайман моддий борлиқни... Бир гўзал маъволар, бир гўзал ҳислар... Соғиниб чорлайди кўксимда суврат. Ардоқлаб кўзимга таратар зиё. У мени кафтига қўяди гоҳи. Қанотланиб учаман сармаст. Суврат, суврат, кўксимда суврат...

## ҚУЁШ – СИЗ БЎЛИНГ...

Сизни севаману, Сизни суяман. Қуёш камолида кўраман Сизни, юлдуз жимирласа, Сиз деб ўйлайман, Ойлар нур тўкканда, Сиз деб яйрайман. Сиз - борлиқ, Сиз – ҳаёт, Сиз ўша – чаманлар, гуллар, яшиллик!

Номингиз ёдлайман ҳар саҳар, ҳар тонг... Тунлар ҳам илтижом – Сиз... Фақат... ўтинчим, менинг қалбим билан ҳазиллашманг Сиз...

... Бўронга айланиб, улкан музликларга айланиб, яна ҳалокатга учрамасин у... у – гул бўлсин, ҳур бўлсин! Яшил майса бўлсин... Безасин, зебу зийнат бўлсин ҳаётга. Эзгу қадам бўлсин, эзгу йўл бўлсин. Неки бўлса бўлсин! Қуёш - Сиз бўлинг.

## ТОҒЛАР

Тоғлар! Ёнингиздан ўтиб бораман. Виқорлисиз, чўққилар оппоқ, мағрурсиз, масрурсиз, жуда ҳайбатли. Бироқ, кўнгил ичра назар соламан. Афсус, Сиз кўнглимга бўлолмайсиз тоғ! Дилим ичра юксалган чўққи, ажаб – бу ҳазрати инсон!

## О, БУ ЛАҲЗА БАХТЛИДИР АЁЛ...

Кўнгил тўлғонади, кўнгил ёнади, юрак тубларида чўғли ҳарорат, интиқлик, ташналик, зорлик, бедорлик. Яна талпинади аёл сен томон. Эй, инсон, наҳот ҳадя этдинг ёнмоқни ажаб... Хаёлидан кетмай, рўпарўла, рўпарўда – сен! Оҳ тортади, йиғлайди гоҳ-гоҳ кўз

ёшсиз, унсиз... Шунча сирлимисан, эй, дунё дегани! Жуда ғалатисан, жуда ғаройиб кўнгил, эй, девона кўнгил! Кўзларин юмади – ташналик, кўзларин очади – ташналик! Нигоҳида яшайди оҳлар, оҳлар эмас, балки гуноҳлар...Атрофида адоқсиз таъна, маломат... ва яна ғийбат...

У эса ғарч-ғурч босиб, сачратиб қонлар, товонлари ботганча тошга, кўксини тутади қадрдони азим бардошга!



Чопади, чопади, сенга чопади... Шунчалар яқинсан кўнгилга инсон, оби ҳаётсан – сен, ҳеч қайдан, ҳеч қайдан топилмас неъмат!

Оҳ, туйди у дунёда меҳр – нима у! Нима у ҳижроннинг аччиқ бодаси! Нима у – муҳаббат! Нима у – дийдор! Дийдор, эй сен жону жигарларга туташган лаҳза! Кўзларни, жисму жонларни ёндирган олов! Дийдор, нон каби иссиқсен, ҳаводек лаззат! Бошини қўяди осмон тоқига! Юзини силайди нурлар. Рўпарўда – қуёш, қошида – қуёш! Соғинчлар учади Оққуш мисоли. Гулбаргидай ҳислар тарайди ифор!

О, бу лаҳзаларда бахтлидир аёл...

* * *

## Муаллиф ҳақида

Матлуба Деҳқон қизи 1948 йил, 1 майда Олтиариқ туманининг Файзиобод қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топган. Отаси - Аҳмедов Деҳқонбой қишлоқнинг ўқимишли кишиларидан, биринчи муаллимларидан, вилоятнинг таниқли иқтисодчиларидандир. Онаси - Нишонова Пўлатой қишлоқнинг оддий колхозчи аёли, саккиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказган фидоий она.

Оиланинг тўнғич фарзанди Матлуба Деҳқон қизи беш ёшга тўлганда, отасининг хизмати туфайли оилалари Фарғона шаҳрига кўчиб келди. У илк сабоқни Фарғона шаҳридаги 15-мактабда олди. Мактабни тугаллаб, 1966 йили Фарғона педагогика институтининг она тили ва адабиёти куллиёти талабаси бўлди. Унинг илк шеърлари 1965 йилдан бошлаб "Тонг юлдузи" (аввалги "Ленин учқуни") рўзномасида Матлуба Аҳмедова имзоси билан босила бошлади. Кейинчалик "Фарғона ҳақиқати" (аввалги "Коммуна") рўзномаси унинг севимли даргоҳига айланди. Бу ердаги забардаст ижодкорлар Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимовлар унга ўзларининг беминнат устозлик сабоқларини бердилар.

1970 йили олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугаллаган ёш шоира вилоят рўзномасига ишга келди. Энди у замондошлари ҳақида лавҳалар, очерклар ёзди. Йиллар ўтиб, Матлуба Деҳқон қизи наср жанрида ҳам астойдиллик билан ўз имкониятларини синаб кўрди. Бирин-кетин унинг республика матбуотларида "Келин", "Райҳон бўлинг, жон онам", "Дунё", "Олов" каби қатор ҳикоялари босилди. "Ёруғ юлдузим", "Кўнгил уйи", "Соғинч" қиссалари дунёга келди.

1973 йилда Ғ.Ғулом нашриётида чоп этилган "Гулдаста" гуруҳ тўпламида шеърлари, 1977 йилда "Ёшлик-3" альманахида "Келин" ҳикояси чоп этилди.

1992 йилда мустақиллик шарофати билангина унинг илк шеърий тўплами - "Қорачиқ" Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. 1994 йилда Фарғона ижодкорларининг "Гўзал бир дунё" тўпламида "Ишққа ташнами-я шунчалар одам..." туркум шеърлари босилди.



1997 йилда "Кўнгил уйи" қиссаси "Ёшлик" журналида чоп этилди. Шоиранинг 1998 йилда "Ойдин" рўзномасида чоп этилган "Ишқим-иймоним" лирик достони ҳаётга катта муҳаббат билан битилган. 1999-2000 йилларда "Ойдин" рўзномасида чоп этилган "Соғинч" қиссаси инсоннинг энг ташна туйғуси соғинч ҳақида, ўзбек аёлининг минг бир қаватга ўралган нозиктли муҳаббати ҳақидадир.

Матлуба Деҳқон қизининг "Аёл кўнгил дафтаридан" қатра ҳикоялари ҳам мухлислар томонидан илиқ кутиб олинган.

1999 йилда "Ёзувчи" нашриётида Матлуба Деҳқон қизининг қисса ва қатра ҳикояларидан иборат "Кўнгил уйи" насрий тўплами чоп этилди.

1983 йилда у Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Матлуба Деҳқон қизи 1984 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, 1998-2001 йилларда масъул котиб бўлиб ишлади. Айни пайтда қайноқ ижод билан машғул.

**Т. Жўраев,**
ёзувчи

## МУНДАРИЖА

1. Соғинч (қисса)........................................................ 3
2. Райҳон бўлинг, жон энам (ҳикоя)........................55
3. Қалдирғочнинг болалари(ҳикоя)......................... 60
4. Муҳаббатга изҳорим менинг (қатралар)............ 65
5. Муҳаббат сенга таъзим (назмий насрлар)........... 69



Адабий-бадиий нашр

**Матлуба Деҳқон қизи**

# СОҒИНЧ

**Қисса, ҳикоялар ва қатралар**

Муҳаррир — Т. Жўраев
Мусаввир — И. Абдуллаев
Техник муҳаррир — М. Хаимова
Мусаҳҳиҳ — Д. Акбарова

Босмахонага берилди 28.02.2001йилда. Босишга рухсат этилди 27.04.2001 йилда. Ўлчами 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 4,7 Нашр табоғи 4,42 Жами 2000 нусха. Буюртма 2127. Офсет усулида босилди. Баҳоси шартнома асосида.

"Фарғона" нашриёти.
712014, Фарғона ш., Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Фарғона вилоят босмахонаси.
712014, Фарғона ш., Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй.